

377
Н-40

К.Р. МАМАДАЛИЕВ

ПЕДАГОГИКА



341
pluo.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎҚТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

К.Р.МАМАДАЛИЕВ

ПЕДАГОГИКА.

ЎҚУВ КЎЎЛАММА

-13793/26-

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
АХБОРОТ RESURS MARKAZI
1-FILIALI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
АХБОРОТ RESURS MARKAZI

«Book trade 2022» нашриёти

Тошкент - 2022

УДК 371
КБК: 74
М-23.

К.Р.МАМАДАЛИЕВ. Педагогика. Ўқув кўлланма. – Т.: “Book trade 2022”, 2022. 318 б.

Мазкур ўқув кўлланма нопедагогик олий таълим муассасалари бarcha таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, унда биринчидан, узлуksиз таълим тизимида давлат сисcатининг моxияти, мазмуни, таъойиллари ва хусусиятларини ўрганиш; иккинчидан, узлуksиз таълим тизимининг моxияти, турлари ижтимоий ва касбий асосда ўрганиш; учинчидан, шахс ривожланиши ва шаклланишининг моxиятини ва қонуниятларини ўрганиш ва уларнинг тарбия жараёнига таъсирини тахлил қилиш; *тўртинчидан*, инновацион метод, воситалар, шакллар ва таълим максалларини ишлаб чиқилиш ва тахлил қилиш; *бешинчидан*, педагогика ва ўқитиш жараёнлари, таълим мазмуни ва тарбия назариси ҳамда таълим ва тарбиянинг методларини ўрганиш; *олтинчидан*, психологик тушунчалар, категориялар, қонуниятлар, психик жараёнлар ва уларнинг тоифаланишини ўрганиш; *еттинчидан*, талабаларнинг келгуси иш фаолиятларида ишбилармонлик мулоқоти туғрисида тушунчаларга эга қилиш ва уларда зарур қўникмаларни хосил қилиш; *саккизинчидан*, бўлажак мутахассисларни педагогик-психологик билим, қўникма ва малакаларини ривожлантириш, уларнинг касбига бўлган қизиқишларини янада чуқурлаштириш, барқамол шахс қилиб тарбиялаш каби билимлар фаннинг ўқув дастури асосида марбуза машгулотлари ҳамда амалий машгулотлар мавзулар кетма-кетликда баён этилган бўлиб, талабаларнинг билим, қўникма ва малакалар билан қўроллантрилишга замин яратлади.

Тақризчиллар:

Ш.Ботирова	ЧДПУ	Бошлангич	таълим	факультети
	-	Бошлангич	таълим	назариси кафедраси
	-	мудир, доцент, педагогика фанлари доктори		
Ш.Мардонов	-	Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти профессори,		педагогика фанлари доктори

Ўқув кўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 19 июлидаги 233-сонли буйруғига асосан нашр этишга рухсат берилган.

© К.Мамадалиев, 2022.
© «Book trade 2022» nashriyoti, 2022.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	
1. ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.....	
1.1. Педагогика бу нима? Педагогика фанининг предмети.....	
1.2. Педагогик моделлар. Продуктив педагогика. Педагогик моделларнинг таълимга қўйилган талаблари. Мултивсаводхонлик модели.....	
1.3. Педагогик фанлар тизими. Педагогиканинг тармоқлари. Икτισодий педагогика - педагогика фанининг бир тармоғи сифатида.....	
2. ТАРБИЯ НАЗАРИСИ.....	
2.1. Тарбия тушунчаси. Тарбия жараёни.....	
2.2. Тарбия методлари. Тарбия қонуниятлари ва таъойиллари.....	
2.3. Тарбия турлари. Ақлий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат, икτισодий, экологик тарбия. Ойла тарбияси.....	
2.4. Шарқ мутафаккирларининг тарбия ҳақидаги қарашлари.....	
3. ТАЪЛИМ НАЗАРИСИ. ТАЪЛИМ СТРАТЕГИЯЛАРИ.....	
3.1. Заъонавий таълим-тарбия тизими. Дидактика тушунчаси. Таълимнинг функциялари, категориялари. Дидактик таъойиллар.....	
3.2. Таълим стратегиялари. Блум таксаномияси.....	
3.3. Ҳамкорликда ўқитиш. Конструктивизм.....	
3.4. Таълим мазмуни, таъкилий шакллари, метод ва воситалари.....	
3.5. Ривожланган мамлакатлар таълим тизимининг ўзига хосликлари.....	
4. ЗАЪОНАВИЙ ПЕДАГОГ МОДЕЛИ.....	
4.1. Педагог шахси. Педагогга қўйилдиган заъонавий талаблар.....	
4.2. Сифатли ўқитувчи тушунчаси. Роберт Гленнинг “ўқитувчилар нима қилиши керак?” номили асари.....	
4.3. Заъонавий педагог модели.....	
5. ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	
5.1. “Технология”, “Инновацион технология”, “Педагогик технология” тушунчалари, уларнинг ўзаро фарқлари.....	
5.2. Таълим технологияси нима?, таълим технологиясининг хусусиятлари.....	
5.3. Ўқитиш услублари ва техникалари. Ўйин орқали ўрганиш, Ўйин орқали ўрганиш, ролли ўйин, ақлий хужум, мавзувий ўқитиш, умумлаштирилган ўқитиш, хикой сўзлаш, ёрдамчи қўникмалар, мухокама усули, талаб услуби, муаммони ечиш (муаммони таълим), аъло даражада ўрганиш.....	

6.	ЗАМОНАВИЙ ПСИХОЛОГИЯ. ПСИХОЛОГИЯ ФАН СИФАТИДА.....
6.1	Ҳозирги замон психология фанининг предмети ва унинг ижтимоий табиати.....
6.2	Психологияни ўрганишга талаблар. Психологиянинг эволюцияси: тарихи ва ундаги турли ёндашувлар. Психологиянинг физиология асослари.
6.3	Психологиянинг асосий методлари.
6.4	Психологиянинг асосий тармоқлари. Психологиянинг таъликий ва амалий соҳалари.....
6.5	Психодиагностика ва психокоррекция ҳақида тушунча. Шахс ҳужини мақсадли тузатиш-психокоррекция эканлиги.....
7.	ШАХСНИНГ ИНДИВИДУАЛ ҲАВАСИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....
7.1	Шахс ривожланишининг ёш даврлари.
7.2	Когнитив ривожланиш бўйича Пиаже назарияси.
7.3	А.Маслоунинг эҳтиёжлар иерархияси.
8.	БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТДАГИ ҲАВАСИ.....
8.1	Шахс ва унинг таълиқ олами билан имкониятлари.
8.2	Билиш жараёнлари классификацияси.
8.3	Онг ва тил. Онгни аниқлаш ва ўлчаш. Роберт Стернберннинг уч қисмли назарияси.....
8.4	Ховард Гарднернинг кўп онглилик назарияси. Фикр ва фикрлаш операциялари.....
9.	ШАХСДАГИ ТИПОЛОГИК ҲУСУСИЯТЛАР ВА УЛАРНИ ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ.....
9.1	Шахс тузилиши ва унинг шаклланишида Сигмунд Фройд, Жин-Марк Чаркодларнинг психодинамик назарияси.....
9.2	Индивидуал типологик ҳусусиятлар классификацияси.....
9.3	Шахснинг икtidори ва қобилиятлари диагностикаси.....
9.4	Шахс характери ва темперамент ҳусусиятлари.....
10.	МУЛОҚОТ ВА БОШҚАРУВ ПСИХОЛОГИЯСИ.....
10.1	Инсоний муносабатлар психологияси.....
10.2	Шахслараро муомаланинг шахс тараккиятлиги ўрни.....
10.3	Инсоний муомала ва мулоқотнинг психологик воситалари.....
10.4	Мулоқот ва уни ўрганиш муаммолари.....
10.5	Бошқарув психологияси ва уни функциялари.....
10.6	Менежер ва раҳбар типлари тўғрисида тушунча.....
	ГЛОССАРИЙ.....
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Бугунги янги Ўзбекистонни қуришда олий таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий ғазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш долзарб масъала қаторида ўз аксини топтоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан то ҳозирги давргача ижтимоий соҳа, ҳусусан олий таълим тизимига алоҳида эътибор билан қаралиб келинмоқда. “Таълим тўғрисида” ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун дустури амал бўлмоқда.

Бу борада юқоридати метёрий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Республикада иқтисодчи кадрлар тайёрлаш борасида амалга ошириётган ишлар тақсиринга лойик. Бугунги кунда Ўзбекистонда олий таълим тизимида олий харбый билим юртиларидан ташқари 119 та олий таълим муассасалари мавжуд бўлиб, уларнинг таркибиди 7 та академия, 58 та университетлар ва 5 та олий диний таълим муассасалари ҳамда филиаллари фаолият юртимоқда¹. Фаолият олиб бораётган 119 та олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда сиртки ва кечки бўлимларнинг очилиши, олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши маъмур йўналишдаги муҳим ислохотлар ҳисобланади.

Кадрлар тайёрлаш сиёсатида Педагогика ва Психология фанларининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Тайёрланаётган мутахассислар энг аввало, педагогик-психологик билимларга эга бўлиши зарур. Чунки, инсонни хар томонлама тарбиялаш инсониятнинг азалий орузи бўлиб, аждодларимиз маърифат ва маданиятни қандай қилиб ёш авлодларга ўргатиш, уларни қомилликка етаклаш йўллари, қонун-қоидаларини излаганлар. Инсонларни маърифатли ва маънавий қомил бўлиши - педагогика фанини асосий мақсади

¹ <https://knp.uz/> - <https://stat.uz/>

бўлиб келган. Шунингдек, рухий ҳолати, ички кечинмалари ва дунёқараши, тафаккури, психик ривожланишида психологиянинг ўрни аҳамиятлидир.

Муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган мазкур ўқув қўланма нопедагогик олий ўқув юртлиари, профессионал таълим муассасалари, академик лицей талабалари ва таълим-тарбия билан доимий шугullanувчи кенг китобхоналар омасига мўлжалланган бўлиб, унда асосий эътибор «Таълим тўғрисида»²ти қонун ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда, таълимнинг мазмунни, таълимнинг ташкилий шакллари ва методлари, Ўзбекистонда таълим тизими, шахсни шаклланишида таълим-тарбиянинг ўрни, шарқ мутафаккирларининг педагогик қарашлари, ўз-ўзини бошқариш педагогикаси, хорижий мамлакатлар педагогикаси, шунингдек, психологиянинг предмети, мақсад вазифалари, фаннинг ривожланиш босқичлари, психологиянинг асосий тармоқлари, шахс ва унинг индивидуал ривожланиши, унга таъсир этувчи омиллар қабиларга педагог ҳамда психологларнинг олиб борган илмий тадқиқот-изланишлари асосида эътибор қаратилган.

Мазкур ўқув қўланмани тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони³, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони⁴, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сонли қарори⁵, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли

мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3151-сонли Қарори⁶ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”⁷ги ПК-3775-сонли қарорлари методологик асос сифатида хизмат қилган.

Шунингдек, мазкур ўқув қўланмада хориж олимлари Lea Charpis. (Pedagog. Embedding Learning Technologies) Charles Stangor (Introduction to Psychology) номи ўқув қўланмаларидан таржима асосида кенг фойдаланилган бўлиб, муаллифлар томонидан кўргазмани шаклда тайёрланган.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. <https://lex.uz/>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони. <https://lex.uz/>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сонли Қарори. <https://lex.uz/>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3151-сонли Қарори. <https://lex.uz/>

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-3775-сонли Қарори. <https://lex.uz/>

1- МАВЗУ. ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

- 1.1. Педагогика бу нима? Педагогика фанининг предмети.
- 1.2. Илмий педагогик тушунчалар. Таълим, тарбия, билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.
- 1.3. Педагогик моделлар. Продуктив педагогика. Педагогик моделларнинг таълимга қўядиган талаблари. Мултисаводхонлик модели.
- 1.4. Педагогик фанлар тизими. Педагогиканинг тармоқлари.

1.1. Педагогика бу нима? Педагогика фанининг предмети

Келажати буюк давлатни кураётган кишиларнинг тафаккури, янги иқтисодий муносабатларни тиклашга, моддий неъматлар ишлаб чиқаришга астойдил киришиб доимо ёниб яшаш хисси билан суғурилган бўлиши лозим. Мана шундай ижобий хислатларга бой инсонни тарбиялаш педагогика ўқув қорғларининг, ўқув муассасаси, лисей, гимназия, коллеж, институт ва университетларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.



«*Тарбия биз учун ё ҳаёт. ё мамонт, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё филокат масаласидир*».

А. Авлоний

Ҳақиқатан ҳам инсон ҳаётини саодатга, соф инсоний фаолликта эришишда тарбиянинг роли нисбатда муҳим. Ёшларни тарбиялашда биз учун қадрили бўлган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, ўчмас меросимизга меҳр-муҳаббат уларга содиқлик руҳини шакллантира олсак ҳар биримиз учун ижобий натижа бажараётган ишларимизнинг маҳсули эканлиги билинади. Бўнинг учун аввало миллий ғурур, миллий онг, миллий ғоя, маънавият, юксак миллиянт эғаси каби тушунчаларни ёшларнинг онгига синдиришимиз лозим. Чунки тарихни билмасдан, ўрганмасдан ундан рухий, маънавий озука олмасдан туриб, келажакни, келажакдаги оруз умидларга эришиб бўлмайди. Демак, Педагогика фанининг предмети, ўқитишнинг, таълим-тарбиянинг замонавий қонунлиқлари, мазмуни, усуллари, воситалари билан кишиларни, ёшларни, мутахассисларни курулантирувчи фан бўлганлиги учун ҳам унинг методологик асослари мақсад ва вазифалари дунёнинг моддий-маънавий ривожда шахс камолоти уйғунлиги қонунлиқлари ва давлатнинг замонавий сиёсатидан келиб чиқади.



“Педагогика бу нима?”

Бизда педагогика ноаниқ тушунча сифтида билдирилсада, бу – самарали ўқитиш учун билimler ва малакаларни ташаб қилинадиган комбинация тушунчасидир. Бундан ортиқроқ аниқлаш тизимлар педагогикани “фил”, “назория” ёки “санъат ўқитиш” амалиёт сифтида аниқлайдилар, бу эса, ташабларни иштирокчилар ва иштирокчи ривожланишида аҳамият касб этади.”

Ортиқроқ муайян янги таълиқот педагогикани “жула ҳам мураккаб назарий тушунча ва амалий кўникмалар аралашмаси” деб аниқлайди (Lova, ACDE, p.11 2003)⁸.

Бу таълиқот биринчи ўринда ўқитувчиларнинг кенг ва мураккаб ишларини олинган олиб чиқадил ва бу ишнинг табиатини ҳақиқатда аниқлайди. Lova кейинги жихатларни бундай келтиради: “ўқитувчи – бу баланд туриб

⁷ Lea Sharpe, Pedagogy: Embedding Learning Technologies, Model 1, 1-4 p.
⁸ Lea Sharpe, Pedagogy: Embedding Learning Technologies, Model 1, 1-4 p.

ривожланган автоном профессионал, керакли ихтисослик бўйича назарий билимлар ва амалий малакалар, қайсики тиббиёт, қонунда ва лойихалаштиришда эквивалент бўлиб бир қаторда туриши мумкин" (АСДЕ, р.11)⁹.

Педагогиканинг ҳар хил моделларини турли тадқиқотлар ва назариялар муスタхкамлаши мумкин. Freedy and Lukening тасдиқлашича, маълум чегараси бор ҳудудларда ўқитувчиларнинг иш тартиби ва таълим олувчиларга яқинлашишлари, яъни таълим беришлари фарқланади. Турли тоифадаги талабалар қобилиятларига қараб самарали ўқитувчиларни билишсади. (A Map of Possible Practices, Luke & Freedy, June, 1999)¹⁰.

Самимийт билан бизнинг коллектив донишманд маданиятни тасаввур этиб ва интизомий билимлар билан қўллаб, улар ҳамда талабаларнинг тахлилий ва танқидий қувватларини ривожлантиришсади (NBPTS 1999, 3-4 in Lovat, ACDE р.12). Бошқача сўзлар билан айтганда, яхши педагогика кенг стратегиялар репертуарини ва ўшанга мос диққатни талаб қилади, талабани, ўқувчини шакллантириш учун нимага амалга ошириш кераклигини аниқлайди. Самарали ўқитувчиларнинг "Улар дарс берадиган тўғрисида нарсаларнинг бой тушунчалари мавжуд, бунинг қадрига улар етадилар, қайси нарасага қандай билим бериш, ташкил этиш, бошқа фанлар билан боғлиқ мансуб кўрсаткичларни яратиш бу реал дунё деб биладилар"¹¹.

Ўқитувчилар ҳар хил педагогик моделлар ва стратегиялар учун сифатли тадқиқотларга ишонч ҳосил қилиш керак ва ўша вақтда улар таълим бериш учун санъат ва фан билан шуғулланиш керак. Ўзининг хусусий эҳтиёжларга ва манъбаларга кўра талабаларга тайёрлаш лозим.

Педагогиканинг фан сифатида шаклланиши буюк чех педагоги Ян-Амос Коменский (1592-1670) номи билан боғлиқлар.



Коменский томонидан тақлиф этилган тасмийлар, таълим жараёнининг шакли ва услублари «Педагогика»нинг олтин фондига кирган. Унинг машҳур «Буюк дидактика» асари педагогика назарияси ва амалиёти соҳасида биринчи муҳим илмий асар ҳисобланади.¹²

«Педагогика» атамаси қадимий Юнонистондан келиб чиққан. Бу ерда қулдорлар фарзандларини ўқув мўассасасига қузатиб қўйдиган, олиб борадиган одамларни «педагог» деб аташган. Кейинчалик бу атаманинг маъноси бирмунча ўзгарди. Махсус тайёргарлик кўрган ва тарбия билан шуғулланган шахслар «педагог» деб аташа бошлаган. Кўп вақтлар педагогика илмий фан сифатида факат ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясини ўрганади, деб қаралган. Аммо ҳаёт амалиёти тарбиясига эмас, балки катталар тарбиясига ҳам тааллуқли эканлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда педагогикани ёш авлодни ва катта ёшдаги одамларни тарбиялаш ва ўқитиш, уларга маълумот бериш қонуниятларини ўрганувчи фан, деб белгиланган олатга айланди.

⁹ Lea Charpis, Pedasocy. Embedding Learning Technologies. Model 1. 1-5 p.

¹⁰ Lea Charpis, Pedasocy. Embedding Learning Technologies. Model 1. 1-5 p.

¹¹ Lea Charpis, Pedasocy. Embedding Learning Technologies. Model 1. 1-5 p.

¹² Westbrook J, Dugan N, Brown R, Ott D, Ryser J, Boddy J, Saki F (2013) Pedagogy, Curriculum, Teaching Practices and Teacher Education in Developing Countries. Final Report. Education Rigorous Literature Review. Department for International Development. P. 27-29



Педагогик антропология инсон табиати ва кишилар ҳамжамияти ҳамда инсон ва кишилар гуруҳини тарбиялаш ва ўқитиш ҳақидаги саволларга жавоб беради. Шунинг учун у иморат пойдеворига киёсланади.¹³

Ҳар бир мустакил фан ўзининг предмети ва методик асосига эга бўлгани каби “Педагогика” фани ҳам фан сифатида шаклланиб, ўз предметига эга бўлди. Барча ижтимоий фанлар каби жамиятдаги ўзгаришлар, инкироз, юксалишлар Педагогика фанининг методологияси, ўқитиш жараёни, ғоялар ривожига ҳам ўз навобатига таъсирини кўрсатади. Лекин инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, ҳамма даврларда педагогик фаолит, тарбиявий жараён мавжуд бўлган. Тарбиядаги кенг маъно таълим, ривожланиш, маълумот билан боғланган ҳолда баркамол инсонни воқга етказишдир.

Илмий тадқиқотлар давомида ўқитиш ҳақида икки қараш мавжуд: (Shulman in Lovat, p12)¹⁴.

1. Яхши таълим табиий равишда авторитар маҳоратни келтириб чиқаради.

2. Яхши ўқитувчи бирор нарсани умумий ўқитиши мумкин.

Шундай қилиб, “тажрибали таълим - аниқ нарсалар тўғрисидаги билимлардан ва таълим - хунардан ажратилмайди...”

Охириги йилларда билимлар ва малакаларини ривожлантириш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда талаб қилинган самарали ўқитишни ташкил қилиш максасида “Асл педагогика” (Newman, 1996), “сифатли педагогика” (Hammond, 1997), “ишлаб чиқариш педагогика” (QSRLS 1999) каби тушунчалар вужудга келди. Бундай тушунчалар педагогикада педагогик таркиблар ва стратегияларнинг киска шарҳини тавминлаб беради¹⁵, тарбия,

Бизга юқоридаги фикрлардан маълум бўлдики, педагогика Фани таълим-

¹³ Germany's Vocational Education at a glance. E-Mail: books@bmbf.bund.de Internet: <http://www.bmbf.de>.

¹⁴ National Student Fee and Support Systems in European Higher Education, -15 p

¹⁵ Lea Clappus, Pedagogy, Embedding Learning Technologies, Modul 1, 1-5 p.

¹⁶ Lea Clappus, Pedagogy, Embedding Learning Technologies, Modul 1, 1-5 p.

тарбия максасидини жамият талабларига ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига қараб мазмунан ўзгаришини ўргатади, тарбиянинг таркибий қисмларини ва улар ўргасидаги боғланишларни очиб беради. Шу аснода таълим ва тарбия соҳасидаги тажрибаларни умумлаштирилади, тарбиянинг келгусидаги ривожланиш истиқболларини, йўлларини кўрсатиб беради. Педагогиканинг асосий илмий педагогик тушунчалари тарбия, таълим, маълумот қиради. Лекин, ҳозирги педагогикани тараққий этиб боришда, асосий педагогик категориялар каторига ривожланиш ва шаклланишни ҳам киритса бўлади.

Тарбия - ўсиб келатган аснода **Таълим - маҳсус тайёрланган**
ҳосил қилинган билимлар асосида **кишилар** **рахбарлигида**
ақлий қиммат - дунёқарашни, **ўтказилган, ўқувчиларни билим,**
инсоний эътиқод, **бурч ва қўнқма ва малакалар билан**
маъсулликни, **жамиятимиз** **қурулганлигини,** **ўстирилган,**
кишиларига хос бўлган ахлоқий қийматларини **қийматларини**
физикларини **яратилган** **уларнинг дунёқарашини таркиб**
мақсадида ифода қилади. **топтирилган жараёндир.**

Билим - бу ўқувчилар ўқиб **Қўнқма - машқ қилиш**
орқали билим билан қурулганлигини, **натijasида берилган ҳаракатлар**
билимни хайда кўп унум берилган **йқиндирилади.**
қилиб қўлайлиги учун билим билан **Маълумот - таълим - тарбия**
бирга қўнқма ва малака ҳосил **натijasида** **олинган** **ва**
қилиш лозим.¹⁶ **таълимлаштирилган билим, ҳосил**
қилинган қўнқма ва малакалар ҳамда **шаклланиган** **дунёқарашлар**
мажмуидир.

¹⁶ Westbrook J, Duggan N, Brown R, Ott D, Pryor J, Boddy J, Sainsbury F (2013) Pedagogy, Curriculum, Teaching Practices and Teacher Education in Developing Countries. Final Report. Education Rigorous Literature Review. Department for International Development. P.35-39.

1.2. Педагогик моделлар: продуктив педагогика. Педагогик моделларнинг таълимига қўядиган талаблари. Мултисаволхонлик модели.

Педагогика фани ижтимоий фанлар каторига киритилган фанлардан бири бўлиб, куйидати педагогик моделларни ўз ичига олади:

1. Продуктив педагогика.
2. Мултисаволхонлик модели.

Продуктив педагогика - аудиторияларда таъкикот асбоби сифатида ривожланган Квинсленд мактаб ислохотларини ифодалайди. (QSRLS) 2001. Продуктив педагогикадан ўқувчилар амалиёт хусусида фойдаланишлари мумкин. Яъни, мазкур педагогика ҳамкасблар билан суҳбатлар олиб бориш учун ва талабалар хусусий эҳтиёжларини аниқлаш учун касбий дугат сифатида фойдаланишлари назарда тутилган.

Продуктив педагогиканинг йигирма қисмдан ортик элементлари мавжуд, амалиётчилар уларни тўртта ўлчамга бирлаштиришди ва зарур бўлган шарт-шароитларда улардан фойдаланишга ҳаракат қилдилар.¹⁷

- Ақлий сифатнинг юқори даражаси.
- Аниқланган ўзаро боғлиқлиқнинг ва кераклик юқори сатҳлари ва аудиториянинг атроф-муҳит жуда мослиги.
- Кучли фарқларни тан олиш.



Продуктив Педагогиканинг тўртта ўлчамлари¹⁸

Ақлий сифат	Ўринли эканлиги, боғланганлик	Ижобий атроф-муҳит	Фарқларни тан олиш
Юқори буржурмани ўйлаш	Билимлар интеграцияси	Талабаларни бошқариш	Маданий билимлар
	Фон билимлари	Ижтимоий	Инклюзив

¹⁷ Lea Clarrus, Pedagogy, Embedding Learning Technologies, Model 1, 1-5 p., 1-6 p.
¹⁸ Lea Clarrus, Pedagogy, Embedding Learning Technologies, Model 1, 1-5 p., 1-6 p.

Чуқур билимлар	Асосий муаммо	Ўқув режа	Академик мажбурият	Гуруҳининг ўхшашлиги
Чуқур тушуниш	Мустиқил суҳбат	Аудиториядан ташқари боғланганлик	Яккол мезонлар	Актив фуқаролик
Муаммони билимлар			Талаба ўзига баҳо қўйиши	Ҳикоя

Бу тўртта ўлчамларни яхши тушуниш учун куйидати педагогик тузилмалар ва стратегиялар олинган. Ақлий сифат, ўринли эканлиги ёки боғлиқлик, ижобий атроф-муҳит ҳамда фарқларни тан олиш.

Ўқув режаси барча ўрганилаётган соҳаларда янгитдан пухта ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Мултисаволхонлик ижтимоий, технологик ва иқтисодий ўзгаришлар асосида қайта қуриб чиқилган. (Anstey, 2002). Мултисаволхонлик турли усуллар орқали айрим эҳтиёжларни ўзгаришнинг замонавий атроф муҳитга алоқа йўлларини топиш учун мурожаат қилади. Айни бу қўлларда мазмун билан алоқаси фақат лингвистик бўлиб қамдан қам ҳисобланади.



МУЛТИСАВОДХОНЛИК¹⁹

Улар деярли ўзгаришсиз кўп модаллик ҳисобланади. Улар ўз ичига куйидатиларини олади:

- Лингвистик, визуал, аудио, имо-ишорали, фазоли.

НИМАГА Мултисаволхонликдан:

Босим учун кўп пунктлар мавжуд: саволхонлик тўғрисида янги усуллар орқали ўйлаш:

- **Технология:** аҳамият берилган ва ҳабар берилган мултимедиа ва ахборотга оид технологияларнинг серобтариллиги шундай йўлни

¹⁹ Lea Clarrus, Pedagogy, Embedding Learning Technologies, Model 1, 1-5 p., 1-6 p.

Мақсаднинг	аниқлаштириш ва тушунтириш, алоқа	нима учун
жойлашиши	сифатида. Нималар қилинган?	матнлар кимнинг овозлари
	Ким учун? Нимага?	эшитилган ва қимдларники йўқ
Ўзгартirilgan	Амалий ўрганиш. Реал дунёнинг	Ег ишлаш ва фойдаланиш
Амалиёт	аҳамияти, алоқа йўли амалда, янги	матнлари (улар
Аҳамиятини	Контекста келишувни келтириш	билан нималарни
Қулиш	Тағабаларни янги жойда, янги	бажариш), янги
	Таълим олишга ўргатиш)	билимларни қўллаш

Бундан биттаси ҳам мўлжалланмаган, ўқитувчилар уларнинг мавжуд ўқув режасига кўп янги мазмунни қўшиш шарти кўзда тутилмаган. Бунга қарши Мултисавадхонлик гоёси янги саводхонлик ўқув режасини пухта ўйлаб кўриш учун асос бўлиб хизмат қилади (PETA March 2002).

Педагогика ўрганиш амалиётида тўртта элемент мавжуд. Уларнинг умумий мезонлари юқоридаги жадвалда келтирилган. Улар билимлар жараёнига тўғри келади, талабаларни ўрганиш трансформациясига олиб келади. Жадвалда келтирилгандек, бу тузилиш тўртта ўлчамни қўллаб қувватлаб, продуктив педагогиканинг моделини асослаб беради.

Педагогик моделининг таълимга қўйилган талаблари "талабалар томонидан фаол дахлдорлик уларнинг билимлар ўзлаштириши ва қўрилишида жиддий самарали омил ҳисобланади"²² (Mindoch, p.5). Расмий талаб – замонавий аудиторияда турли дидактик метод ва восита сифатида ривожланиш фойдаларини тузилиши ҳисобланади. (See Mindoch: p.4). Натижалар ўқув режаси ҳужжатларига асосланади, ўрганилаётган соҳаларда саломатлик, ижтимоий ва экологик таълим каби расмий талабни ҳимоя қиладилар. Бу жараёнлар тўртта

нишга чиқариш педагогик ўлчам сифатида аудиторияда турли хилдаги талабаларни ўрганиш, уларни тегишли билиш ва ўқув режалар жараёнига фаол қатнашинишлари учун самарали хизмат кўрсатади.

Ушбу тузилма талабалар манфаатлари ва қўлайликлари учун иш билимлари ўқув режалар орқали бириктирилган. Малакалар, қадриятлар ва уларни тушуниш мезонлари маъноли, ўзаро боғланган контекст атрофида тушунтирилади ва баҳоланади (Beane, 1991, Hartle, 1992, Namston and Mindoch 1996, Wilson 1991, Mindoch & Nottsbu, 1997)²³.

- Ушбу ёндашув тўб маънодаги муносабатлар орасидаги фарқини аниқлашда атрофидаги қизиктирган соҳаларини ўрганишда (фан, технология, саломатлик, экологик ва ижтимоий таълим) ва дунёни тушуниш учун тадқиқот соҳалари (тил, математика, санъат, драма, рақс, мусика ва технологиялар жихатлари) фойдаланилади.
- Ишнинг бириклири асосланган расмий талаб таълим олувчиларнинг фаолиятини эмас балки, кетма-кетликни ўрганиш ва тадқиқ қилиш тавни қилишлар атрофида ишлаб чиқилган ёки кенг тушунилар атрофида, ўрганишни самарали қилади. (See Kath Mindoch model in Appendix A).
- Масалата яқинлаштиш расмий талабга ишонччи қайтаради, нима учун талабаларнинг фаол дахлдорлиги самарали ўқитишни ва ўрганишни жиддий ҳисобланади. Расмий талаб методологияси ва интеграллашган ўқув режа ҳамда яқиндаги "мияни ўрганиш" бўйича тадқиқот натижалари билан тасдиқланади. Saine and Saine (1990) тасдиқлайдилар, "миянинг интерацияга табиий қобилияти мавжуд борлигини" ва бу аудиторияда фойдаланиладиган таълим усуллари билан мўлжалланган бўлиши керак.
- Бошқа параллелларни ўрганаётган расмий талаб, талаба томонидан бир жойга тўпланган ва ўқув режанинг воқеаларига мўлжалланган, шу каби тил ўрганиш (Goodman 1996, Hartle, Woodward & Burke 1984, Sambourne 1988), қилинган ўқув режаси (Boomer 1992) ва боғалар учун

²² Lea Sharps, Pedagogu, Embedding Learning Technologies, Model 1, 1-9 p., 1-10p.

²³ Lea Sharps, Pedagogu, Embedding Learning Technologies, Model 1, 1-9 p., 1-10p.

фалсафа(Lipman 1988, Splitter 1995).

- Расмий таъбада марказ мазмунда ва жараёнда бир хил йўналтирилган.

Ростини —	Ўрганиш — янги	Саралиш — талабалар
талабаларни ўрганиш	мазмун,	ғояларни ташкил
учун вақти, уларни	тушуначаларни, янги	киладилар ва турли
олинган билимларни	воқеаларни билиш	усуллар ёрдамида
аниқлайсиз ва уларни	вақти, янги	ишлов берадилар;
кейинги босқичга	маълумотларни	
тайёрлайсиз;	йиғини;	
Дюкларни яратини —	Талабалар идрокига	Кейинги ҳаракат —
талабалар хулосалар	асосини ва қуриш	альтернатив воқеалар
киладилар, янги	чиқин ҳаракат ва	ёки расмий талабнинг
келишувларни аниқ	воқеаларнинг келма-	авеносини тақлим
шакллантирадилар ва	келгани асосида	этиш, моҳиятта қириб
солиштириб қуриш	риворлагини.	кетинини янги
босқичини	Ўнинг босқичлари	қобилиятини топиб
таъминлашгилар;	қуйидагича:	олиш учун ёки
		мустақил тадқиқот
		учун;

Чоралар қўриш — талабалар назария билан амалиётни боғлаб ва умумий катта расмин қўриш учун ҳаракат қилишга уринишади.

Хар бир бу босқич “интернал стратегиялар” дилпазонини ўз ичига олади (Mirdoech, p6, Classroom Connections), талабаларга дунёни тушуниш учун “катта расм”ни ривожлантиришга ёрдам беради. Тасдиқланган, самарали ўрганиш пайдо бўлиши қачон ўқитувчилар талабаларни стратегияларга жалб қилишади, қайсики турли ишлов бериш усуллардан фойдаланишади. Стратегиялардан максалди фойдаланиш, қайсики “билиш усуллар” дилпазонини раёбатлантиради, талабаларга аҳамиятли томонита диққатни қаратишга ёрдам беради (Atkin 1993; 1997). Бу стратегиялар кўпчилиги шу модулнинг

иккинчи қисмида муҳокама қилинган²⁴.

1.3. Педагогик фанлар тизими. Педагогиканинг тармоқлари.

Тарихийлик тамойили ҳар қандай фан ривожланишининг зарур тамойили ҳисобланади. Зеро ўтмишни ҳозирги давр билан қиёлаш фақат ҳозирги ҳодисаларнинг асосий ривожланиш босқичларини яхши кузатиб боришга ёки ўтмишнинг бебаҳо тажрибаси ҳамда эришилган ютуқлардан фойдаланишга ёрдам бериб қолмай, шу билан бирга, бу соҳада хатоларга йўл қўйишдан сақланиб ва келажакка йўналтирилган амалий тақлифлар, максаллини изланишларни амалга оширишга кўп даражада асос бўлади. Жаннат ҳаётини қайта қуриш, ўсиб келаётган ёш авлодни шунингдек, ҳамма меҳнатқашлар табақаларини тарбиялашни қучайтиришни талаб этади. Бундай шароитда педагогиканинг тадқиқот соҳалари донраси кенгайди. Ҳозирги кунда педагогикани асосий тармоқлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтганимиз.

*Биз дегирманда недоговориласки
мизкур турушар бугын ошиб
борзаланган тартыбачы-
ташканын шырпынан
ковунчылыгынын ташкын устан
халда инг аялалто улардын
тарбиялануучуларнын укуп
муассасалары шару-
шароитларда амылти ошпиринти
дасурунун ышайб чыктым.*

*Кипити ёйдовилар, медвожиклари
олин ухуа юрти шари-шаронларда
ёшарин торбоянинин назарин
масалалари ва мисолларинин ишлаб
чиқарилиш, пайдалоник, тармоқи
сифатли олин ухуа юрти
пайдалоникларинин, пайдалоникларинин,
ушун, ушунларинин, олин ухуа юрти*

Мишпий армиямиз учун
утуқасислар тайёрлайдиган
харбий ўқув юртуларида
шарта таялим бериш ҳамда
арбонлаш муаммолари билан
харбий педагогика соҳаси
шуғулланади.

булардан таъкир *онда педогогикаси* бўлгани кундан доғдир вазифаларда бирини ташкил этиб, онларда, онла марказларда, маҳалларда, жамоат ташкилотларида, оила-нхот муассасаларида амалга оширилатгани таъбирларда намон бўлади.

Умумий педагогикада тарбияланувчилар орасида мафкуравий тартибот ва маданий маърифий ишлар ҳам ўзига хос тармоқларига эгадир. Бу меҳнаткашларни тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшади ва белгиланган педагогик фойдаларга суянади.

Дефектология фанлари ўз навбатида алоҳида мустақил бўлган тармоқларга бўлинади:

Олигофренопедагогика - акли ожизлар таълим - тарбияси билан шугулланади.


Логопедия – тилида нуқсонли бор болалар билан шугулланади.

Бундай илмий ишлар билан шугулланадиган институтлар Республикамизда турли тавсиялар бериш, методикани ишлаб чиқиш билан бир каторда илмий изланишлар, тажриба алмашиниш билан ҳам самарали тадбирларни олиб боришади. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида махсус ташкил этилган Дефектология факултетида муносиб мутахассислар тайёрланаётганлиги фикримизнинг далилидир.



**СУРЮПЕДАГОГИКА - КАР ВА ГУНГ
ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАР ТАЪЛИМ-
ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ
БИЛАН
ШУГУЛЛанади.**

Тифлопедагогика - кўзи ожиз
тарбияланувчилар таълим-
тарбияси билан шугулланади.



Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Педагогика фан сифатида.
2. Илмий педагогик тушунчалар: таълим, тарбия, билим, кўникма ва маънавларни шакллантириш, уларнинг бир-биридан фарқи.
3. Продуктив педагогика. Педагогик моделларнинг таълимга қўядиган таъбдлари. Мултисаводхонлик модели.
4. Педагогиканинг тармоқлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари.
5. Иқтисодий педагогика фан сифатида шаклланиши.

2-МАВЗУ. ТАРБИЯ НАЗАРИСИ

2.1. Тарбия тушунчаси. Тарбия жараёни.

2.2. Тарбия методлари. Тарбия конуниятлари ва тамойиллари.

2.3. Тарбия турлари. Ақлий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат, иқтисодий, экологик тарбия. Оила тарбияси.

2.4. Шарҳ мутафаккирларининг тарбия ҳақидаги қарашлари.


2.1. Тарбия тушунчаси. Тарбия жараёни

Тарбия жараёнининг моҳияти нимадан иборат? Бу оддий савол бўлибгина қолмай, педагогика ривожланиши шу вақтга қадар ушбу муаммони ечиш юзасидан кўпгина кийинчиликларни юзата келтирди. Аввало шу нарсани билиб олиш лозимки, тарбия тушунчаси ҳар хил мавзуда қўлланиши лозим. Масалан, тарбия деганда, ёш авлоднинг келажак ҳаётга тайёрлаш деб тушунилади. Лекин, бу тайёрлаш махсус ташкил қилинган тарбия фаолиятлари билан амалга оширилиши мумкин. Тарбия - шахсни мақсадга мувофиқ шакллантириш учун уюштирилган педагогик жараён бўлиб, тарбияланувчининг шахсига муносабат ва тизимли таъсир этиш имкониятини беради. Тарбия жараёни ўзаро боғлиқ бўлган икки ёқлама фаолиятни педагог ва талаба фаолиятини ўз ичига олади.

Тарбия жараёнида тарбияланувчининг тарбияланиши, хис-туйғулари ривожланиши, иқтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ва иқтимоий алоқаларга хизмат қиладиган ҳуқуқий оқилларни ҳосил қилинади. Тарбия жараёнида тарбияланувчиларнинг ҳаёти ва фаолиятини педагогик жиҳатдан тўғри уюштириш гўят муҳимдир. Педагогикада тарбиянинг мақсади, мазмуни, шакли ва усуллари тарбияланувчи шахсининг қарор топиши билан мустахкам боғлиқ ҳолда қараб чиқилади.



Тарбия жараёнида шахсни шаклланиши жараёнини қуйидаги чизма орқали кўрсатиб ўтиш мумкин.



2.2. Тарбия методлари. Тарбия конуниятлари ва тамойиллари.

Тарбия жараёни узлуқсиз давом этадиган жараён бўлиб, унга педагог, тарбиячи раҳномалик қилади ва тарбиянинг айни вақт учун зарур бўлган мақсадини, шу мақсадни ҳал этишга хизмат этадиган фаолиятни белгилайди.

Тарбияланувчиларнинг ушбу фаолиятта актив иштирок этишини таъминлаб, улар ўртасида ижтимоий, жамоа, ўртоқлик алоқалари ва муносабатлари учун шароит яратлади.

Тарбияни яхши йўлга қўйиш учун унинг ҳаракатлантирувчи кучини, тарбия жараёни манбани яхши билиш ва ҳисобга олиш муҳимдир. Бу тарбия жараёнидаги ички ва ташқи қарама-қаршиликлардан иборатдир. Масалан, тарбияланувчининг одобилиғи, етуқлиги билан унга қўйиладиган талаб ўртасидаги фарқ тарбиячи ва жамоа таъсирига шахсининг ўз позисиёси, яъни муносабати тарбия жараёнининг ички қарама-қаршилиғи бўлса, тарбиячининг талаблари билан шахс микро муҳит таъсири ўртасидаги узиллиш ташқи қарама-қаршилиқдир.

ТАРБИЯ УСУЛЛАРИ ҳам маълум бир элементларга бўлиниб тарбия усуллари деб қоритилди. Масалан, педагог тарбияланувчига бирор бир вазифани топширди. Ўз навбатида бу вазифани бажариш учун кўрсатмалар беради. Бу кўрсатмалар ва тушунтириш махсус ҳолда методик усул сифатида номён бўлади. Тарбия усуллари ва воситалари ўзаро мустаҳкам боғлиқдир. Тарбия усуллари шахсга таъсир кўрсатишдан иборат эмас. Тарбия икки томонлама жараён бўлиб педагог тарбиячи фаолияти билан талаба фаолиятини бирлаштиради.

Тарбия усулини тadbик этиш муайян ёшдаги шахс фаолиятига мос келса муваффақиятли бўлади.

Тарбиянинг умумий усуллари асосан 4 гуруҳга бўлинади.

1. **Ижтимоий онгни шакллантириш усули.**
2. **Ижтимоий ахлоқни шакллантириш усули.**
3. **Раёбатлантириш усули.**
4. **Ўз-ўзини тарбиялаш.**

Ижтимоий онгни шакллантириш усуллари - талабаларнинг онгли, ҳис туйғуси ва иродасига ҳар томонлама таъсир кўрсатиш усулларини умуман шахс онгига таъсир кўрсатишни ўз ичига олади.

Ижтимоий онгни шакллантириш усуллари тушунтириш, суҳбат ва ўрнат

кўрсатиш қисмлардан иборатдир.




Тушунтириш - талабаларда эътиқод ҳосил қилишнинг энг кенг ёйилган усулидир. Тушунтириш усулидан қўзланган мақсад шахсга ҳақти-ҳаракатлар, воқеалар ва ҳолисаларга у ёки бу талабаларнинг маънавий, эстетик, маъмулнинг очиб бериш, унга ҳуқ атворга ва инсоний муносабатларга тўғри баҳо беришни шакллантиришда қўмақлаштиришдан иборатдир.

Ҳикоя ва суҳбат педагогнинг жонли сўзи асосида шахсни говий ва маънавий шакллантиришнинг таъсирчан усули ҳисобланади. Ҳикоя қилинадиган мавзу талабалар учун долзарб, шахсларни маънавий ишонч, ижобий ҳис туйғулар вужудга келтиришга олиб келиши керак. Масалан, педагог бошқа гуруҳ жамоаси метаплом йиғишда ёрдам берганлигини марок билан тапириб бeса, бунинг самарадорлиғи талабаларнинг қандай ҳуқок солиншга қараб текшириш мумкин.

Суҳбат натижасида қабул қилинган ахлоқий меъёр кейинчалик талабалар ҳуқк атвори ва фаолиятида амалга оширилиши лозим. Ва кейинги даврга мўлжалланган ўз ҳуқк атворини қўзатишлар билан боғлиқ бўлган топшириқлар бeриш имконияти туғилади.

Разбатлантириш услуби бирон-бир омилнинг тарбияланувчига таъсирини қучайтириш ҳамда тарбияланувчининг шахсини, ҳақти-ҳаракатларини активлаштириш мақсадида қўлланилади.

Раёбатлантириш талабага шундай таъсир кўрсатсинки, бунда тарбиячи алоҳида бир талабанинг хатти-ҳаракатига, ҳулик-атворига ижобий баҳо бера олсин. Жамоа талабларининг бажарилишини раёбат-лантириш учун асос деб ҳисоблаш керак. Раёбатлантириш инсонга яшайётган ва ишлаётган жамоанинг ундан мамнулигини кўрсатади.



Мактов раёбатлантириш усулидир. Мактов тарбиячининг алоҳида олинган шахс хусусиятларига ижобий баҳо беришидир. Талаба тарбияланишида мактовнинг ўрни муҳимдир. Мактов шахсни ижобий ҳислатларини тарқиб топишга ёрдам беради. Лекин мактов ҳам талаба ҳиссиётлари ривожланиши тезлаштириб юборади, унда манмаллик, хотиржамлик туйғуларини келтириб чиқаради.



Жазолаш	усули.	Жамоа
талабанинг	ахлоқидан	унинг
ишга	муносабатидан,	
муомаласидан	мамну бўлмаса,	
шахснинг ўз	хулиқни тузатиб	
олишда ёрдам	кўрсатиш	учун
жазо усулларидан	фойдаланади.	
Мактов	сингари	жазо ҳам
талабанинг	ўзини	ноқулай
сезишга,	уқлишга	мажбур
		қилади.

Тарбиялагувчиларни ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жазолаш ҳам меъёр даражасида бўлиши шарт. Чунки бунинг натижасида тарбиявий таъсир кўрсатишининг бир катор усулларини ишлаб чиқирилиши лозим.

Ўз-ўзини тарбиялаш усуллари. Тарбия жараёнида талаба ўз-ўзини тарбиялаши, яъни ўз устида ишлаш, актив иш олиб борасигина тарбияни самарали деб айтиш мумкин.

Талаба ўз-ўзини тарбиялаш борасида истиқболлини яратилишга интилиши, ҳаётда маълум мустакилликка интилишда намоён бўлади. Ўз-ўзини тарбиялаш оилида ва ухув муассасасидаги тарбиявий ишларнинг таъсири остида рўй беради. Ўз-ўзини тарбиялаш жамоадати шахсларда фалолроқ амалга ошиши мумкинлиги уларда ирода, тиришқоқлик интизомини тарбиялайди.

Тарбия жараёнининг тамойиллари қуйидагилар:

- тарбиянинг бир максалда қаратилганлиги;
- тарбиянинг ҳаёт, меҳнат билан Ўзбекистонимизнинг мустакиллиги, туллаб-яннаши йўлида қилинаётган фидойи ишлар билан боғланиши;
- шахсни жамоада, жамоа орқали тарбиялаш;
- тарбияда шахсни хурмат қилиш ва унга талабчанлик;
- тарбиявий ишларнинг изчиллиги, мунтазамлиги ҳамда бирлиги;
- тарбияда шахснинг ёши ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш қабилдир.

Юқоридаги тамойиллар ва қону ва қоидаларга амал қилиб, янги ижодий усул-усларни қўллаб, ривожлантириб тарбиявий жараёнини ташкил этиш максалда эришининг энг самарали йўлидир.

2.3. Тарбия турлари. Ақлий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат, иқтисодий, экологик тарбия. Оила тарбияси.

Тарбия жараёни мураккаб ва узлуксиз жараён бўлганлиги, у ўзига хос хусусиятларга эгаллиги асосида бир нечта турга бўлинишини эътироф этиш жоиз.

Ақлий тарбия. Бозор иқтисодиёти шароитида келиб чиқаётган янгидан-янги муаммоларни илмий асосда ҳал қила оладиган шахсни тарбиялаш бош масала ҳисобланади. Бунинг учун эса ақлий қобилиятларни раivoжлантириш, ақлий меҳнат қилиш маданиятига ўргатиш зарур.



Экологик тарбия. Экология сўзи «*тос*» ёки «*уй*» деган маънони англатиб, немис олими Эрнест Геккел томонидан биринчи бор фанга киритилган. Экология фани ҳозирги бозор муносабатлари даврида кўпгина тармоқларга эга: ўсимликлар экологиси, зооэкология, тупроқ экологиси, инсон экологиси ва бошқалар. Экология фани танлаб олинган бир ёки бир неча объектнинг яшаш шароитини ёки нормаларини ўрганади ва яшашнинг оптимал даражасини аниқлашга ёрдам беради.



ЭРНЕСТ ГЕККЕЛЬ
(1834-1919)


*Экология тушунчасини
амалиётга тадбиқ қилган
немис биолог.*

Экологик тарбия жараёнида экологик билимларни шакллантиради. Айни пайтда экологик тарбия масаласига ҳар ким ҳам эътиборли эмаслар.



Ахлоқий тарбия. «Ахлоқ», «хулқ» ва «атвор» сўзлари арабча сўз бўлиб улар ўзбек тилида ҳам ўз маъносида қўлланилади. Айрим одатларда «ахлоқ-кишиларнинг ҳар бир жамиятта хос хулқ меъёрлари мажмуи» деса, бошқалар эса «ахлоқ-ижтимоий онг шаклиридан бири бўлиб, ҳамма соҳаларда кишиларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиш функциясини бажаради» дейишади.

Ахлоқ меъёрлари хулқ атворнинг регулятор сифатида олат меъёрларига энд хатти-ҳаракат ахлоқсизлик ҳаракати деб қаралади. Шуниси ҳам борки, хукук мажбурий бўлса ахлоқ ихтиёрийдир. Ахлоқий тарбия одамларни номусли виждонли, адолатли, ватанпарвар, меҳнатсевар бўлишга ўргатиш билан профилактика ишларини ҳам олиб боради. Ахлоқий тарбияда яхши хулқни такомиллаштириш учун курашилади. Халқ таълими тизимида ўқитиш тарбияланувчиларнинг ахлоқий мукаммаллашиш билан боғлиқ бўлади. Уларда онг билан хулқ бирлиги тарбияланади. Ушбу меъёрларни бурч ва виждон мезони сифатида қабул қилади.



Ахлоқий тарбия мазмуни.²⁵

ХУКУКИЙ ТАРБИЯ - бу шахста нисбатан ҳукукий онгни, ҳукукий муносабатларни, қонунга итоаткор ҳуқ-аъвоҳ кўникмалари ва одатларини шакллантирувчи уюшган, аниқ мақсадли кўзлаган ҳолда ифодадланганидир. Ҳукукий тарбияни боланинг кичик ёшидан бошлаб амалга ошира болаш, ҳукукий аҳборотларнинг биринчи даражаси тус олишига эришиш, шахснинг умумий дунёқараш ва ижтимоий йўналтирилганлигининг таркибий қисми тарзида ҳукукий қарашларига асосланиши зарурдир.

²⁵ Манба: чизма муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Ўсиб келаётган ёш авлод ҳукукий тарбиясининг хусусиятлари янги жамиятнинг ўз характери, турмуш тарзига асосланади. Уларнинг ҳаммаси принципал жиҳатдан янги, янада мураккаб муаммоларни ҳал этиш зарурлигини ифода этади. Аввало, ҳукукий тарбия янги ёш авлодни қамол топтиришнинг самарали воситаси саналади.

Юқорида қайд қилинган

мулоҳазалар **ҳукукий**

тарбиянинг яхлит тизими қуйидагилардан иборатлигини ифодалайди:

Биринчидан, ҳукукий

тарбия субъектларига: давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари, мансабдор шахслар ва бошқалар қиради.

Иккинчидан, ҳукукий тарбия объектларига: мансабдор шахслар, фуқаролар, ички ишлар идоралари ходимлари қиради.

Учинчидан, ҳукукий тарбия мазмунига: ҳукукий тавлим, ҳукукий тартибот ва ташвиқотлар қиради.

Тўртинчидан, ҳукукий тарбия шаклларига: маърузалар, семинарлар, суҳбатлар, викториналар қиради.

Бешинчидан, ҳукукий тарбия методларига: нишонтриш, раёбатлантириш, мажбурулаш қиради.

Олтинчидан, ҳукукий тарбия воситаларига: матбуот, радио, телевидение, адабиёт ва санъат асарлари, кўргазмалли ташвиқот ҳамда тартибот воситалари қиради.

Мустақиллик шароитида ҳукукий маданият билан ҳукукий тарбиянинг боғлиқлиги янада ортали.

Эстетик тарбия. Ҳаётда табиат - гўзаллиқнинг манбасидир. У эстетик туйғуларни, болаларнинг қўзғатувчанлигини ва тасаввурини



ривожлантириш учун жуда бой материал беради. Бундан ташқари, санъат ҳам эстетик тарбия воситаси ҳисобланади. Санъат орқали эстетик тарбиялаш педагогикада бадний тарбия деб аталади.

Эстетик тарбия кўйидаги методлардан фойдаланган ҳолда олиб борилади:

1. Бадний асарларни намойиш қилиш ва ижро этиш.
2. Бадний асарларни таҳлил қилиш ва баҳолаш.
3. Санъатшўнослик билимларидан хабардор қилиш, талабалар санъатнинг ҳар хил турларини ифода воситалари, тарихи ва назариясини характерловчи мўайян маълумотлар жамғармасига эга бўлиши зарур.



Жисмоний тарбия. Жисмоний тарбия шахсни ҳар томонлама

ривожлантириш тизимидати ўз вазифасини бажариш билан бирга, у кўйидаги асосий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган: саломатликни мустаҳкамлаш, инсон организмни чиниктириш ва талабаларнинг жисмоний ривожланишига ёрдам бериш; ҳаракат кўникмаларини ва малакаларини шакллантириш ҳамда такомиллаштириш; ўғил болаларни армия сафарига тайёрлаш; физкультура ва спортнинг моҳияти ҳамда ижтимоий роли ҳақидаги маълумотлардан хабардор қилиш.

Меҳнат тарбияси. Меҳнат тарбияси ёш авлодни тарбиялашда марказий ўринлардан бирини эгаллайди.



Ривожланишнинг асосий вазифаларидан бири меҳнат тарбияси ва таълим самаралдорлигини умумий таълим учув муассасаси талабаларини касб танлаш, мустақил ҳаётга амалий ва техника инкилоби ва ҳозирги замон ишлаб чиқариш шароити талабаларнинг меҳнат тарбияси ва таълими ана шу талабалар даражасига кўпроқ мувофиқ бўлишини талаб қилаётир.

Меҳнат тарбиясини бир катор етакчи вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- умумфойдаси учун меҳнат қилиш зарурлиги;
- талабаларда жамoa меҳнат фаолиятида иштирок этиш учун зарур бўлган барқарор маънавий ва иродавий ҳислатларни тарбиялаш;
- талабаларни умумий билим ва политехник билимлар тизими билан ҳозирги замон ишлаб чиқаришда қатнашиш учун зарур бўлган маҳсуs меҳнат кўникмалари ва малакалари билан курулланттириш;
- талабаларга бўлажак касбни онгли танлашда ёрдам бериш;
- меҳнат маданияти асосларини тарбиялаш, тарбияланувчиларнинг иқтисодий тарбияси.

Иқтисодий тарбия. Маълумки, бозор иқтисодиёти узoқ муддатли ҳамда эркин товар-пул муносабатларига асосланган иқтисодиётдир. Бу иқтисодиётда ижтимоий иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этиш, албатта иқтисодий тарбияни талаб этади. Иқтисодий тарбия — тарбияланувчиларда иқтисодий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш билан бирга, тежамкорлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик ҳамда тадбиркорликни шакллантиради. Тарбияланувчиларда иқтисодий тарбия меҳнат тарбияси орқали шаклланади.

2.4. ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ТАРБИЯ ҲАҚИДАГИ

ҚАРАШЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси равнаки аввало унинг мутахассисларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолатига боғлиқ. Ҳар қандай мутахассис учун Ўзбекистонда барча шароит ва асослар жумладан табибий бойликлар, унмудор ер, қатта иқтисодий ва илмий техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Ўтмишда яшаб, ижод этган халқпарвар тарбиячи олимлар ва атоқли мутафаккирлар ақлий таълимга доир бир талай фойдали фикрларни ёзиб қолдирганлар. Жумладан, қадимги Греция олимлари, Сократ, Платон, Аристотель жамоат жойларида сўзлаган нутқларида ва илмий асарларида ўларнинг таълим-тарбияга оид фикрларини очик баён этганлар.

Биринчи Президент Ислам Каримовнинг “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожланти роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференцияда қўйилганларни тавқиллаган эди.



“Ўрта асрлар Шарқ тарихи шундан далолат берадики, маданият ва таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат ва архитектура соҳаларидаги бекиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янги-янги истеъодли аждоғлар тўлиқнинг пайдо бўлиши ва вояга етиши — буларнинг барчаси биринчи навбатда иқтисодиёт, қишлоқ ва шаҳар ҳўжалигининг янча жадал ўсиши, ҳўнармандлик ва савдо-сотиқнинг юксак даражада ривожланиши, йўллар қурилиши, янги қаров йўлларининг очилиши ва асвдлабдор инсоний барқарорлиқнинг таъминланиши билан бевосита боғлиқ бўлган”³⁶.

Сократнинг фикрича, тарбиядан қўтилган макссад бўюмлар табиатини ўрганиш бўлмай, балки кишининг ўз-ўзини билиб олиши, ахлоқни камол топтириш керак.

Аристотель боғаларга таълим-тарбия беришни жисмоний, ахлоқий ва ақлий жиҳатларини бир-бири билан чамбарчас боғлаган ҳолда ўргатишни талаб

³⁶ И.Каримов. “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожланти роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциядаги нутқи. Mafaka.uz.

қилиди. У бошланғич таълимда гимнастикадан ташқари ўқиш, ёзиш ва грамматика, расм ва мусика илмлари ўргатилиши лозимлигини алоҳида уқтирган эди.

IX асрда яшаган ўрта осийлик файласуф тарбиячи Фаробийнинг ёзишга қараганда, мохир мирзо араб тилининг лўғат ва грамматикасини, мантиқни, ҳўснихатни ва арифметикани яхши билиш керак. Ўрта Осий педагогика фани тарихида биринчи бўлиб Абу Наср Фаробий “Бахт-



Абу Наср Мўҳаммад ибн Мўҳаммад ибн Ўзург ибн Тархон ал-Фаробий (873-950 йй. Ўмар) Ислоом илмлари ҳўйида ривожланиб, куя — қўдратига тўлиб, бутун ислоом оламида, ҳўсустан Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Бадхорда қўлиаб илмий марказлар вужудга келган бир аждоғий асрда яшаб ижод қилиди. Аллома яшаган даврда келиб ислоом оламида Куръон илмлари, айниқса тафсир илми тараккий этган, ҳўлис илми инсоният тарихида мисли қўрилмаган даражада ривожланиб, ўзининг юксак чўққисига етган ҳамда тўртта фикхий масхаб юзатга келиб, мусулмон халқлари ичида мустақкам ислоом қонуноунослиги вужудга келган эди.

саводатта эришув ҳўқида” номи асарида таълим ва тарбия сўзининг лўғавий маъносини таъриф этди. Унинг ёзишча, халқлар ва шаҳар аҳолиларида ахлоқ, олоб, расм-рўсм, касб-ҳўнар, одад ва иродани ҳўсил қилиш учун инсондан зўр куя ва қувват талаб қилинади. Булар фақат одадга таълим ва тарбия бериш йўли билан ҳўсил қилинади. Таълим деган сўз халқлар ва шаҳарлиқлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириб тарбия эса шу халқлар ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб-ҳўнар фазилатларини бирлаштириш, деган сўзилир.

Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса амалий иш таъриба орқали ўргатилидир. Назарий билимларни ё устоэлар, давлат ирбоблари ўргатадилар. Шарқ тарбиячи олимлари Фаробий, Беруний, Ибн Синолар мактабларда янги фанлардан тил ва адабиёт, отэаки ва ёзма ҳисоб, қандадса, тил илми ва жисмоний тарбияни ўқитишни тақлиф қилдилар. Улар бу

ўқитиш йўл-йўриги илм-олувчиларни ақл-идрокни, жисмоний қобилиятни ўстиришни, нафис завқ олиш қабиларни шакллантириш учун асосий йўл деб билдилар.

*Жаҳон маданиятига катта ҳисса
қўшган Марказий Осиёлик машҳур
файласуф, қомусий олим
Фаробийнинг тўлиқ исми Абду
Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад
ибн Умар Тархон.*



Ўрта асрнинг бир канча илмий ютуқлари, умуман Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тараққийларвар ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожини унинг номи билан боғлиқ. Фаробий ўз замонаси илмларининг барча соҳасини мукаммал билган ва бу илмлар ривожига катта ҳисса қўшганлиги, юнон фалсафасини шарҳлаб, дунёга кенг танитгани туфайли Шарқ мамлакатларида унинг номи улуғланиб, “Ал-муаллим ас-соний” — “Иккинчи муаллим” (Аристотелдан кейин), “Шарқ Арастуси” деб қоритилган.

Абу Райхон Берунийнинг ақлий таълим ҳақидаги фикрларини ўрғана эканмиз, энг аввало, унинг илм олиш, билишдаги таълим узвийликлари, ўқиш, ўқитиш ва ўқув қуроллари, ёзув белгилари ҳақида айтган фикрлари юксак дид билан айтилган бўлиб, ўрганишга лойиққир. Беруний Шарқ таълим-тарбиясида биринчи, балки жаҳон фанида ҳам биринчилардан бўлиб киёсий тарбияга доир фикрлар билдиради. Унинг араб, хинд, грек ёзувлари, ўқилиши, улардаги мактаб ва ўқув воситалари ҳақидаги фикрларни “Ҳиндистон”, “Ёлдорликлар” китобларида қўшлаб мисолларда учратиш мумкин.

Беруний ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларини асосан “Қадимги қилмлардан қолган ёлдорликлар”, “Ҳиндистон”, “Минералогия”, “Китоб ас-Сайдона” каби асарларида баён этган. Беруний фалсафий қарашларида инсоннинг табиатида тутган ўрни, инсон билимларининг келиб чиқиш, онг ва тафаккурнинг борлиқта муносабати, дунёни билиш мумкинми деган масалаларни диққат билан ўргатган.

Ёшларни замонавий фан ва техниканинг, илм фанининг ютуқларидан баҳраманд қилмасдан туриб уларга юқори маънаф, рақобатбардош мутахасис бўлишлари учун бутунги кунда буюқ алломаларимизнинг илмий, тарбиявий қарашларидан ўз таълим фаолиятинида ижодий фойдаланиш катта аҳамиятта эгидир.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Тарбия жараёни ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Абдулла Авлонийнинг тарбия ҳақидаги қарашлари.
3. Тарбия методлари. Тарбия қонуниятлари ва тамойиллари.
4. Тарбия турлари. Иқтисодий тарбия жараёни ва унинг бутунги кундаги аҳамияти.
5. А.Навоий, З.М.Бобир, Фаробий Ибн Синоларнинг тарбия ҳақидаги қарашлари.

3-МАВЗУ. ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ. ТАЪЛИМ СТРАТЕГИЯЛАРИ

- 3.1. Замонавий таълим-тарбия тизими. Дидактика тушунчаси. Таълимнинг функциялари, категориялари. Дидактик тамойиллар.
- 3.2. Таълим стратегиялари. Ёлум таксонияси.
- 3.3. Ҳамкорликда ўқитиш. Конструктивизм.
- 3.4. Таълим мазмуни, таъкилий шакллари, метод ва воситалари.

3.5. Ривожланган мамлакатлар таълим тизимининг ўзига хосликлари.

3.1. Замонавий таълим-тарбия тизими. Дидактика тушунчаси.

Таълимнинг функциялари, категориялари. Дидактик тамойиллар.

Таълим – билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси. Таълим жараёнида маълумот олинади ва тарбия амалга оширилади. Таълим тор маънода ўқитиш тушунчасини англатади. Лекин у фақат



турли хилдаги ўқув юртлирида ўқитиш жараёнини эмас, балки оила, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда маълумот бериш жараёнини ҳам билдиради. Таълим – инсон билиш фаолиятининг энг мураккаб турларидан бири бўлиб, индвидуал психик ривожланишни ва билимларни ўзлаштиришни анча тезлаштиради.

Таълимнинг максали - мутахассисликнинг модели ва давлат таълим стандартлари талабига мос шаклландирган билим, кўникма ва малакалар тизимидан иборат. Максад асосида таълим ва тарбиянинг мазмуни белгиланади. Ўқитувчи ўқувчи-талабанинг билиш фаолиятларини ташкил қилиш максалида ўқув ишларини олиб борар экан, аввало таълим жараёни орқали уч вазифани ҳал қилиши унутмаслиги керак.



ТАЪЛИМ – ИНСОН КАПИТАЛИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИ СИФАТИДА
ҚАРАЛШИ МУМКИН. “ИНСОН
КАПИТАЛИ” ТУШУНЧАСИНИ
БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ А.СМИТ ИЛМИЙ
МУОАЛАГА КИРИТГАН. БУНДА У
“ЖАМИЯТ АЪЗОЛАРИНИНГ ДАРОМАД
ОЛИШ ХУҚУҚИНИ БЕРУВЧИ ТЎНЛАГАН
БИЛИМЛАРИ ВА КЎНИКМАЛАРИ”НИ
ТУШУНГАН.

Таълимга *эҳтиёс* муайян касбни ўзлаштириш, маълум лавозимни эгаллаш, маълум даражада маълумот олиш, кўшимча малакани ўзлаштириш, жамиятда муайян ўринини эгаллаш, мансаб пиллапоъларидан кўтариллиш истати билан белгиланади.

Таълим жараёни педагогик жараёнининг ажралмас, муҳим қисмларидан бири бўлиб у ўқитиш, билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш масалалари билан шуғулланади. Таълим назариясини “Дидактика” тушунчаси билан ҳам ифоделанади.

Дидактика (*didaktikos* – ўқитаман, ўргатаман) – таълим жараёни, мазмуни, қонуният ва тамойиллари, шакл, метод ва воситаларини илмий асослаб берувчи педагогик таълим назарияси, педагогиканинг алоҳида соҳаси. “Дидактика”



атмаси илк бор немис педагоги **Вольфганг Ратке** томонидан “Дидактика, ёки таълим санъати” (1613 й.) деб номланган маълумот асосида қўлланилган. Дидактика илмий билимлар тизими сифатида биринчи мартаба чех педагоги **Ян Амос Коменский**нинг “Буюк дидактика” (1657 й.) асарида очиб берилган.

Дидактиканинг ўрганиш объекти ўқув жараёни, ўқув жараёнининг ривожланиш қонунликлари, ўқитиш тамойиллари, методлари ва шаклларидир. Таълим жараёнининг асосий моҳияти тарихан тўпланган ижтимоий билим ва тажрибани ёш авлодга етказиш, авлодлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни маълум тизим орқали амалга ошириш бўлиб ҳисобланади.

ДИДАКТИКАНИНГ БАҲС ДОИРАСИ

НИМА УЧУН ЎҚИТИШ? КИМНИ ЎҚИТИШ?	КАНДАЙ АСОСДА ЎҚИТИШ? ТАЪЛИМНИНГ ҚОНУН. ҚОНУНИЙ ТАМОЙИЛ, ҚОНУНЛАРИ
НИМАНИ ЎҚИТИШ? ТАЪЛИМ МАЗМУНИ	КАНДАЙ ЎҚИТИШ? ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИ

ДИДАКТИКАНИНГ АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАРИ

Ўргатиш – таълим мақсадини амалга ошириш бўйича педагогнинг тартибланган фаолияти

Ўрганиш – англаш, машқ қилиш, ва эгдланган тажрибалар асосида ҳулё-
автор ва фаолиятнинг янги шаклларини эгдлаш жараёни, олдин
эгдланганлари ўзгаради

Ўқитиш – кўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган педагог билан
талабаларнинг тартибланган ўзаро ҳаракати

Таълим – ўқитиш жараёнида эгдланадиган билим, кўникма, малакалар,
фикрлаш усуллари тизими

Билим – бирор фанни назарий ўзлаштиришни акс эттирадиган инсон
қоллари йиғиндис

Кўникма – ўзлаштирилган билимларни амалиётта қўллаш усулларини
егдлаш.

Малака – атоматлашган ҳолатта ўтган кўникма, тақомиллашганликнинг
юқори даражаси.

Мақсад (ўқув, таълимий) – ўқитиш нимага қаратилганлиги, унинг қучлари
қелпусида нимага сафарбар этилиши.

Маълум (ўқитиш, таълим) – талабалар ўқитиш жараёнида эгдлаши
доим бўлган илмий билим, амалий кўникма, малакалар, фаолият ва фикрлаш
усуллари тизими.

Ташкил этиш – кўйилган мақсадни яхши амалга ошириш учун унга
тарурий шаклни тақдим этадиган, аниқ мезонлар бўйича тартибланган дидактик
жараён.

Шакл – ўқув жараёнининг мавжудлик усули, унинг ички моҳияти,
монитиги, мазмунни учун қобик.

Метод – ўқитишнинг мақсад ва вазифаларига эришиш (амалга ошириш)
йўли.

Восита – ўқув жараёнини предметли қўллаб-қувватланиши. Воситаларга
ўқитувчининг жонли нутқи, кенг маънода унинг маҳорати, дарсликлар,
жикозлар ва бошқалар кирди.


Натижалар (маҳсуллар) – ўқув жараёнининг сўнгги натижаси,
бештирилган мақсадларни амалга ошганлик даражаси.

Дидиктик ташкиллари куйидагилардан иборат:

- **ТАЪЛИМНИНГ УСТУВОРИТИ** - унинг ривожланишининг биринчи даражаси аҳамиятта эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи.

• ТАЪЛИМНИНГ

демократлашуви - таълим ва тарбия услубларининг танланишида ўқув юртларининг мустақиллигини кенгайтириш, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимида ўтгилиши;



- **ТАЪЛИМНИНГ ИНСОНШАВАРИЛИГИ** - инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий кадрлар устуворлигининг таъминлиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;

- **ТАЪЛИМНИНГ ИЖТИМОЙЛАШУВИ** - таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрларни шакллантириш;

- **ТАЪЛИМНИНГ МИЛЛИЙ ЙўНАЛТИРИЛГАНЛИГИ** - таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётининг ўта муҳим омилли сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;

- **ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ УЗВИЙ БОЎЛИКЛИГИ**, бу жарасининг ҳар томонлама камол толган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

- **ИСТИҚОЛЛИ ЁШЛАРИНИ АНИКЛАШ**, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратилиш.

Ўзбекистонда замонавий таълим тизими қуйидагича:

- мактабдан таълим
- умумий ўрта таълим
- ўрта махсус, касб-хунар таълими
- олий таълим (бакалаврият, магистратура)
- олий таълимдан кейинги таълим
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш
- мактабдан ташқари таълим

3.2. Таълим стратегиялари. Блум таксономияси

Ўқитувчиларни ўргатувчи кўп стратегиялар мавжуд, улардан фойдаланиш аудитория доирасида ҳаракатларни режалаштириш, юқорида кўрсатилган тизимларни таърифлайди. Улар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Ўйлаш малакалар стратегиялари (De Bono's Six Thinking Hats and Mind Mapping);
- Кўп маротаба ақлий қобилиятлар Gardens;
- Блум Таксономияси - Bloom's Taxonomy²⁷ – билиш ва эмоционал ҳолатлар;
- Тафаккур одатлари (16 қобилият) - Art Costa
- Ҳамкорликда ўқитиш
- Ақлий фаолиятга асосланган ўрганиш

Блум таксономияси.



Бенжамин Блум
(1913-1999)

Американик психолог-педагог
Блум таксономияси асосчиси.

1956 йилда Бенжамин Блум таълим
руҳшунослардан иборат бўлган гуруҳни
бошқарган. Бу гуруҳ ўрганиш жараёнида
муҳим бўлган ақлий даражалар кетма
кетлигини таснифлаш жараёнини
ривожлантирган.

1956 йилда Бенжамин Блум таълим руҳшунослардан иборат бўлган гуруҳни бошқарган. Бу гуруҳ ўрганиш жараёнида муҳим бўлган ақлий даражалар кетма кетлигини таснифлаш жараёнини ривожлантирган. Кейинчалик бу тақсономия деган ном олган ва учта бир бири билан ўзаро қўшилган соҳалар ҳисобланган: билим соҳаси, психомотор ва эмоционал соҳалар. Билимга оид соҳада асосий тоифалар қуйидагилар:


Тушунишни билиш: маълум фактлар, ўзига хос хусусиятлар билан йўллар ва воситалар алоқаси. Шу ерда билим қандай қилиб ёдлаб олиш (эслагувчи) маълумот эга, ёки аввал ўрганилган маълумот. Аниқлайди, таврифлайди, санаб беради, идентификация, рўйхатлар, номлар, лейбллар айтади, ўқийди, ёзув қилади, қайта тикшайди, танлайди, арз қилади, тасаввур қилади.

Тушуниш: ахборотга оид аҳамиятли материалларни тушуниш (англаш). Таврифлайди, тасдиқлайди, айлантиради, муҳокама қилади, баҳолайди, тушунтиради, умумлаштиради, мисоллар келтиради, мазмунга эга, ҳулоса қилади, тушунади.

Мурожаат қилиш: аввал ўрганган маълумотларни янги ва аниқ вазиятларда фойдаланиш, муаммоларни қайсиларида ягона ёки оптимал жавоблар борлигини ечиш учун. Қонунларни бошқаради, ёруғ аниқ ифода қилади, баҳолайди, диаграммаларни ҳисоблайди, қуради, аниқлайди, ривожлантиради, топади, амалга оширади, ўз ичига

олади, олдиндан таҳхис қийди, тайёрнади, муносабатга эга бўлиди, хабар беради, қўсатди, ечади, фойдаланади.

Анализ: турли ҳулосаларни ривожлантириш учун ахборотга оид материалларни уларни ташкил этишчи қисмларга ажратди, ушбу маълумотларни тадқиқот қилиш ҳамда умумлаштиришни қилиш учун сабаблар ёки омилларни излаб топади. Ажратди, қўсатди, мураммалар фарқнади, фарқли ажратди, намоиш қилади, ҳулосаларни олиб чиқади, чарчайди, устуворлигига қараб ажратиб олади.



Синтез: олинган натижаларни умумлаштириш учун ижодий ёки турли йўлларда аввалги билим ва маалакалардан фойдаланиб, янги ўзига хос оригинал бутунлиқни яратиш. Мушаррафлар, кутадилар, мезонлар бўйича таснифлайди, ҳамкорлик қилади, бирлашди, хабар беради, тахлил қилади, қарама қарши қийиш, лойиҳалаштиради, ишлаб чиқаради, енгилаштиради, аниф ифода қилади, амалга оширади, индивидуализириди, бошлайди, бирлаштириди, моделларни режалаштиради, тараккиёт қилади, тузилмаларни қайта қўриб чиқади, алмаштиради, тасдиқлайди.

Баҳолаш: материални қадриятлар асосида баҳолаш, шахсий ташкил этилган қадриятлар асосида, махсуслотнинг натижасини белгилайди, тўғри ёки нотўғри жавоб беришнинг аниқлашдан иборат. Баҳолайди, тахлил қилади, қарама қарши қийди, танкид қилади, танкидий тахлиллар тузади, хал қилади, химоя қилади, интерпретация, тақдоран ривожлантиради, қўррекция, қўлаб-қувватлашади.

Кўп маротабали қобилиятлар (GARDNER'S)

Gardner қобилият тушунчасини “муаммолар бўйича қарор қилишга эга ёки битта ёки ортиқроқ кўрсаткичларга эга нарсаларни соғлаш маданияти” деб белгилайди (Gardner & Hatch, 1989). Маданий ва биологик таджикотлардан фойдаланиб у еттига қобилиятдан ибрат рўйхатни ифодалади. Gardner уларни қуйидагича аниқлайди:

1. *Мантиқий-математик қобилият* – намуналарни топишдан иборат бўлиб, дедуктив ва мантиқан ўйлаш сабаби. Ушбу қобилият кўпинча илмий ва математик тафаккур билан боғлиқ.

2. *Лингвистик қобилият* – тилга эга маҳорат борлигини ўз ичига олади. Ушбу қобилият тилни самарали бошқаришни назарда тутаяди, риторик ёки шеърят усулда гапириш учун. Бу ҳамда тилдан маълумотни эсда тутатиш воситаси сифатида фойдаланиш мумкинлигини англатади.

3. *Фазовий қобилият* – муаммоларни ечиш учун биттага бошқариш ва аклий тасвирларни яратиш қобилитини беради. Ушбу қобилият визуал соҳалар билан чекланмаган; Gardner белгилайди, фазовий қобилият кўр болаларда ҳам яхши шаклландир.

4. *Музикли қобилият* – музикий товушлар, ритмлар ва топширишларни тузиш ва таниш қобилитини ўз ичига олади. (Одамда ушбу қобилиятни ўстириш учун эшитишга оид функциялар талаб қилинади, товушни билишга нисбатан, ритм зарур эмас).

5. *Жисмоний-кинестатик қобилият* – хусусий бадан ҳаракатларини аклий қобилият орқали мослаштириш ҳисобланади. Ушбу қобилият кенг тарқалган фикрга қарши чиқади, нимага аклий ва жисмоний фаолият ўзаро боғланмаган.

6. *Шахсий қобилиятлар* – ўз ичига ўзаро боғланган ҳис-туйғулар ва бошқалар максалларини олади, ва чуқур шахсий қобилият – хусусий ҳис-туйғулар ва истакларни тушунишни ифодалайди. Бу икки қобилиятлар бири-биридан алоҳида деб ҳисобланади. Бироқ, кўпчилиқ маданият ва ўхшашлиги туфайли улар тез-тез уланадилар.

7. *Табиат қобилияти* – табиий мавжудотларни танимок инсоний қобилияти деб аниқлайди (заводлар, ҳайвонлар) ва шу билан бошқа ўзига хос табиий дунёнинг хусусиятларга сезувчанлиги (булутлар, тоғли конфитурациялар).

Гарчи ушбу қобилиятлар анатомик бир-биридан ажратилган бўлса ҳам, Gardner тасдиқлашича “қобилиятлар жуда ҳам камдан кам алоҳида шилтиллади. Одамлар малакаларни ривожлантиришда ёки муаммоларни ҳал қилишда қобилиятлардан бир вақтнинг ўзида фойдаланилади ва бир бирини қўшимчалар билан тўлдирядилар”.

Таълимий аҳамият:

Педагоглар уни тан олиш кераклиги ва кенг диапазон истеъдод ва малакаларини кўпроқ ўқитиш кераклигини назарда тулади. Ўшбу аҳамиятли томони, педагоглар томонидан берилган материаллар ҳамма қобилиятни талаб қилмай, шунинг учун ҳам уларни тизимли усулда бериш шарт. Қобилиятларнинг кенг тўлиқ тўрлами фойдалантириб, ушбу ҳаракат тарзида таълим бериб, материални чуқур тушуниш жараёнини енгилаштириш мумкин.


Кўп мартаги қобилият назарияси

Ҳамма талабалар аудиторияга турли хилдаги ривожланган қобилиятлар билан келадилар. Қачонки маълумотларни ўрганиш учун ўзига хос ҳаракат тарзида берилса, бу материаллар талаба учун енгил (ёки кийин) ойдинлашади. Одатда бу *қандай услубда* ўргатилади деб эслатиб ўтилади.

Кўп таълимий услублар аудиторияда юзата келган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўқитувчи мазкур усулни амалиётга тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашга имконияти бўлмаслиги мумкин. Чунки, бу усуллар аудиторияда юзата келган. Бироқ, ўқитувчи талабаларга ривожланган қобилиятдан фойдаланишни нарсани тушунишда улар кучсиз қобилиятдан фойдаланган ҳолда тушунтириши мумкин. (Lazear, 1992).

Аклий тафаккурга асосланган ўрганиш

Ақлий тафаккурға асосланган ўрганиш (from Caine & Caine: *Reinventing Schools through Brain Based Learning, Educational Leadership*, 1995).



Ақлий тафаккурға асосланган ўрганиш нуسخа кўчиришни муҳимлигини таъкидлайди, яъни ҳақиқатдан ҳам мия буюмларни мантиска мос эмас ёки ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигини осонлик билан ўрганимайди. Модоними, бизнинг табиий мойиллик ахборотни бирлаштиришдан иборат бўлса, биз ажратиб қуйилган маълумотларни ўрганишга қаршиллик кўрсатамиз. Чунки ўзига хос йўриқномалар хусусиятлари доимо катта максималда бўлганидлар, ўқитувчилар ва талабалар мураккаб тарихий мавзулар ва метафоралардан фойдаланишлари лозим.

Мияга асосланган ўрганишнинг асосини мия ташкил этади. Чунки, мия мия — бу параллел процессор — бир вақтнинг ўзида бир нечта вазифаларни бажаради. Шунинг учун ҳамма маъноси бор нарсаларни ўрганиш мураккаб ва ҳар доим ҳам тўғри эмас ҳисобланади. Ўраб турган динамик оралиқни ташкил этиш учун ўқитувчилар ҳамма бор маъналардан фойдаланишлари кераклигини билдиради. Ўқитувчилар маълумотларни узатиш табиий шартларини афзаллигини инкор қилиш керак, чунки талабалар имкониятлари ва кўрсатмаларидан келиб чиқиб, ўрнига текшириш ва тажриба ўтказишни ташкил қилиш — бу конструктивизмнинг асосий йўли ҳисобланади.

Мияга асосланган ўрганиш тадқиқот натижалари аудиториядаги муҳит учун аҳамиятлидир:

Бойитилган ўрганилаётган атроф-муҳит кўпчилик сенсор ва тилга оид воқеалар билан ақлий жараёнларни рағбатлантиради (Wolfe, 1996). Шундай экан экологик нашр ва рағбатлантирилган материал аудиторияда ХАММА ёшдагилар талабалар учун биринчи ўринда. Бойитилган атроф-муҳит ўз ичига аудиторияни формал ва норасмий шарт-шароитларни олиш керак: нормал ақин ёритиш, сузнинг ва ҳавонинг тозаллиги, реал дунёвий ва мультисенсор воқеалар, кўп модаллик воқеалар, ҳақ-ҳуқуқ талипиш ва ҳаракатлар, вақтнинг катта

этилувчанлиги (икки соатлик блоklar) ва бошқа имкониятлар яратиш (Jensen, 1996).

Адекват овқатланиш. Овқат модалларидан ишлаб чиқарилган химикатлар, биринчи ўринда ақлий ривожланиш ва ҳаракат қилиш билан боғланган. Қачон болалар тўйимли овқатга эга бўлсалар, улар қандай зарур бўлса овқатланса, шунда статистика бўйича имтиҳонда юқорида баҳолар олади, мактабга нисбатан ижобий муносабат намойиш қилишади ва санаш аниқлиги ва тешигини намойиш қилади (Dunn & Migrant, 1993). Эртабағи оксил нормасига етарли нонушта талабаларга камроқ ҳағолар қилишга ёрдам беради. Нонуштани ўтказиб юборган ёшлар ланч пайтида кўпроқ овқат истеъмол қилишга қодир ва кун бўйи ўзини қувватсиз ҳис қилади²⁸

Минимал стресс. Болалар томонидан сурункали эмоционал қучланиш уларни ўқилиш учун ҳеч нимани қолдирмасдан мия ва жисмини батамом тўйимли модалларни тутатишга мажбур этади.

Эмоционал қобилият. Мия феолияти бўйича янги тадқиқот кўзайди, ҳажжонлар — ақил-идрокнинг кўрсаткичи эмас, қобилиятнинг асли меъёри бўлиши мумкин. (Goleman, 1995). Эмоционал қобилият — ҳажжонли қобилиятга нисбатан ўқитувчи ва талабанинг ишининг сифатини ўлчайдиган, стандарт тестларга асосланган одамлар муваффақиятларининг яхши башорат қиливчи бўлиши мумкин.



3.3. Ҳамкорликда ўқитиш. Конструктивизм.

Ҳамкорликда ўқитиш муваффақиятли таълим стратегияси бўлиб ҳисобланади. Чунки, қичик гуруҳларда турли қобилиятларга эга бўлган талабалар ўзарининг қобилиятлари даражалари билан, ўрганилаётган

²⁸ Pollitt, Leibel, & Greenfield, 1981, p.77.

материаллари, тушунчаларни ёки нарсалар маъносини яхши англиташга қаратилган. Гурӯҳнинг ҳар қайси аъзоси нафақат ўрганиш учун маъсул бўлади, шу билан бирга гурӯҳнинг бошқа аъзоларига ёрдам бериши шарт. Бу усул академик етишув ва маданий тушуниш даражасини ривожлантиришга асосланади. Деярли 50 йиллик талкикотлар ва бир қанча тақдиротлардан сўнг, талкикотчилар ўртасида қучли келишув мавжудки, ҳамкорликдаги ўқитиш усуллари одатда талабалар фаоллигида ижобий таъсиротлар келтириб чиқарган. Мазкур усул талабалар ҳамда ҳар хил этник гурӯҳлар ўртасида муносабатларни яхшилайти ва улар орасидаги жиддий ўзгаришларга олиб келади. Бироқ, сифат ютуқлари ва бошқа ижобий натижалар ҳамкорликда ишлаш усулларини бажаришга боғлиқ. Улар қуйидагилар билан тавсифланади: **ижобий ўзаро боғлиқлик ва индивидуал маъсулият.**



Гурӯҳнинг вазифасида ҳар қайси катнашувчи яққа тартибада маълум бир қисмга маъсул ҳисобланади. Агар гурӯҳ катнашчилари ҳамкорликда бўлмаса – бошқа сўзлар билан айтганда, гурӯҳ катнашчилари ижобий маънода ўзаро боғлиқ деб ҳисобланади; масалан, икки томонлама иммерсион дастурларда икки тилили бўлиши учун инглиз спикерлар ҳамкорлик қилишга мажбур.

Айрим ҳамкорлик талкикот усуллари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Гурӯҳ талкикотлари юқорида талабаларни келтириш, гурӯҳ лойҳасини амалга ошириш учун кўникмаларни ривожлантириш;

Jigsaw – (Мозаика) – ҳикоянинг материални билан фойдаланилади, ҳар қайси катнашувчи мавзунинг маълум қисми ўрганиши учун маъсул ҳисобланади. Гурӯҳларда “эксперт”лар сифатида шакллантирилади. Ҳар бир эксперт ўзларининг гурӯҳларида материал натижаларини қолган гурӯҳ аъзоларига етказиладилар;

Бошқариладиган ўқим ва бошқа интеракцион ўқитиш стратегиялари.

“Шундай қилиб, талабалар ҳамкорликлари гурӯҳларда ишласа, қайсиларда

“бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун ишлайди”, гурӯҳ катнашчилари эмпатионал ва академик ёрдам оладилар, “чунки ўқув жараёнида турган кўпгаб тўлиқларга қарши ишлашга ёрдам беради” (Cooperative Learning – Response to Diversity, California Dept. of Education 2000).

КОНСТРУКТИВИЗМ. Конструктивизм бўйича ўрганиш жуда фаол жараён ҳисобланади. Конструктивистларнинг аниқлашча, пасив киши ҳақиқатда ўрганишга қодир эмас. Конструктивизм талкикотларида ҳар бир индивидуал тузилмалар ёки унинг дунёвий шахсий билимлар ноёб намуна деб ҳисобланади, ҳар бир фактнинг, тажрибанинг ёки субъектив усулда тушунишни улаш одами кенроқ дунёга асосланган рационал муносабатга олиб келади. (Wilson & Davis, 1994).

Модомики, олимларнинг талкикот натижаларига кўра конструктивизм модели мининг мазмунга эга бўлиш уларнинг энг яхши табиий усулидир деб, кўрсатди (Feldman, 1994). Бу бихевиористик моделларга нисбатан тўлиқ контрастда туради. Ушбу назария охири IX ва XX асрларда доминант бўлиб турган. “Одамлар вазифаларни ва муқофотларни кутишган эди, уларнинг миқдори тоза қозғаб бўлган. Улар йўриқномалар кутишган ва қобилият деярли кўп даражада тутилган деб ҳисобланган” (Abbott & Ryan, p. 67, 1999). Конструктивизмнинг ўрганиш шакли миқда бор асосий ва ўрганиш

маълумотларни текислайди.

Тафаккур қилишга одатлар – 16 ақлий



ҳуққ харакатлар. Тафаккур қилишга одатлар – интеллектуал ҳуққнинг хиллари ҳусусида америкалик олимлар доктор Arthur Costa ва Dr Вена Kallikottнинг тўрт томлиқ “Тафаккур қилишга одатлар”: Ривожланиш билан боғланган қатор (2000) номли асарида келтирилган. Уларнинг фикрича, мактаблар ва фирмаларда одамлар ҳалқаро тармоғини яратиш, тўла фикрлашни ўрганиш учун қандайдир тузиллиш жамғарма ва уюшмаларни яратиш керак.

“Тафаккур қилишга одат” нинг маъноси – муаммолар билан тўқнашганда

ва тайёр жавоблар бўлмаган дарҳол маълум бўлади. Тафаккур қилишга одат талабаларга мактабда ва кундалик ҳаётида ёрдам бериши мумкин, chunkи улар муаммолар, дилеммалар ва топшимоқлар билан ҳар куни тўқнашадилар. Бу одат қачонки сиз жавобни билмасангизда ўзингизни қандай тутиш кераклигини кўрсатади. Costa ва Kallik тасдиқлайдиларки, “танқидий фикрлашнинг нафақат ахбороти маълум, балки қандай ҳаракат қилиш кераклиги ҳам мавжуддир”.

“Қачон ўқитувчилар атайлаб танқидий фикрлашни қабул қиладилар ва баҳолайдилар, бу уларнинг лойиҳа ҳаракатларини ўзгартиради, уларни мазмун танлашни аниқлайди ва улар баҳолашни оширади. Натижалар яшайдиган доира қанча кенг бўса, шунча ҳар бир оdatнинг кадриятларига уларнинг таъсири қаттарок имкониятларини кўриш мумкин”²⁹. *Ат Costa*

1. Импульсивлиكنи бошқариш – ҳаддан ташқари импульсив бўлмаслик. Импульсив одамлар биринчи фикрга асосланиб ҳаракат қиладилар.

Агар одамлар ўзининг импульсив бошқарсалар, улар:

- ўзининг мақсадларини идентификация қиладилар ва қайта кўриб чиқадилар;
- муаммоларни ечишга нисбатан стратегиялар режасини тузадилар;
- ҳар хил стратегияларни текширадилар ва натижалар тўғрисида олдидан ўйлаб кўрадилар.

2. Бошқаларни тинглаш – тушуниш ва аниқлаш билан:

- Ҳақиқатдан бошқаларни диққат билан эшиттадилар.
- Қачон сиз бошқа одамлар ва тўғруларни тушунишни намоён қилсангиз – сиз уларни аниқлайсиз.
- Сиз ўзингизни бошқа одам ўрнига ситдира оласизми?
- Сиз ҳақиқатдан ҳам бошқаларни тинглайсизми ёки ундан кейин гапириш учун навбатни кутасизми?

3. Мойиллик билан ўйлаш

Эгилувчан тафаккур қилаётганлар мойилликка эга:

- Улар қайта кўриб чиқишга розилар
- Ўз фикрини ифодалашга қатъий
- Низоларни бир-бирига ён бериш орқали ечадилар
- Сиз барча имкониятларни кўриб чиқасизми?
- Сиз тўғрубурчак чегараси ташқарида ўйлайсизми?

4. Бизнинг ўйлашларимиз ҳақида ўйлаш (Metacognition). Ўзининг ўйлашларини тушуниш. Сизнинг бошингизда давом этаётган ўйлашларни таърифлаш бу:

- Муаммони ечишдан аввал режани тузиш;
- Бизнинг ўйлашларимизни тушуниш;
- Бу ҳақда нима ўйлайсиз?

5. Аниқлик ва такомиллашув учун кураш.

- Аниқлик, ёруғлик ва такомиллаштиришни тылаб;
- Ўз ишингизни текшириш учун шарт-шароит;
- Ўз ишингизни қандай текширасиз?

6. Муаммоларни сўраш ва баён қилиш. Яхши саволлар бериш – бу интеллектуал одамларнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Талабалар саволлар бериш қобилиятини ўзларида ривожлантириш ва ўзи учун муаммоларни топиш шарт – бу нафақат ўқитувчининг роли. Сиз шубҳалар қолтирасизми ва маълумотларни текширасизми?

7. Ўтган эски билимларни янги вазиятларда қўллаш. Билдиган нарсаларни барпо қилинг. Интеллектуал одамлар тажрибалирдан ўрнанинг. Ёш тажрибадан аҳамиятли манфаатларга асосланинг ва натижалардан янги вазиятларда фойдаланинг. Сиз энди нимани биласиз, сизнинг янги фойлиятингиз қандай?

9. Аниқлик ва ёруғлик билан ўйлаш ва хабар бериш. Интеллектуал одамлар аниқ ёзма ва оғзаки шаклда алоқа бўлишга ҳаракат қиладилар. Аниқ тилдан фойдаланишга ҳаракат қиладилар, тўғри ном ва универсал лейблар ва

²⁹ Lisa Sharpus, *Pedagogy: Embedding Learning Technologies*, Model 1, 1-10 p

аналогиялардан фойдаланишга уринадилар. Сиз умумлаштириш ва бўзиб кўрсатишларни ишлатмайсизми? Талабаларни ноаниқ ва номантик тилдан фойдаланишга рағбатлантирасизми?

10. Ҳамма хис-туйғулар орқали маълумотларни йиғиш. Интеллектуал одамлар барча маълумот миёга сенсор йўллар орқали тавсир қилишини биладилар: таъмига оид, идрок қилиш, кинестетик, эшитишга оид, кўришга оид. Бу усулларни максималлаштириш бизнинг миёда маълумотни янада кенгрок қилади. Қандай қилиб миёни ҳаракатга келтирасиз? Актив ҳаракатни яхшилаш учун мусикани ёки санъатни сиз ишлатасизми?

11. Яратиш, акс эттириш ва инновациялар. Ҳамма одамларда янги, оригинал ўзига хос нарсалар, усуллар ва қарорлар келтириш қобилияти ривожланган бўлса, улардан фойдаланиш хусусиятларига эга. Ижодий бўлиш ва таваққал қилиш – одамларга ботирлик тақдим этади, улар жамоавий муҳокамани ўтказиш керак ва муаммоларни ечиш қарорларни яратиши лозим. Сиз ижодий деб ҳисобланасизми? Сиз таваққал қиласизми ва четларларни очилишга қобилиятингиз мавжудми?

12. Қизиқиш билан жавоб бериш ва инновацияларга очикилик. Дунё ҳақиқати билимларни ўрганишда қизиқувчан бўлиш, қизиқувчанлик ва муаммоларни ечиш одамларга фикрлаш учун қадам қўйишга ёрдам беради. Интеллектуал одамлар қизиқувчан ва атрофдаги нарсаларга қизиқиш билан қарайдилар. Бу муҳим ҳисобланади, қачонки биз муаммоларни кенгайтган мустақиллик билан ечишга қодир бўлсак. Интеллектуал одамлар ихтиёрий равишда бутун ҳаёти давомида ўрганишни давом эттирадилар. Сиз нимани қизиқувчан деб ҳисоблайсиз? Атрофда сизни нима қизиқтиради?

13. Ўзига ҳаф-хатар жавобларингизни олиш. “Олдинга боришнинг ягона усули – рад этиш учун таваққаллик қилишдир.” (Briggs, 1999). Этиливчан одамлар ўрнатилган четларлар ташқарисига чиқишга ҳаракат қиладилар. Улар тартибсизлик, ишонмаслик ва юқори ҳаф-хатарларни рад этишни меъёрага жараёнинг бир бўлаги сифатида қабул қиладилар ва олдинга ишонч билан

қараб, омадсизликни қизикариб деб қабул қиладилар.

Сизда ишончликка эҳтиёж борми ёки шубҳа қилишга мойилликми? Талабаларига аниқлаш жараёни ва жавобларни топиш қизикаришим?

14. Ҳазил мутойибадан фойдаланиш. Кулги ҳамма одамларни бўрлаштиради. Унинг руҳий функцияларга ижобий самараси меъёрада пульс пасайишини, эндорфинлар камайишини, қонда қислород қупайишини ўз ичига олади. Ҳазил мутойиба, айтишларича, ижодий потенциални озод қилади ва шундай юқори даражадаги амалий малакаларни келтиради, визуал қиёфалар, кўтиш ва аналогияларни яратди.

Сизнинг талабаларгиз одамларнинг турли вазиятларда таниши мумкин ми ва уларнинг қайси бири ҳақиқатдан ҳам қизикарли?

15. Ўзаро боғланган уйлаш. Одамлар – ижтимоий мавжудотдир. Биз урушларга йиғилимиз ва ва бир биримиздан илҳом оламиз. Муаммони ечиш жараёнида ҳар қандай кишининг ёлғиз ҳаракат қилишга имконияти йўқ. Бу жараён шунчалик мураккаб бўлганидан кишини кўпроқ имкониятларни кўриб чиқишга ундайди..

Сиз ўз гойларингизни тўруҳда исботлай olasизми?

Сиз жон деб танқидий фикрларни дўстингиздан қайта алоқа орқали олишга тайёрмисиз?

16. Ўзлуксиз ўрганиш. Тафаккур қилишга одатланган одамлар – ҳаёти бўйича доимо ўрганадилар. Улар доимо мукаммаллаштириш учун қурашадилар. Доимо ўсиш, доимо ўрганиш, доимо ўзгариш на нарсаларни ўзгартириш учун янги усулларни аниқлашга ҳаракат қиладилар.

Сиз ўқиш ва имкониятлар яратиш учун янги вазиятларга қарши турасизми?

Сизда доимо ҳамма нарсаларга жавобларни билимаслигингиз ва шунинг билан кўркамслигингиз ҳақидаги тушунча борми?

3.4. ТАЪЛИМ МАЗМУНИ, МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ, ТАЪЛИМНИНГ ТАШҚИЛИЙ ШАКЛЛАРИ, МЕТОД ВА ВОСИТАЛАРИ.

Таълимнинг мазмуни унинг мақсаидан келиб чиқади. Таълимнинг

мазмунни деганда, ўқувчиларнинг ўқиш жараёнида эгалаб олиши лозим бўлган ҳамда тизимга солинган билим, маъна ва кўникмаларнинг аниқ белгиланган доираси тушунилади.

Таълимнинг мазмунни бир катор эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан белгиланади:

1. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг зарур эҳтиёжлар, ижтимоий тузими ва ҳуқуқий ҳолатлари.

2. Давлатнинг халқ таълими ва маъна турдаги ўқув қорти олдида қўйилган мақсад ва вазифалар.

3. Ўқитиш қонунларида келиб чиқадиган ва ўқувчиларнинг имкониятларини (ёш имкониятлари ва бошқалар) эътиборга олган дидактик талаблар.

Таълим мазмунни ўқув режаси, ўқув дастури ва дарсликларда фойдаланган.

Ўқув режаси - деб, ўқитиладиган фанлар, ўқитиш учун ажратилган соғатлар ва ўқув йилини тузилишини белгилаб берувчи давлат ҳужжатига айтилади.

Ўқув дастури - ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади. Ўқув дастури ҳар бир ўқув фанининг ўқитиш учун ажратилган билим ҳажми, тизими ва ҳолати - сиёсий йўналишини аниқлаб берадиган давлат ҳужжатидир.

Дарслик - ўқув жараёнининг зарур қисмидир. Кўп вақтлардан бери ўқитишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланар эди.

Ҳар бир ўқув фанининг мазмунни дарсликда батафсил ёритилади. Дарслик тегишли фанга оид илмий билим асосларини дастурига ва дидактика талабларига мувофиқ равишда баён қилувчи китобдир.

Стандарт - таълимда яратилган меъёрий режа, дастур, дарсликларни ўзлаштириш эквиваленти, яъни таълим мазмунини ўзлаштириш даражасидир.

Таълим олувчилар эгалаши лозим бўлган билим, кўника ва маънавий сифатларнинг энг кўйи миқдори илмий асосларга белгилаб берилган расмий педагогик ҳужжат - **давлат таълим стандарти** ҳисобланади. Стандартни

ишлаб чиқишда талабани ҳаддан ташқари зериктириб юбормаслик талабларига риоя қилиш, яъни у талаба ёшига мос, уни бажаришга қурб етадиган даражада бўлиши керак. Бунда албатта, таълим олувчини қизиқиши, хоҳиши, эҳтиёжи ҳисобга олиниши лозим.

Давлат таълим стандартларининг икки асосий вазифасини алоҳида таъкидлаб кўрсатиш мумкин.

1. Талабаларга бериладиган таълим мазмунининг мажбурий минимумларини белгилаш.

2. Ўқитишчиларнинг тайёрларлик даражасига қўйиладиган талаблар мажмуасини белгилаш, билим, кўника ва маъналарнинг минимал миқдорини белгилаш.

Таълимни таъкидлий шаллар:

Матруза (арабча, лекция (лотинча - "lectio") - ўқиш) - ўқув материаллари, бирор масала, мавзу қабиларнинг изчил, маълум бир тизимга солинган баёнидир. Матруза ўқув жараёнининг асосий бўлини, олий ўқув қортида дарс беришнинг асосий шаклидир. Дунёқарашини шакллантиришда катта рол ўйнайди. Матрузада мавзунинг асосий саволлари кетма-кетлик асосида юритилади.




Олий ўқув қортида ўқитиладиган матрузалар ўз функциясига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- Кириш матрузаси;
- Маълумотчи матруза;
- Мавзулар бўйича муаммоли матруза;
- Ўқув-ўқув кўрсатилган матруза;
- Озори матруза. Матрузаларнинг турларидан катъий назар барчасини функциясига кўра муаммоли матруза тарзида ўқиш мумкин.

Ўқув жараёнини таъкид этишда семинар дарслари алоҳида ўрин тутди.

Семинар талабаларнинг билимларини мустахкам-лашни таъминловчи, ижодий қобилиятларини намоён қилувчи ўқув жараёни шаклидир. Семинар машғулотларининг мақсади талабаларнинг чуқур билим олишини таъминлаш, олган билимларини реал ҳаётда қўллашга ўргатишдир.



Семинар (лотинча — *seminariūm* — манба, қўчма маънода - мактаб) — ўқув амалий машғулот шаклиларидан бири. Асосан олий ўқув юртиларида, илмий тўғарак, анжуманларда қўлланилади. Семинар машғулоти тари талабаларни илмий-тадқиқот ишларида йўналтиради.

Семинар турлари:

Биринчидан, ўрганилаётган фан ёки курсни чуқур ўрганишга ёрдам берадиган семинар дарслари;


Иккинчидан, айрим муаммо, асосий ёки муҳим мавзунини ўрганиш учун ўтказиладиган семинарлар;

Учинчидан, тадқиқот характеридаги семинарлар.

Амалий машғулоти тар кўпинча мавзуа машғулотида олинган билимларни мустахкамлайди. Талабаларни мустақил ўрганишга ўргатади.




Лаборатория машғулоти тари асосан аниқ, табиий ва техник фанлардан билимларини мустахкамлашда қўлланган таълимни асосий шаклиларидандир. Мазкур машғулотида талабалар негатор раҳбарлигида ўзларига берилган тошириқларни бажарадилар ва бу материалларни ўрнатиришга асос бўлади.



Эксперсия машғулоти ўқувчиларда олинган назарий билимларни умумлаштириш, кўз билан кўриш ҳамда амалий кўникмаларни шакллантириш имкони бера оладиган таълим шаклиларидан хисобланди.



Метод-нононча атама бўлиб, усул, йўл деган маънони англатлади, яъни максалда эришиш йўлини билдирлади. Методлар (усуллар) ҳар қандай ахборотни (максални) узатиш ва қабул қилиш харақтерига қараб қўйилгани синфларга ажратилади:





1-группа методичари:

1. Мавруза
2. Хикоя.
3. Тушунтириш.
4. Йўриқнома бериш
5. Намойиш.
6. Кўрсатиш.
7. Видеоусул

2-ГҮРҮХ МЭТӨДЛЭРНИ:

1. Китоб билан ишлаш
2. Лаборатория методиди
3. Машк.
4. Амалий метод





3-группа методик:

1. Сухбат
2. Бахс.
3. Аклий хужум
4. Тавлимий үйин.
5. Пинборт
6. Инсерт

4 — группа методологии



1. Үжүв лойихалари
2. Кейс-стадилар



Таблицам социологии - 95

жараяннини ташкиллаган ушун
энг мухым объект хисобланиб,
ўжигувчи ва талаба томонидан
ўқув билиш фаолиятининг
курсларидек фойдаланилди.

Таблицам воспитателей танцашини аниқловчи омиллари:

- 1) Максални белгилаш;
- 2) $\forall$ ку $\forall$ ахборот мазмунига;
- 3) $\forall$ ку $\forall$ материалнинг янгилиги ва мураккаблигига;

4) Етабчи билим манбаи;

3.5. Ривожланган мамлакатлар таълим тизимининг ўзига хосликлари

Япония таълими тизими. Япония – жууда тез ривожланаётган давлат бўлиб, бу ҳол асосан японларнинг табиатан меҳнатсеварлик ва ишбилармонлиги билан боғлиқдир. Дунёдаги барча янгиликлар ва юксалишлар сари интилиш, энг сўнгги ютуқлардан фойдаланиш ва уларни янада ривожлантириш – бу япон халқининг азалий миллий одатларига айланиб қолган. Бугунги кунда Япония дунёдаги барча давлатлар учун очик ва халқаро ҳамкорлик майдониди фаол иштирок этиб келмоқда. Японияда жууда қадимдан халқнинг актив имкониятларидан фойдаланувчи фан ва техникани қўллаш сиёсати энг муҳим ўрин тутди. Ҳозирги даврда Япония илмий тадқиқотларга кетган сармоя миқдори бўйича дунёда 2-ўринда туради.

Япония таълимининг шаклланиши 1867-1868 йилларда бошланган. Япония ўз олдига 2 вазифани: 1-бойиш, 2-тарб технологивларини Япония ишлаб чиқаришига киритиш масаласини қўйди ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи гада таълим тизимини туздан ўзгартириш кераклигини англади³⁰.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

Мактабгача таълимга Японияда катта эътибор берилди, чунки психологларнинг таъкидлашича 7 ёшгача инсон билимлари 70%ни, қолган 30%ни бутун қолган умри давомида ўзлаштирар экан. Мактабгача тарбия олдига оқилдан бошланади. Япон аёллари учун оналик биринчи ўринда туради. Қўпгина япон аёлларининг айтилишича, бола тарбияси – уларнинг ҳаётларининг мақсадларидир.



Японлар боланинг эрта воғта етилиши тарафдоридирлар. Турли ёшларда тарбиянинг турли муаммоларига урғу беради. Масалан, 1 ёшда – ўзига ишонч хиссини ўйғотиш. 2 ёшда – амалий санъат қўл меҳнатини кўрсатиш. 3 ёшда – бурч хиссини тарбиялаш. 4 ёшда – ахлоқлик ва ёвузликни фарқлашга ўргатиш. 5 ёшда – лидерлик хислатларини тарбиялаш, мустиқликка, режа тузиш ва уларни бажаришга ўргатиш.

Болалар ва қизлар турлича тарбияланадилар. Ўғилта оқилнинг бўлажак тилини сифатида қарайдилар ва қийинчиликларни енгилта ўргатадилар. Қизларни эса уй ишларига тайёрлайдилар.

Болалар боғчаси Японияда ватан фуқаросини шакллантириш тизимининг 1-босқичи ҳисобланади. Мустиқлик фаволит, жамоавий онг, иқтисмоний масбуллит қўнқимчаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Болалар боғчасининг асосий вазифаси – болани мактабга тайёрлашдир. Бу ерда расм, мусика, ритмика, жисмоний тарбия машғуллотлар ўтлади. Индивидиудушлик, у қанчалик яхши бўлмасин, ўқувчиларни ўзига жалб қилмайди, болалар жамоаси томонидан қабул қилинмайди³¹.

БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ

Бошланғич мактаб таълимнинг илк 6 йилини қамраб олади ва унинг асосий қисми ҳисобланади. Японияда мактабга 6 ёшдан борилади. Бошланғич мактабга 6 ёшдаги япон болаларнинг 99% қатнайди. 99% япон бошланғич мактаблари давлат тасарруфида, 1% - хусусий. Ўқув режасига япон тили, гуманитар фанилар, арифметика қабилар қиради. Санъат ва хунар (япон хусни хати), мусика, уй хўжалигини юритиш, жисмоний тарбия, ахлоқий одобнома, аксиомик предметлар ҳисобланмайди. Японияда бошланғич таълим мажбурий ва бепул бўлиб, машғуллотлар апрель ойида бошланади. Ўқув йили 3та чорак – триместрга бўлинади. 1-чорак – 6 апрелдан – 20 июлгача давом этади, кейин

³⁰ Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. <http://www.mext.go.jp> 7-9.

³¹ Sentoku's Vocational Education at a glance. E-Mail: books@bmbf.bund.de Internet: <http://www.bmbf.de> 13-17.

ёзи тавти бошланади. 1-сентябрдан 2-триместр бошланади ва 26 декабрча давом этади. 26-декабрдан 7-январчага кишли тавти бўлади. Охирги 3-триместр 7-январдан 25-мартча давом этади. 25-мартдан 6-апрелгача бахорги тавти бўлади. Шу пайтда ўқувчилар синфдан синфга кўчади. Чорак-триместрларнинг бошланиши ва тугалланиши турли мактабларда турли саналарга тўғри келиши мумкин.

ЯПОНИДА ЎРТА ВА КАТТА МАКТАБ ТАЪЛИМИ. КИЧИК ЎРТА МАКТАБДА ДАВОМ ЭТТИРИШИ ПОЗИМ. ЯПОН КИЧИК ЎРТА МАКТАБ – ТЮГАККО.

Бошлангич мактабни тугатган ўқувчи ўқиниши кичик ўрта мактабда давом эттириши поэим. Япон тили, математика, жамиятшунослик, этика, табиёт, мусика, санъат, махусе фаолият, жисмоний тарбия, техник махорат ва уй хўжалигини юритиш каби мажбурий фанлардан ташкари ўқувчилар чет тили, кишлок хўжалиги ёки математикадан чуқурлаштирилган курс каби фанларни танлашлари мумкин.

Кичик ўрта мактаб 3та синф 7,8,9-синфларни ўз ичига олади ва мажбурий таълимнинг охирги босқичи бўлиб хисобланади. Ўқувчилар ёши 12 дан 15 ёшгача бўлади. Худди бошлангич мактабдайдй, ўрта мактабнинг асосий қисми давлат тасарруфидя, 5%-хусусий. 2001 йил апрелдан бошлаб инглиз тили мажбурий фан бўлиб хисобланади.



Кўпчиликл ўқувчилар битта ёки бир неча мактаб тўғарақлари, кизикишлари бўйича клубларга қатнашадилар. Бу дарсдан кейин соат 18:00-гача иш кунлари, дам олиш кунлари эрталабқи вақтни эгаллайди.

Кичик ўрта мактабда ўтиладиган фанлар каторига инглиз тили, бир неча танлов фанлар қиради. Бу фанларнинг таркиби мактабларга боғлиқ. Энг кийин фанлар математика ва япон тили хисобланади.

Японликлар фарзандларининг энг яхши, юкори таълим олишини жуда хошлайдилар. Таълимга бундай қатта эътибор “дзюку” мактабларининг

наттилишига асос бўлди. “Дзюку” – нуфузли ўқув муассасаларига тайёрловчи махусе кечки мактаблардир. Бундай мактабларнинг аналоти ХVIII асрда япон черковидя пайдо бўлган, хозирги кунда дзюкулар сони 100 миндан ошди.

“Кичик дзюку”лар 5-6 ўқувчидан иборат бўлиб, ўқитувчининг уйидя чуқуullanadi. “Қатта дзюку”лар 5 минггача ўқувчиларни йиғади. Ўқинш бу мактабларда соат 16:50дан 20:50гача давом этади, дарслар душанбадан жумангача бўлади, хафталик назоратни одатда якшанба эрталабгача белгилашади.

Қатта (ўрта) мактаб мажбурий эмаслигига қарамай, Катта (ўрта) мактаб – қотоякко

тахсил оладилар (2005 йилги маълумот). Катта ўрта мактаб сони 55%ни ташкил этади, шунга қарамай давлат ва хусусий қатта мактаблар пуллиқ. Катта ўрта мактабнинг 1-йил учун дастури ҳаммага бир хил, лекин кейинги 2 йил ичидя олй таълим олиш мақсадига кўра курсни танлаш ичидяда тутилмоқда. Катта мактаб дастурлари ўрта мактаб ва бошлангич мактаб дастурларига кўра хилма-хил, лекин ўқувчиларга билимининг у ёки бу соҳасига интисосланиши бўйича имкониетлар яратилади³².



Қатта мактабларда ўқинш пулли, лекин давлат муассасаларидя арзонроқ. Пулли, хусусий ўрта ва бошлангич мактаблар ҳам бор. Барча пулли таълим муассасаларидя стипендиялар конкурси толиби бўлса, текин ўқинш мумкин ёки четирмалар олиш мумкин. Ўрта мактабдан қатта мактабга ўтинш имтихонлар натижаларига боғлиқ холда амалга оширилади. Ўрта мактабда ўзлаштириш кўрсаткичига кўра ўқувчи қиринш имкониети бор бўлган қатта мактаб рўйхатини олади.

Одатдаги давлат мактабларидан ташкари пулли хусусий мактаб-

академиялар (такўэнлар) бор. Шунингдек, умумдавлат мактаби мақомидаги “милий мактаблар” мавжуд. Бу академияга кириш учун катта конкурс асосида алоҳида имтиҳонлар топирилади. Бир тарафдан академияда яхши таълим дастурлари мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги олий мактаб ёки университетга кириш учун имконият беради.

Япония ҳукумати Оўёларни битирувчиларини ўқитувчи давозимига тайинлашда каттик танлов снѳсатини олиб боради.

Катта ўрта мактабда япон тили, математика, табииѳт, жамиятшунослик ва б. мажбурий умумтаълим фанларига кўшимча ҳолда ўқувчилар танлов бўйича фанларни тақриф қиладилар, бу инглиз тили, ёки бошқа чет тиллар, шунингдек, техник ва маҳсус фанлар бўлиши мумкин. 12-синфда ўқувчилар ўзи учун таълим профилларидан бирини танлаши керак.

Таълим, фан ва маданият вазирлиги кўрсатмасига кўра, катта ўрта мактабда билимларни баҳолашда Оўёо тизмидан фойдаланилади. Бу ҳар бир ўқувчи 12 йиллик ўрта таълимни тутатганлиги ҳақида гувоҳнома олиши учун 80 кредит (заѳт бирлиги)ни йитиши лозим деганидир. Масалан, япон тили ва замонавий япон адабиѳтини ҳар бир курсини ўрганиш натижалари бўйича 4та кредит берилади, япон тили лексикологияси бўйича 2 кредит, классик тили бўйича – 2 кредит.

Японияда касб-хунаар таълимини

Японияда катта ўрта мактабда ўқишни хоҳламаганлар 5 йиллик “техник коллеж”лар – касбий техника билим юртларига киришлари мумкин. Лекин бу ўқишларга кириш шунчалик оддий эмас, энг яхшиларидан жуда катта конкурс асосида қабул қилинади, чунки Японияда юкори малакали ишчилар жуда ҳам зарур.


Университет ўрнига 2 йиллик коллежга кириш мумкин, унда маҳсус таълим берилади. Бу коллежларда япон кизларининг 90% ўқийдилар ва аёллар касбини эшлайдилар: тиббиѳт ҳамшираси, болалар боғчаси тарбиячиси, болшантнч синф ўқитувчиси, юкори малакали уй хонимлари, актриса (сѳно).



Япония коллежлари ўз мақоми бўйича бизнинг ўрта маҳсус таълим муассасалари билан тенг. Улар кичик, технологик, ва маҳсус тайѳртарлик коллежларига бўлинади.

Кичик коллежлар гуманитар, табииѳ, тиббиѳт ва техник фанлар соҳасида тайѳртарликнинг икки йиллик дастурини тавсия қилади. Бу коллеж битирувчилари университетнинг 2 ёки 3-курсида ўқишни давом эттиришлари мумкин. Кичик коллежларга қабул тўлиқ ўрта мактаб базасида амалга оширилади. Талаб-орлар кириш имтиҳонлари ва ундан камрок “Биринчи босқич ютуқлари тести”ни топирадилар.

Япония университетларида ўқув жараѳинини ташкил қилишнинг ўзига ҳос хусусияти шундаки, умумийлий ва маҳсус фанлар аник бўлиб ўқитилади. Биринчи икки йилликда барча талабалар умумтаълим тайѳртарлигини оладилар. Бунда умумийлий фанлар: тарих, фалсафа, адабиѳт, жамиятшунослик, чет тиллари ўтилади, шунингдек, бўлажак касби бўйича маҳсус курсларни эштадилар. Илк икки йилликда талабалар танлаган касблари моҳиятига чуқурроқ кириш имкониятига эга бўладилар, ўқитувчилар эса – тилбоннинг касбларининг тўғри танлаганликларига ишонч ҳосил қиладилар ва илмий сдлоҳиятини аниқлашга эришадилар.



Тиббиёт ҳодимлари, стоматолог ва ветеринарлар 6 йил ўқишади. Асосий курсни тугатгач, бакалавр даражаси берилади: *gakushi*. Айрим мустасно ҳолатлардан ташқари битта университетдан иккинчисига ўтиш амалида йўқ. Лекин баъзи университетлар чет эллик талабаларни 2 ёки 3-курста қабул қиладилар, шунда талабаларни ўтказиш бўйича махсус имтиҳонлар ўтказилади (*transfer examination*).³³

Олий ўқув юртининг талқикот ишларига даёқати бор талабалари ўқишни магистратурада давом эттиради. Япон олий ўқув юртиларида, эркин тингловчилар, кўча талабалар, талқикотчи-талабалар ва коллежал талқикотчилар бор

ГЕРМАНИЯ ДАВЛАТИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Германия таълим тизими бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Элементар таълим: мактаб таълимининг 1-босқичига тегишли бўлиб, мактабгача муассасалар қиради. Асосан булар болалар боғчалари, тайёрлов синфлари ва кириш гуруҳлари бўлиб, бу ерларга болаларнинг катнашиши 3 йил давомида ота-оналар хоҳишига кўра ихтиёрийдир.

2. Таълимнинг биринчи босқичи. (*Primarstufe*) бошланғич мактаб, унга 6 ёшдан каттай бошлайди. Ўқиш муддати 4 йил, Берлин ва Бранденбургда 6 йил. Бу босқичдаги таълимнинг мақсади – болаларга таълим йилиг иккинчи босқичидати у ёки бу мактабда таълимни давом эттиришга имкон берувчи асосий билимларни беришдан иборат.

3. Таълимнинг иккинчи босқичи (*Sekundarstufe I*) “ўнатилиш босқич” деб номланувчи босқичдир, унда болаларни уларнинг иктидорига кўра ўқув

муассасаларининг керакли турига йўналтирилади: асосий мактаблар, реал мактаблар, гимназиялар, комплекс мактаблар. Ўқувчилар таълим ҳақидаги иттибатни реал ва асосий мактабларни битиргачгина олишади.

4. Таълим II нинг иккинчи босқичи (*Sekundarstufe II*)га гимназиянинг юкори синфлари, шунингдек касбий таълим ва муассасаларда касбий таълим қиради. Муассасаларда касбий таълим “дуал тизим” деб ҳам аталади, унда таълим ва ишлаб чиқаришда амалиёт 2 йил давомида олиб борилади, бу ўқишни тугатиш ўрта таълимни тугатиш билан тенг бўлиб, якунида факат касбий соҳада ўқишни давом эттириш мумкин. Гимназияда 3 йил ўқиб, ўқувчилар умумий шаходатнома “стуклик аттестати” – абитур оладилар, бу уларга истатан олий ўқув юртига киришга имкон беради.

5. Таълимнинг учинчи босқичи олий маълумот ҳақида диплом берувчи олий ўқув юртилари ва малака ошириш ўқув муассасалари.

Мактабгача таълим

Германия таълим тизимида муҳим босқич (*Kindergarten*)да амалга оширилади. Болалар боғчасига 3-6 ёшдан мактаб ўшигача боришади. Ривожланишдан орқада қолган ёки ёши мос босқичга етмаган болалар мактабгача синфларда (нем. *Vorklassen*) ва мактаблар қопидати болалар боғчасида (нем. *Schulkindergarten*) тахсил оладилар. Бу боғчалар алоҳида ФЕ қоидаига кўра ёки мактабгача секторга ёки бошланғич таълим секторига бўйсинади.

³³ Westbrook J., Duggan N., Brown R., Orr D., Pryor J., Boddie J., Savi F. (2013) *Teaching Practices and Teacher Education in Developing Countries. Final Report. Education Rigorous Literature Review*. Department for International Development, P. 434-444.

Мактабгача таълим мажбурий эмас, лекин қўлгана ривожланишда орқада қолган болалар учун мажбурий ҳисобланади. Болалар боғчалари таълимнинг қуйи босқичи ҳисоблансада, лекин у давлат тизими таркибига қирмайди. Боғчаларни маблаг билан таъминлаш турли жамоат ташкилотлари, хайрия бирлашмалари, корхоналари, хусусий шахслар, диний муассасалар зиммасида.



Германияда 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларнинг 80% боғчаларга катнайдилар.

Болалар боғчасида нутқ ўстириш, бола шахсини ривожлантириш, ижтимоий тарбия ва ўйин муҳим саналади. Ҳар йили 30-июн кўни 6 ёшга тўлган болалар мактабга боришлари шарт. Биринчи дарсгача бўлган муддатда улар тайёрлов машгулотларига боришлари шарт бўлиб бу дарслар бошланғич мактабларда ўтказилади ва бир неча номга эга:

- "Vorbereitungsjahr", "Vorschule", "Schulnachmittage".

МАКТАБ ТАЪЛИМИ Германияда мажбурий мактаб таълими 6 йилдан 19 йилни ўз ичига олади, демак мактабда таълим умуман олганда 13 йилни ташкил этади. Бу муддат тугагач, имтиҳонларни муваффақиятли топшириб бўлиб, ўқувчи битирув гувоҳномасини олади ва олий ўқув юртига кириш ҳуқуқига эга бўлади. Германияда ҳар бир мактаб ўз федерал Ери хокимиятига бўйсунади. Шу боис дастурлар, қондалар ва хатто ўқитиш давомийлиги мамлакатнинг турли федерал Ерида турлича.

ГФРда Федерал Ерлар таълим тизимининг асосий таркибий қисмлари учун жавоб беради. Барча давлат мактабларида ўқиш бепул. Ўқувчиларга қисман бепул ўқув қўлланмалар ва дарсликлар берилади. Диний фанларни ўқитиш мажбурий эмас. Ўқувчи 14 ёшда бу фанни ўқиш ёки ўқимаслигини ўзи танлайди. Мактабларда болалар ва кизлар аралаш ўқишади. Таълим спектри

Федерал Ерларнинг молиявий ёрдамидан фойдаланувчи турли ташкилотларнинг хусусий мактаблари билан тўлдириб борилади.

Германияда мактаб таълими қуйидаги мактаб типларига бўлинади:


1. Бошланғич мактаб (Grundschule)
2. Ўналиш мактаблари (Orientierungstufe)
3. Асосий мактаб (Hauptschule)
4. Реал мактаб (Realschule)
5. Гимназия
6. Умумий мактаб (Gesamtschule)
7. Махсус мактаб (Sonderschule)

Германияда ўрта Немис ўқувчилари бошланғич мактабни мактаб типлари: асосий, битиригандаридан сўнг умумтаълим мактабининг 2-реал, аралаш мактаблар поёнасига борадилар. 5 ва 6-синфлар, уларнинг

ташқилий жиҳатидан катъий назар, авваламбор, бола қамол топадиган давр бўлиб ҳисобланади, болаларнинг кейинги ўқиш шаклига йўналтириш мақсадида кузатув олиб борилади.

ГФРнинг байзи Федерал Ериларида мавжуд бўлган йўналиши босқич ("Orientierungsstufe") ота-оналарга, ўқувчи ва ўқитувчиларга II босқичдаги мактабга ўтишни ҳал қилувчи ишонарли асосни беришга мўлжалланган. Йўналтирувчи босқич мустақил ўқув муассасаси ёки II босқичдаги мактабининг I қисми сифатида ташкил этилган. Берлинда бу босқич бошланғич мактабининг 5-6-синф шаклида олиб борилади. ГФРда ўрта мактаблар 4та типга бўлинади: гимназиялар, реал мактаблар, асосий мактаблар, умумлашган мактаблар.

АСОСИЙ МАКТАБ Асосий ёки тўлиқ ҳалқ мактаби бошланғич мактабни битириб, реал мактаб ёки гимназияга бормадан барча ўқувчилар учун мажбурийдир. Бу мактабда охириги мажбурий синф 9-синф, боззи ФЕларда 10-синф ҳисобланади. Кўпчилик ФЕларда ўқувчиларга қўшимча 10-синфга эркин катнаш имкони берилган.



Асосий мактабнинг максоди — ўқувчиларни иккинчи босқич I доирасидати таълим ва касбий таълимни давом эттиришга тайёрлаш ва умумтаълим курсларига катнашишдир. Асосий мактабларда ўқувчиларни илгчи касби олами билан таништириш орқали касб таълимига ёрдамлаштиришга эътибор қаратилди. Асосий мактабда асосан энг қучсиз ўқувчилар, ижобий таъриф берганда, амалий кизиклишлари бор болалар қилишди.

Шунга кўра асосий мактабларда эътибор техник предметларга, чизмалар, кўл меҳнати, уй қоритиш, яъни, бўлажак касбий фаолият билан амалий боғланишга қаратилди. Бунга ўқувчиларнинг 8-синфда ўтқилиган амалиёти ҳам қиради. Хунурманчилик ва саноат муассасаларидати “хакикий” иш пайтида улар аниқ касбий талаблар билан танишдилар. Ҳозирги кунда Таълим вазирлиги асосий мактабни ислох қилиш зарурати ҳақида фикр билдирмоқда. Бунда асосий мактаб ўқитувчилари бошланғич мактаб ўқитувчилари каби ихтисосликка эга бўлишлари керак дейилди.

РЕАЛ МАКТАБЛАР

Реал мактаблар иккинчи босқич Iга қарашли бўлиб, одада 5-10 синфларни ўз ичига олади. 7-синфни битириб, реал мактабга ўтишни хоҳлаган асосий мактаб ўқувчилари учун реал мактабнинг алоҳида 3 синф варианты мавжуд. Реал мактаб юқори даражада кенгайтирилган умумий таълим беради ва ўқувчиларни мустақил фикрлаш, масъулият ҳисси, инсонларга раҳбарлик қилиш кўникмаларига юқори талаб қўйилган касб эгалари бўлиши учун касбий таълим курсларига тайёрлайди. Реал мактабларда ўқилиш юқори даражада олиб борилади, фанларни тизимлаштиришга катта эътибор берилади. Ҳафтада дарслари сони 30дан 34гача бўлади. Ўқувчи 10-синфни битиргач, реал мактабни битирганлиги ҳақида аттестат олади, бу касбий таълимнинг катор мактабларига, шунингдек,

гимназиянинг 3-та юқори синфи билан тенг типдаги мактабларга йўл очди.

ГИМНАЗИЯ

Гимназиялар умумтаълим ўқув муассасалари ҳисобланади. Унда ўқилиш 5-13-синфгача 9 йил давом этади. 11-13гача ўқилиганлар гимназиянинг юқори босқичи деб аталади. Иштихонларни муваффақиятли топириган гимназия битирувчиси олий ўқув юртига қилиш ҳуқуқини берувчи етуқлик аттестати олади.

Фан гимназияларига реал мактабни битирганлик ҳақидаги аттестат бўласида қабул қилинади. Бу гимназияларда таълим давомийлиги 3йил. Битирувчилар фан етуқлик аттестатини оладилар, бу эса маълум доирадаги фанларни ўрганиш учун олий ўқув юртига қилиш ҳуқуқини беради.

БИРЛАШТАШ

Бирлашган мактаб 5-10 (7-10) синфларни ўз ичига (қУМУМНИЙ) МАКТАБ олади. У иккинчи босқич Iга қарашли. Бирлашган умумий мактабнинг максоди: барча иккинчи босқич I мактаблари фанлари, курслари, битирув аттестатига талаблари билан бирлаштиришдир. У ўқув муассасалари ва иккинчи босқич II касбий таълим курсларига ўтувчи битирувчиларни тайёрлайди. Ундан ташқари, аксарият умумий мактабларда ўқилиш курслари мавжуд, уни муваффақиятли якунлаган ўқувчи олий ўқув юртига қилиш ҳуқуқини олади. Умумий мактабнинг иккита типни бор: кооператив, интеграциялашган мактаб.

Кооператив умумий мактабда асосий мактаб, реал мактаб ва гимназиялар биргаликда ишлайди. Ташқилий, методик ва дидактик жиҳатдан улар бир бирита қарам бўлмаган бўлимллар сифатида фаолият юритилади. Бу бўлимллар ўзаро ҳамкорлигининг тури ва даражаси ёш даврлари гуруҳларига боғлиқ. Кооператив умумий мактаб барча бўлимллар учун умумий педагогик раҳбариятга эга.

Германия таълим тизимида хунаар таълими олий таълим тизими муҳим аҳамиятга эга, чуқури юқори маалакли ишчиларга бўлган талаб қучилидир. Тўлиқсиз ўрта мактабни битирувчиларнинг 20% хунаар таълими тизимида билим олишни давом эттиридилар. Аксарият қолларда ўқилиш муддати 3-3,5 йилни ташқил этади. Ўқилиш 3 босқичдан иборат

бўлиб, биринчи йил асосий хунаар таълими берилади. Бунга ўқитиладиган касбга таълуқли махсус фанлардан назарий асослар берилиб, йирик корхоналарда амалий машғулотлар ўтказилади. Иккинчи йил давомида махсус хунаар таълими берилади. Ўқувчининг биринчи йилдан иккинчи йилга ўтишида снов имтихонлари ўтказилиб, ўқини давом эттирувчи ёшлар танлаб олинади. Учинчи йил давомида махсус хунаар таълими янада чуқурлаштирилиб борилади. Битирув имтихонлари махсус комиссия томонидан қабул қилинади.



Олий мактаб ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга. Олий ўқув юртини штабдаги ректор ёки бир неча йилга сайланган Президент бошқаради. Ўз-ўзини бошқаришда вазифалари аниқ тақсимлаб берилган бир неча турухларнинг босқичма-босқич иштироки принципита амал қилинади. Унинг таркибига профессор-ўқитувчилар, ўқувчилар, илмий ходимлар ва бошқа ходимлар қиради.

Германия олий таълим тизими олий ўқув юртлари турларининг кўпчилиги биган фарқланади. Германияда жами 383 олий ўқув юрти бўлиб, шулардан 103 таси университет, 180 таси амалий фанлар олий ўқув юртлари ҳисобланади. Биринчи олий маълумотни олиш яқин кунларгача немислар учун ҳам, чет эллик талабалар учун ҳам текин эди. 2007 йилдан бери баъзи олий ўқув юртлари талабалари ҳар семестрга 500 евродан тўлашлари кераклиги белгиланди (инфляцияни ҳисобга олиб ошиб бормоқда.)

Фарбий Европа Федерал ерларида муддатидан узок ўқиётган талабалар ўқини учун пул тўлайдилар. Таълим тизимидати бу ислохотлар конун бўйича йўлга қўйилган. Олий ўқув юртларининг кўпчилиги давлат тасаруфиди ва ҳукумат томонидан молиялаштирилади. 383 олий ўқув юртларидан 69 таси хусусий.

Олий ўқув юртларига кириш имтихонларисиз қабул қилинади, абитуриент учун энг муҳими мактаб ёки гимназияда кириш имтихонларини

муваффақиятти топиришдир. Нуфузли мутахассисликларга ўқиниша қабул қилишда абитуриент мактаб аттестатининг ўртача бали ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Университетлардати нуфузли мутахассисликларга ўринни тақсимлаш бўйича олий ўқув юртлари эмас, ZVS детан махсус бўлинма шуғулланади. Ўртача баллдан ташқари ZVS ижтимоий ва шахсий сабаблар, ногиронлик, оилавий аҳоли ва бошқаларни ҳам ҳисота олади. Агар ўртача балл етарли бўлмаса, абитуриентни навбатга қўяди. Бир неча семестр куттанидан сўнг унга университетдан ўрин беришади.

Германия доимий равишда университет рейтингларини аниқлаб туради. Бунда ўқитиш, педагог кадрлар даражаси, шунингдек, у ёки бу олий ўқув юртларини битириб, ишта жойлашш каби шарт-шароитлар ҳисобга олинади.

Германияда илмий-тадқиқотлар университетлар ва илмий ташкилотлар ҳамда корпоратив тадқиқот марказларида олиб борилади. Университетлардати илмий тадқиқотлар федерал бюджет, ФЕ бюджети томонидан ва ташкилотлар ажратган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади. Германияда илмий-тадқиқотлар шунингдек, 4та йирик илмий ташкилотларда олиб борилади. Булар Макс Планк жамияти, Гельмгольц жамияти, Фраунгофер жамияти ва Лейбниц жамиятларидир.

ГЕРМАНИЯДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Германияда университетлар ва институтлар; махсус ОўЮлар; педагогик ва теологик ОўЮлар; бошқарув ва санъат олий мактаблари; касбий олий мактаблар (академия) маъжуд.

Таълим босқичлари: Асосий таълим — 4 йил (педагогик таълим бундай мустақило — 3 йил). Амалиёт — 18 ой. Иккинчи тошпириш ва диплом олиш. Германияда немис ва чет эллик талабалар ўртасида нафақат университетлар, балки махсус олий ўқув юртиларига кхришни хоҳловчилар ҳам кўп. Бу махсус олий ўқув юртиларида 22000 чет эллик талабалар тахсил оладилар.



Махсус О'Ю (Fachhochschule)ларида ўқиш кискартирилган ва амалий вазифаларга йўналтирилган. Бундай О'Юларида муҳандислик иши, иктисодиёт ва менежмент, кишлоқ хўжалиги, компьютер мутахассислиги бўйича юқори билимлар олиш мумкин.

Университетлардан фарқи холда махсус О'Ю докторлик даражасини бериш ҳукукига эга эмас. Бу таълим муассасасини битиргач, *Diplomgrad* (2-босқич) берилади ва бу академик даража ҳисобланади.

Касбий академиялар (*Berufakademie*) маълум фанлар бўйича III босқич таълимини беради. Бу ерда таълим ишлаб чиқариш муассасаларида амалий тайёрларик билан бирга олиб борилади.

ЖАНУБНИЙ КОРЕЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Жанубий Корея таълим тизими яна битта бутунжаҳон тамойилини амалга оширади: бу таълим ва фан интеграциясидир. Дунё амалиётида ўқув муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларини ўз ичига олувчи академик конгломератлар самарали фаолият олиб боришмоқда. Бундай бирлашув илм ва таълим интеграциясининг аниқ асоси бўлиб хизмат қилади ва мамлакатда ягона илмий-техник ва таълим сиёсатини олиб бориш имкониятини беради. Олий ўқув юртилари ва илмий тадқиқот институтларининг кўшилиши бутунга кунда интеграциянинг энг самарали шакли ҳисобланади.

Лекин бу шундоқлигича нухса олиш шаклида эмас, балки янгиликларни

қабул қилиш билан бирга таълим ривожланиш босқичидати энг яхши анъаналар на кўлга киритилган ютуқларни сақлаб қолишни такозо этади³⁴.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ Жанубий Кореяда болалар боғчаси умумтаълим турига қирмайди. Ота-оналар фарзандларини хуусий мактабгача муассасаларга берадилар. Бу муассасаларда таълим корейс тилида, инглиз тилида, баъзиларида фақат инглиз тилида олиб борилади. Болалар боғчасига 3 ёшдан 5 ёшгача қабул қилинади. Кўпчилик болалар "мактабгача" тайёрларик олимпиадалари, яъни хуусий мактабгача муассасаларга бормасликлари, балки болалар боғчасига шунчаки боришлари мумкин.

БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ Жанубий Кореяда болалар (6 ёшдан олшган) 7 ёшдан 13 ёшгача бошлангич мактабга борадилар. Ўқиш муддати 6 йил, мажбурий ва бепул. Бошлангич мактабда қуйидаги 9 та фанлар ўқитилади:

- Корейс тили;
- Математика;
- Аниқ фанлар;
- Жаимият ҳақидаги фанлар;
- Чет тили;
- Тасвирий санъат;
- Музика.



Бошлангич мактаб корейс-часига "чхольн хаккё" деб номланар ва бошлангич таълим маъносини англатар эди.
1996 йил Жанубий Корея ҳукумати бу номни ўзгартди ва "Гукмин хаккё" деб номлади. Бу атама "фукеролик мактаби" деган маънони англатган.

³⁴Comparative Education Review. By the Comparative and International Education Society. 1994

Кореяда давлат тасаруфидagi бошлангич мактаблардан ташкари катор хусусий мактаблар ҳам мавжуд. Бу мактабларнинг ўқув дастурлари давлат мактаблари ўқув дастурларига бирмунча мос келади, лекин ўқитиш юкори даражада амалга оширилади. Масалан, кам сонли ўқувчиларга кўп ўқитувчиларнинг жалб этилиши, кўшимча фанларнинг киритилиши, умуман таълимнинг юкори стандартларга эътилиги ва х.к

Жанубий Кореяда Корея тилида ўрта мактаб "чунхакё" деб мактаб тизими: ўрта ва номланади ва "ўрта мактаб" маъносини беради. юкори мактаблар

ўрта мактабда таълим мажбурий, бепул ва 3 йил ўқитилади. ўрта мактабга 11 ёшдан ошган, 12 ёшдагилар қабул қилинади.

Машғулотлар 45 дақиқа давом этади. Бошлангич синфдаги 9 та фанга, ўрта мактабда яна 4 та фан қўшилиб, жами 13 та фан ўқитилади. Мактабда чет тилларига эътибор кучли. Кўпчилик инглиз тилида бемалол гапаша олади.



ўрта мактабда бир кунда 6 та фан ўқитилади, шунингдек, алоҳида махсус 7-дарс ҳам бор. ўқув дастурининг негизини куйдаги фанлар ташкил этади:

- Математика;
- Корея ва инглиз тили;
- Катор аник фанлар;
- "Кўшимча" фанлар куйдагилардан иборат:
- Санъат соҳалар;
- Жисмоний тарбия;
- Тарих;
- Ханча (хитой пероғлифи);

- Этика;
- Уй иқтисодини юритиш;
- Компьютер саводхонлиги.

Чет тилини ўқитишга ҳафтаига 4-5 соат ажратилган. ў киш ўрта мактабда бир йилда 1222 соатни ташкил этади. Кореялик ўқувчилар инглиз тилидан ташкари классик хитой тилини мажбурий равишда ўрнатадилар. Ундан ташкари жу да иродали ўқувчилар кураш турлари ва мусика мактабларига қатнашадилар. ўқувчилар шу тарика дарсдан кейин уйларида жу да кеч қайтадилар.

Кореячасига "кодунхакё" деб номланади.

Кореялик болалар юкори мактабга ўрта мактабдан кейин 17 ёшдан 1-курста қабул қилинади ва 19 ёшга тахсил олади. Юкори мактаблар бир неча турларга ажратилади:



Давлат юкори мактаблари: Корея Таълим ва техника фанлари вазирлиги, Маданият, Жисмоний тарбия ва сайёҳлик вазирлиги бошқарди; Умумий юкори мактаблар: хар бир вилоятдаги юкори ташкилотлар томонидан бошқарилади; Хусусий юкори мактаблар.

Шунингдек, юкори мактаблар ўқитиш фанларига кўра ҳам бир канча турларга бўлинади:

- Иқтисослаштирилган мактаблар (кишлоқ хўжалиги, саноат, дентиз хўжалиги, ахборот);
- Умумий мактаблар;
- Махсус мактаблар (лицей шаклидаги мактаб);
- Техника мактаблари;
- Чет тили мактаблари;

- Жисмоний тарбия мактаблари;
- Санъат мактаблари ва ҳ.

Жанубий Корея Республикасида таълим вазирлиги махсус ташкил этган юқори мактаблар ҳам бор. Булар асосан кишлоқ ҳўжалиги, баликчилик, саноат, халқаро тилларга ихтисослашган бўлади.

Коллежда тахсин олишни истаматан ўқувчилар касбий билим юртларига кириб ўқишлари мумкин. Бу билим юртлари технология, агрикультура ёки молия йўналишларига ихтисослашган. Юқори мактабларнинг жадвали хақида гапириладиган бўлса, ҳар бир ўқувчи учун кун ярмида қайтиб келиш одатдаги ҳолатга айланган.

Ривожланишдан орқада қолган болалар учун махсус мактаблар мавжуд. Бу мактабларнинг аксарияти хусусий ёки диний ташкилотларнинг хайрия маблағлари ҳисобига қурилган.

Мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам катта эътибор берилди. Кореядаги барча талабаларнинг 6,5% бўлажак педагоглардир. Мамлакатда 11 та ўқитувчилар тайёрлайдиган коллежлар мавжуд ҳар бир провинция (вилоят) ўз коллежига эга. Юқори мактаб битирувчилари “суцен” деб номланувчи стандарт тест топширадилар. Мактаб ўқув дастурлари кириш тестлари – имтиҳонлари мазмунини қамраб олган. Суцен 3 та асосий секция / фанлардан иборат: корейс тили, математика ва инглиз тили. Ундан ташқари табиий ва ижтимоий фанлардан танлов асосида қатор фанлар киритилади. Бундай тест 1 йилда 1 марта топширилади, у интенсив тайёрларлиқни талаб этади. Бу тестга бўлажак ОўЮ талабалари бегча ёшдан тайёрланишни бошлашади. Тестни топширолмаган ва коллежга кириш 1 йилга суртилган ўқувчиларни “несусенлар” деб аташади.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ВА ОЛДИН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Жанубий Кореяда олий маълумотга эга бўлиш ҳар бир корейс фуқаросининг кейинги мавқеи муваффақияти учун жуда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бу мартабали таълим муассасаларига ўқишга киришга бўлган эҳтиёж ҳам катта. Жанубий Кореяда

эътибор кўпроқ математика, корейс тили ва инглиз тилларига, аниқ фанларга ва жамият билан боғлиқ фанларга қаратилади.

Жанубий Корея аҳоли ўртасида талабалар сонига кўра дунёда биринчи ўринларда туради. “Таълим тўғрисида”ги қонунга кўра барча ОўЮ. давлат тасарруфидати ва хусусий таълим вазирлиги ва меҳнат ресурсларини ривожлантириш хизмати томонидан бошқарилади. Бошқа меҳнатчилар бўйича университетлар Корея Университет таълими кенгаши томонидан таънади.



Жанубий Кореяда кўйидаги таълим муассасалари турлари мавжуд:

- Коллеж ва университетлар (хусусий ва миллий, давлат тасарруфидати);
- Индустриал университетлар;
- Педагогика институтлари;

БАКАЛАВРИАТ. Ўқиш муддати 4 йил. Талабалар 140-150 кредит соат итрофида тахсин олади. Тибиёт соҳасида ўқиш 6 йил давом этади ва 180 кредит соат ўқишади. Ўқиш тугатгач, бакалавр даражасини олганлиги хақидаги диплом берилади. Типик йирик корейс университетлари таркибига 10 тадан 20 талча факультетлар бор. Факультетлар америкача термин билан “қолпихлар”, яъни корейсча “тэхак” деб аталади. Кореяда ўқув жараёнига ахборот технологияларини жорий қилишга алоҳида эътибор берилади. Натижада Жанубий Корея дунёда ўз мактаб ва таълим муассасаларини компьютер ва интернет билан тўлиқ таъминлаган иккинчи давлатга айланди.

МАГИСТРАТУРА. Ўқиш муддати 2-3 йил. Ўқиш якунида талабалар диссертация ёздайди. Тибиёт соҳасидаги талабалар Тибиёт мактабининг барча талабаларини бажариб, миллий имтиҳон топширадилар. Ўқиш якунида

магистрлик даражаси берилади.

ДОКТОРАНТУРА. Ўқш муддати 3-4 йил. Ўқш якунида докторлик диссертациyasi химо килинади, оғзаки ёки соҳага мос имтиҳон топирилади.

5-чизма.

№	Боскичлар	Ўқш давомийлиги	Мажбурийлиги
1	Бошлангч мактаб	6 йил	Ҳа
2	Ўрта мактаб	3 йил	Ҳа
3	Юкори мактаб	3 йил	Йўқ
4	Касбий таълим(коллеж)	2 йил	Йўқ
5	Олий таълим(университет)	4 йил	Йўқ

4. Белгия таълим тизими³⁵

№	Таълим боскичлари	Еш
1	Бошлангч мактаб	6-12
2	Ўрта мактаб	12-16
3	Ўрта касбий мактаб	16-18
4	Олий мактаб	18-23

Мактабгача таълим.

Белгияда мактабгача таълим 2,5 ёшдан бошланади. Ушбу белгиланган ёшта етганда болаларни мактабгача беришади, шу сабабли турухдаги болалар сони йил давомида ўзгариб боради. Мактабгача турухларининг асосий максасди:

³⁵ National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.- 9 p


болаларнинг билиш, билим орттириш (когнитив), коммуникатив ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳисобланади.



Мактабгача таълим мажбурий таълим дастурига киритилмаган бўлсада, Белгияда тахминан 90%гача бўлган болалар унда тахсил олишади. Кўп ҳолларда мактабгача таълим муассасалар бошлангч мактабларга уйғуллашган бўлади. Болалар 6 ёшта етганда бошлангч мактабнинг биринчи синфига ўқишга киради.

МАКТАБ. Мактаб таълими даври 2 та – бошлангч ва ўрта мактаб боскичига бўлинади. Бошлангч мактаб, ўз навбатида, 3 та 2 та синфли боскичдан иборат. Бу даврда болалар арифметика, ўқш, ёзиш, мусика, тарих ва билим бошқа фанлардан таълим олишади. Дарслар 8.30 да бошланиб, 15.30 гача давом этади. Соат 12.00 дан 13.00 гача тушлик учун танаффус берилади. Чоршанба кўни тушликдан сўнг, шанба ва якшанба кўнлари дам олиш кўнлари ҳисобланади.

Профессорлари фламанд мактаб дастурига биринчи ёки иккинчи синфли болалар, француз тилини ўқитиш киритилган. Қолган фламанд мактабларининг кўп қисмида бу фан бошлангч мактабнинг 3-боскичига ўргатилади. Мамлакатнинг француз тилида сўзлашувчи қисмида ўқувчининг хоҳишига кўра инглиз ёки нидерланд тиллари ҳам ўргатилади.



Герман тилида сўзлашувчи қисмида француз тили мажбурий тарзда ўқитилади. Шунингдек, Белгияда, белгиланган ижтимоий турух (деңгизчи ва дипломатлар болалари)га йўналтирилган катор хусусий мактаблар ҳам фаолият

кўрсатади.

Ўқувчилар бошланғич мактабни тутатиб, худди шундай 3 та 2 йиллик босқичдан иборат ўрта мактабга ўтадилар. Бу босқичда ўқувчилар фанларни маълум гуруҳлар орасидан танлашлари шарт бўлади ва бу танлов маълум даражада уларнинг дарс жадвалини аниқлаб беришга асос бўлади. Дарс жадвалидан бу танланган фанлардан ташқари ҳамма учун мажбурий фанлар ҳам жой олган. Масалан, давлат тили ва жисмоний тарбия фанлари ва ҳоказо.

Белгия ҳудудида 4 типдаги ўрта мактаблар фаолият юритади:

Умумий таълим берувчи ўрта мактаб (Алтемсен Сесундаир Ондервижс, (АСО)). Мазкур типдаги муассасалар ўқув дастурида мактаб битирувчиси 6 йил туллик таълим олиб, ўқишни олий ўқув юртида давом эттириши кўзда тутилган.

Техник ўрта мактаблар (Течнисч Сесундаир Ондервижс, (ТСО)) иккита: ТТК ва СТК каби “типча”га бўлинади. И “типча”даги мактабларда таълим техник жиҳати томонига йўналтирилган, ИИ “типча”га - амалий муассасаларга ихтисослашган.

Касбий-техник ўқув юртилари (Бероенс сесундаир ондвервижс (ВСО)) дурагдор, заргар, гишт терувчи (қурувчи) уста каби ўзига хос мутахассисликлар бойича таълим тақсиф этишади. ВСО — факат белгия ўрта таълимида мавжуд бўлган таълим муассасаси типидир, бундан кейин олий таълим олиш имконияти кўзда тутилмаган.

Ўрта бодий таълим муассасалари (Кунст сесундаир ондвервижс (КСО)). Ушбу ўқув юртлар санъат соҳаси бойича олий маълумотга эга бўлиш учун университет ёки коллежга ўқишга кириш учун талабаларни тайёрлайдилар. Танланган йўналишига қараб, актерлик маҳорати, хореография, мусиқа ёки тасвирий санъат услувор бўлиши мумкин.

Белгияда олий таълим: университетлар ва олий мактаблар.

Белгия олий таълими ўзининг кўҳна анъаналарига эга. Ўқитиш жараёни ва замонавий илм-фанни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларни ўтказиш ўртасидаги боғлиқлик Белгия

таълим тизими учун анъанавий ҳисобланади.

Белгия таълимига француз, фламанд ва немис ҳамжамиятлари жавобгар. 6 йилдан 16 ёшгача ва кечки мактабларда 18 ёшгача бўлган барча болалар учун таълим мажбурий ва бепулдир.

УНИВЕРСИТЕТ ТИПИДАГИ ЎҚУВ ЮРТЛАР ВА ОЛИЙ МАКТАБЛАР



1970 йил 7 июлдаги қонунга мувофиқ ООЮлар университет типдаги ўқув юртлар ва Олий мактабларга бўлинади. Аслини олганда 7 та Белгия университети фаолият юритади: Льеж давлат, Монсе-Енодаги Университет, Гент давлат, Брюссель эркин (француз тилида ва алоҳида фламанд), Лувен католик (француз тилида ва алоҳида фламанд).

Улар каторида бир неча хорижий университет бўлиmlари (Брюссель ва Антверпенда), ҳамда университетга тенглаштирилган катор Белгия ООЮ (о)дагдда улар университет факультети, марказ, бирлашма ёки жамғарма номларига эга) фаолият юритади.

Курс		Даража	
(Таянч)-Базавий	2 йил	кандидат (таълимнинг бошқа тизимида бакалавр дипломига мос келади)	
Асосий	3 йил	лицензиат (таълимнинг бошқа тизимида магистр дипломига мос келади)	
Кўшимча	2 йил	доктор (мутахассис)	
Олий	2 йил	олий таълим атрежеси	

"кандидат" даражаси - 2 ёки 3 йиллик таънч таълим олгандан кейин бериллади. Бу 1-цикл хисобланади (кейин эса таълимнинг 2-цикли, яъни ихтисос (соха) бойича тайёрлаш бошланади;

"лицензиат" - бакалавр даражасига мос келади, мутахассислиги бойича 2 ёки 3 йиллик кўшимча таълим олиши ва илмий иш ёзганидан кейин бериллади.

Бавзи фанлар бойича кўп муддатли ўқишдан кейингига ушбу даражага эришиш мумкин: мухандислик, фармацевт, хукук сохалари бўйича мутахассисликлари учун - 3 йил ёки медицина, жаррохлик ва доялик (акушерлик) ихтисослиги бўйича доктор унвонига эга бўлиши учун 4 йил ўқишлари шарт.

"доктор" - магистр даражасига тўғри келади, мазкур даражага "лицензиат" даражасини олгандан кейингига камиди яна 1 йил тахсил олиб, диссертацияни ёзиб, албатта уни ёқлаш талаб этилади.

"олий таълим афреже"си - ушбу иерархия (кетма-кетлик)нинг олий даражаси хисобланади ва у докторлик даражасини олиб, 2 йил муддат ўтишидан кейингига берилиши мумкин.

ФРАНЦИЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ³⁶

Францияда таълимнинг асосий максади шахсни хар томонлама камол топишини таъминлаш, уни мустақил фаолиятга тайёрлаш, бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларни тадбиркорликка ишбилармонлик ва омиликорликка ўратиш шунга яраша касб-корга эга қилишдан иборатдир. Бу ерда:

1. Давлат мактаблари.
2. Хусусий мактаблар.
3. Оралик мактаблар мавжуд.

Франция бошлангич таълим мактабларига 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган

болалар жалб қилинадилар. Бошлангич мактаб бепул ва мажбурий. Унинг низифеси ўқиш, ёзиш хисоблаш малакасини беришидир. Ўқув машғулотилари орталаб соат 9 дан 12 гача ҳамда соат 14 дан 16 гача 5 соат давом этади.

Мактабда овқатланиш пуллик лекин жуда арзонлаштирилган нархларда. Бошлангич синфларда ўқиш уч босқичда амалга оширилади:

1. Тайёрлов босқичи;
2. Элементар курс (бу босқич икки йил давом этади);
3. Чуқурлаштирилган босқич.

Ўқув дастурининг мазмунини бевосита ўқитувчининг ўзи белгилайди. Ёнр сўз билан айтганда ўқитувчи болалар билимига тўла масъул экан унинг услуб танлашига мустақил ҳаракат қилишига ҳам тўла эркинликлар бериллади.

ТАЪЛИМ ТИЗИМЛАРИ. Франция таълим тизимининг дастлабки босқичини мактабгача тарбия ташкил этади. Бу босқични "Оналар мактаби" деб ҳам юритилади. Бундан кўзланган асосий максад болаларнинг мактабдати шароитини ўз шароити билан ақинлаштириш, уларга оиладагидек илик муносабатни шакллантиришдан иборат. Уларни мустақил ҳолда ҳамм, мактабларнинг бошлангич синфлари базасида ҳам ташкил этилган. Франция таълим тизимида болаларнинг гўдақлик чоғиданок мактабда ўқитиш учун тайёр ҳолда олиб келиш гоат муҳим масала хисобланади.

Мактабгача тарбия босқичида тарбияланувчилар куйидагича таъбиқалаштирилган:


Кичик гуруҳ 2 ёшдан 4 ёшгача;
Ўрта гуруҳ 4 ёшдан 5 ёшгача;
Катта гуруҳ 5 ёшдан 6 ёшгача.

5-6 ёшлилар мактабга тайёрлов гуруҳи бўлиб, уларга Францияда 100 фоз шу ёшдаги болалар камраб олинган. Болаларни мактабга тайёрлаш учун яноҳида дастур ва дарсликлар мавжуд.

БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ.

Францияда бошлангич мактабларга 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб қилинадилар. Бошлангич таълим барча учун мажбурий ва бепул.

³⁶National Student Fee and Support Systems in European Higher Education, -20 p



Бошлангич таълимга қўйилган асосий талаб ўқувчиларга ифодали ўқиб, ёзиш, ҳисоблаш малакасини беришдан иборатдир. Францияда таълим олаётган чет эл фуқаролигига мансуб кишиларнинг фарзандларига ўларнинг ватани, халқи, тарихи, тили ва алаббейтини ўргатиш учун факультатив курслар ташкил этиш ҳам қўзда тутилган.

Бошлангич синфларда ўқиб 5 йил бўлиб, ўқиб 3 босқичга бўлинади:

- Тайёрлов босқич - 1 йил. Бунда болалар ҳисоблашга, ўқиб ва ёзишга, қўйлашга, ўйлашга, табиат манзараларини томоша қилишга ва ундан баҳра олишга, жисмоний машқлар билан машғул бўлишга мактабнинг турли спорт тадбирларида иштирок этишга, меҳнат қилишга ўргатиладилар. Ўқиб машғулотилари эрталаб соат 9 дан 12 гача, ҳамда соат 14 дан 16 гача 5 соат давом этади. Овақт пуллик, лекин жуда арзонлаштирилган.

- Иккинчи босқич -элементар курс бўлиб, бу 2 йил давом этади. Тайёрловдаги билимлар янада такомиллаштирилади. Тайёрлов бўлимида бир ўқитувчи ишласа, элементар босқичда 2 ўқитувчи (ҳар бири бир йилдан) ишлайди.

- Учинчи босқич- чуқурлаштирилган босқич. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов ва элементар босқичдаги билимлари янада чуқурлаштирилади. Дастурларда ўқув предметларининг барчасига уч босқич бўйича аниқ, алоҳида- алоҳида талаблар қўйилади.

ЎРТА ТАЪЛИМ.

Ўқувчилар 11 ёшдан ўрта мактабга ўтадилар. Ўрта таълим коллежлар ва лицейларда амалга оширилади. Ўрта таълим 2 босқичда берилади. Биринчи босқич (11 ёшдан 15 ёшгача) 4 йил бўлиб, энг кичик синф 6-синф, 5,4-ўрта, 3-синф энг катта синф ҳисобланади. Биринчи босқичда француз тили ва

алаббейти, чет тили (инглиз, немис, испан, италян тиллари), тарих, география, математика, табиий фанлар ўқитилади.

Биринчи босқич якунлангач, ўқувчилар касбий йўналдишлари бўйича гувоҳнома оладилар. Иккинчи босқичда ўқувчилар 15-18 ёшда таълим оладилар. Бунда ўқиб 3 йил давом этиб, 2-синф киши, 1-синф ўрта ва якуловчи синфларга бўлинади.



6-5-синфлар умумий ўрта таълим беради, 4-3синфларда ўқувчиларнинг қобилияти ва мойиллигига қараб билим берилади.

Гувоҳнома олгандаридан сўнг олий педагогика институти, политехника институти, олий маъмурий мактабларга имтиҳон билан қолган олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ.

Францияда қўйидаги билим масканларида олий таълим берилади:

- Университетлар
- олий технология мактаблари
- олий муҳандислик мактаблари
- олий архитектура мактаблари
- олий тижорат мактаблари
- сиёсий фанлар олий мактаби
- олий педагогик ва филология билимгоҳлари
- олий тиббиёт ўқув муассасалари
- олий бадний мактаблар
- малака ошириш олийгоҳлари.

Олий таълимда уч циклда билим берилади. Биринчи цикл умумий, ёки техник, илмий соҳада олий маълумот олиш билан якунланиб, ўқиб 2 йил давом этади. Иккинчи циклда ўқиб 1 йил давом этиб, талабалар уни метриз, магистр

даражалари билан яқунлайдилар. Учинчи цикл 1-2 йил давом этиб, бунда:

-бирон-бир предметни чуқурлаштириб ўрганилганлиги учун диплом(бир йил);

- ихтисослаштирилган олий маълумот тўғрисида диплом (бир йил);

- учинчи цикл докторлик диссертацияси (1,2 йил);

- давлат докторлик диссертацияси - бирон-бир соҳани муҳаммад ўрганиб, диссертация ёзиш каби ҳужжатлар олиш мумкин.

Сиртки таълим. Францияда сиртки таълим 1 млн кишини камраб олиш мумкин. Сиртки таълим хусусий ёки давлат таълим шохобчаларида амалга оширилиши мумкин. Мамлакатда миллий сиртки таълим маркази фаолият кўрсатмоқда, у 500 турдаги ўрта, олий профессионал маълумот беришни тавсия эта олади. Одатда таълимнинг бу тури оилавий шароит, ихтисодий шароитлар туфайли мактабда ўқишни давом эттириш имконияти бўлмаган кишинлар учун мўлжалланган. Сиртки таълим катта ёшлилар узлуксиз таълимнинг муҳим шохчаси бўлиб қолган.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Дидактика тушунчаси. А.Ретке ва Я.А.Коменскийнинг таълимга қўшган ҳиссаси.
2. Таълим стратегиялари. Блум таксаномияси.
3. Ҳамкорликда ўқитиш. Конструктивизм.
4. Таълим мазмуни, ташкилий шакллари, метод ва воситалари.
5. Ривожланган мамлакатлар таълим тизимининг ўзига хосликлари.
6. Япония таълим тизими.
7. Жанубий Корея таълим тизими.
8. Франция таълим тизими.

4-МАВЗУ. ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГ МОДЕЛИ

4.1. Педагог шахси. Педагогта қўйиладиган замонавий талаблар.

4.2. Сифатли ўқитувчи тушунчаси. Роберт Гленнинг “Ўқитувчилар нима қилиши керак?” номи асари.

4.3. Замонавий педагог модели.

4.1. Педагог шахси. Педагогта қўйиладиган замонавий талаблар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури рақобатбардош кадрлар тайёрловчи педагогта қўйиладиган замон талаблари мажмуини белгилайди. Бир-бирига боғлиқ бўлган талабларнинг мажмуи, педагогнинг умумлаштирилган моделини ташкил этади. Умумлашган модельга мувофиқ ўқитувчига қўйиладиган асосий талаблар қўйиладиганлардан иборат: таълим бериш маҳорати; тарбиялай олиш маҳорати; ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсий фазилатлари; таълим олувчиларнинг билимларини ҳолисона баҳолай олиш ва назорат қила олиш маҳорати ва ҳ.к.

Умумлаштирилган моделининг доирасидаги маънавий замон талаблари педагог «қийфа»сини ифодалайди.



Кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш муаммосининг самарали

ёчим, биринчи навбатда, ҳозирги кун талабларига жавоб бера оладиган психология, педагогика, ихтисодиёт, экологик маданият, ҳуқуқшунослик ва шунга ўхшаш бошқа фанларнинг билим асосларини чуқур биладиган профессионал малакага эга бўлган ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган ўқитувчи кадрларнинг тайёрланиши билан боғлиқдир.


Олиб борилган кузатишлар ва АҚШ, Германия, Япония, Франция ва бошқа сановати ҳамда интеллектуал билимлари ривожланган мамлакатларнинг таърибаси шунга кўра турибдики, юқори малакали ва рақобатбардор кадрлар тайёрлаш, асосан, куйидагиларга боғлиқ бўлар экан:

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро самарали алоқадорлигига;
 - таълим муассасалари ва профессионал таълим дастурлари турларининг (типларининг) хилма-хиллиги, уларда фан ва техниканинг энг охириги ютуқлари, иқтисодиёт ва технологияларнинг энг юқори андозалари ва кўринишларикай даражада акс эттирилганлигига;
 - профессионал таълим тизимини устувор ва фойда келтирувчи иқтисодий тармоққа айлантиришга;
 - таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш ва уларнинг моддий-техник асосини яратиш ҳамда уларнинг молиявий кўрсаткичларини мустахкамлашга;
 - профессионал таълим тизимига энг юқори малакали ўқитувчиларни ва мутахассисларни жалб этишга;
 - ўқув жараёнини информатизациялаш ва компьютерлаштиришга;
 - кадрларни тайёрлашнинг сифат баҳосини ва объектив назорат тизимини кўлашга;
 - шахснинг ривожланиши, ўлчови, сифат ва ҳулиқини, қобилият ва интеллектини баҳолаш ҳамда касбий маҳорати муаммоларига бағишланган психологик-педагогик изланишларни бажаришга;
 - ўқитувчиларни юқори даражада моддий рағбатлантириш ва уларни иқтисодий ғимоялаб туришга.
- Бутунги кун мутахассиси ҳар томонлама ривожланган юқори даражадаги интеллекта эга бўлган, фан асосларини чуқур ўрганган билимдон, зукко, доно, фидойий, маърифатли ва маънавиятли инсон бўлиши керак. У ўз мутахассислиги, масалан, иқтисодчиликдан ташқари, хорижий тиллардан бирини билиши ҳамда АҚТ дан фойдалана олиши шарт.

Замонавий педагог юқори маданиятли, ҳалқимиз тарихини чуқур билидиган ва унинг келажаги учун жон куйдирадиган инсонлар ва олийжаноб киши бўлиши керак.

Узлуksиз таълим тизимини

амалга ошириш жараёнида ёш авлодни кўнгилдагидек ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида гап борар экан, бундай ғоят мураккаб ва кўп қиррали вазифани факат юксак малака ва педагогик маҳоратга эга



бўлган ўқитувчи кадрлар билангина амалга ошириш мумкинлигини таъкидлаш лозим.

Шундай экан, ўқитувчилик-катта санъатдир. Бу санъатта у ёки бу педагог осонгина, ўз-ўзидан эриша олмайд. Шунинг учун, ўқитувчилик касбига, яъни соғлом авлод учун чинакам мураббий бўлишга ҳаваси, иштиёқи зўр, замон талабларини тез ва чуқур тушунадиган, ўзининг илмий, иқтисодий-сиёсий савиясини, педагогик маҳоратини изчиллик билан амалга ошириб борувчи, мустақиллик ғояси ва мафқураси билан пухта куроллантрилган, ҳақиқий интанпарвар ва меҳнатсевар кишиларгина эриша оладилар.

Педагогик маҳорат тўғма талант ёки наслдан-наслга ўтувчи хусусият эмас, балки унинг негизда изланиш ва ижодий меҳнат ётади. Шунинг учун ҳам педагогик маҳорат ҳамма ўқитувчилар учун стандарт, яъни бир қопилдаги иш усули эмас, балки у ҳар бир ўқитувчининг ўз устида ишлаши, ижодий меҳнати жараёнида ташкил топади ва ривожланади.



Ислом Абдуғаниевич Каримов
(1938-2016)

Ўзбекистон Республикасининг
биринчи Президенти

*“Азгир, дунё иморилари ичида
энг улуси мактаб бўлса,
касбларнинг ичида энг шарафлиги-
ўқитувчилик ва мураббийликдир”³⁷*

Ҳазил мулкининг султони, икки дарё бўйидаги захматкаш халқини яққалам қилган Алишер Навоий ранж ила бир харф ўргатган устозлар хизматини юз ганж ила адо этиб бўлмаслигини ёнган ва ҳаётда ўз устози мавлоно Лутфийга бўлган эҳтиромида унинг амалий исботини намён этган. Шу бонидан, азал-азалдан бу касб жуда эъзозли ҳисобланган. Таълим-тарбия жараёнларидаги муваффақият уларнинг фаол иштирокчиси-ўқитувчи шахсига кўп жихатдан боғлиқ.


Ўзбекистон Республикасида ҳам ўқитувчи кадрларнинг маънавий киёфаси, ақлий салохияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўйилмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги фикри ибратлидир: “Тарбиячининг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, маънасини ошириш катти пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келимудамиз. ...ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин деб талаб қиламиз, амо замонавий билим бериш учун, аввало мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак.

...мактаблардаги жараёнларда ўқитувчи хушроқ. У боладан факат ўзи тўқунтирадиган нарсани тўқунтириб олишни талаб қилади. Принципи ҳам тайёр: “Менинг айтганим айтган, деганим деган”³⁸.

³⁷ И.Каримов. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” Т. Ўзбекистон – 1999. 25-бет.

³⁸ И.Каримов. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” Т. Ўзбекистон – 1999. 25-бет.

ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларидаги мажбурий итоткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши жуда кийин кечаяпти. Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин афсуски, амалда, тажрибамизда унга рияз қилмаймиз”³⁹.



Юқорида қайд этилган фикрлардан бутунги кун ўқитувчиси шахсига нисбатан қўйилаётган талаблар мазмунни англайлади. Замонавий ўқитувчи қандай бўлиши лозим?

Ўқитувчи маҳсус педагогик, психологик ва мутахассислик маълумоти ва методик тайёрликка, шунингдек, юксак ахлоқий ғазилатларга эга шахс саналади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонунининг 5-моддаси 7-бандига мувофиқ педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳуқуқига асосан маън этилган шахсларнинг таълим муассасаларида фаолият олиб боришларига йўл қўйилмайди.

Замонавий ўқитувчи шахсига қуйидаги ғазилатлар намён бўла олиши керак:

³⁹ И.Каримов. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” Т. Ўзбекистон – 1999. 25-бет.

1. Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ҳамда бу борада ўқувчиларга тўғри, асосли маълумотларни бериб бориши лозим.

2. Замонавий ўқитувчи илм-фан, техника ва технология янгиликлари ва ютуқларидан хабардор бўлиши талаб этилади.

3. Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур ва пухта билимга эга бўлиши, ўз устида тинимсиз ишлаши ва изланиши лозим.

4. Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиши, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолият таъкили этиши керак.

5. Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида энг самарали шакл, метод ва бошқалардан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи даркор.

6. Ўқитувчи ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлиши шарт.

7. Ўқитувчи юксак даражадаги педагогик маҳоратга, чунончи, коммуникативлик ласқатига эга бўлиши, педагогик техника, нутқ, оз, кўл-оёқ ва таъда ҳаракатлари (мимика, жести, пантомимика) қонуниятларини чуқур ўзлаштириб олишти эришиши лозим.



8. Ўқитувчи юксак нутқ маданиятига эга бўлиши ва унинг нутқи бир катор сифат ва хусусиятларга эга бўлиши керак.

9. Ўқитувчи кийиниш маданиятига (солда, озода ва бежирим кийиниш, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг диққатини кўп жалб этувчи турли хил безаклар (кимматбаҳо тақинчоқлар ва ёркин рангли пардоз-андоз воситалари) дан орттиқча ва ўринсиз фойдаланмаслик, фасл, ёш, таъда тузиниши, оз киёфаси, ҳатто соч ранги ва турмагига мувофиқ равишда кийинишга одатланиш қабилар) эга бўлиши лозим.

10. Ўқитувчи шахсий ҳаётда пок, атрофдагиларга ўрнатқ бўла олиши лозим.

Ўқитувчи шахсининг мақур талабларни ўзида акс эттира олган ички ва таъки киёфаси унинг ўқувчилар ва ҳамкасблари ҳамда ота-оналар ўртасида оёрў-эътибор қозонишини таъминтайди.

4.2. Сифатли ўқитувчи тушунаси. Роберт Гленнинг "Ўқитувчилар нима қилиши керак?" номли асари

Ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти самарали бўлиши учун зарур бўлган қобилиятлар таъимини: билим, болани тушуна олиш, қузатувчанлик, нутқ маляакаси, ташкилотчилик, қелажақни кўра билиш, диққатни тақсимилаб олиш, вазиятни тўғри баҳолаш, юзата қелиш эҳтимоли бўлган ҳар хил илдиятларни ўз вақтида бартараф этиш, ўқувчиларни билим олишти қизктириш қабилар таъкили этади.

Бўлажақ ўқитувчиларнинг қуйидаги вазифаларни муқтазам бажариб боришлари орқали амалга оширилади:

1. Бўлажақ ўқитувчилар педагогик маҳоратнинг назарий ва методологик асослари билан қуроллантирилади.

2. Бўлажақ ўқитувчилар миллий урф-одат ва анъаналаримизда ва ўрта Осиё мутафаккирларининг бой ижодий меросларида акс этган педагогик маҳорат сирларини муқтақил эгаллашти нисбатан ўзларида эҳтиёж ва ҳавасни ривожлантириб боради.

3. Эгалланган педагогик-психологик ва методик билимлар, қўнма ва милликалар тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳар бир бўлажақ ўқитувчи ўзининг шахсий педагогик маҳоратини шакллантиради.

4. Ўқув-тарбиявий жараёни жаҳон андозларига ҳос сўнпти замонавий метод ва шакллар асосида таъкили этиш ва бошқариши амалга оширинишнинг назарий ва амалий асосларини муқтазам ўзлаштиради.

5. Ўқитувчилар ўз касбий маҳоратларини такомиллаштиришлари учун шахсий-ижодий малака оширишнинг шакл, усул ва воситаларини эгал-лайдилар.

6. Тарбиячи маҳоратининг моҳияти, функсияси, тўзилиши тўғрисида ўқитувчилар узлуksиз маълумотларни ўрганиб борадилар.

7. Юксак замонавий ахборот технологиялари ва портал тизимидан эркин фойдаланиш асосида ўз касбий маҳоратларини шакллантиридилар.

Нимани танлашдан катъий назар педагогик андоза ёки ўқитувчининг стратегиясини, ҳосил қиладиган таъкикот намойиш қилади. Ўқитувчинини сифатлари ва маҳорати – талабалар ўрганишининг таъинч доминанти.

“Ўқитувчининг сифатлари – ягона ва энг катта омил талабаларнинг ютуқларини тушунтиришда, аудитория боғланган муаммолардан ҳам ортиқроқ, шу каби ресурслар, ўқув режани бошқарадиган принциплар ва баҳолаш усуллари, ёки кенг мактаб таълим атроф-муҳити, шу каби мактаб маданияти ва таъкилот этилишида” (Lova, ACDE, p2).⁴⁰



Robert E. Glenn
(1933-2015)

*“Ўқитувчилар нима қилиш керак”
асари муаллифи*

Маҳоратли ўқитувчи бўлиши учун Robert E. Glenn ўзининг “Ўқитувчилар нима қилиш керак”⁴¹ (2001) асарида ўқитувчиларни ўзига хоc хусусиятларини намойиш қилишга даъват қилади:

– **Иловалар нишйёки.** Таълим кизикарли бўлиши кўрсатинг, ва ўқилишга бу

тифрат талабаларнинг истакларига тавсир этади.

– **Ўзининг мазмунини билиш.** Ўз соҳасини сифатлари ва мазмунидан орқада қолманг. Бу фаолиятингизнинг биринчи ёки уттизининчи йилдан катъий низар ўз соҳада ўзгарувчан инновациялардан орқада қолманг.

– **Таъкилотчи бўлиш.**⁴² Самарали таъкилот этиш сизга талабалар билан ўрганиш учун кўпроқ вақт ажратилишга имконият беради. Кундалик ишлар билан нишаш усуллар топинг: талабалар ишларини тахлили, материалларни тарқатилиш.

– **Фаол ўқилиш.** Самарали ўқитувчилар доимо жалб қилинган. Улар ҳаракатда. Улар бекоор турмайдилар, ҳар доим иш билан бандлар. Улар талабалар ва бошқа штат билан фаол боғланганлар.

– **Яхши муносабатни кўрсатилиш.** Voltaire дели: “Энг жасур қарор, ҳар қийси одам ҳар қуни қабул қиладиган бу яхши қайфиятда бўлиш ҳисобланади.” Билалар ёмон қайфиятда бўладиган ўқитувчиларда муҳтож эмаслар. Улар ижобий муносабатларда бўлган моделларда муҳтож. Бошқаларга нима таъирлангиз ва ўз товушингизни эшитинг. Сиз эмоция, гамхурик ва эхтиромни кўрсатилишнингиз шарт.

– **Аудиторияни мувафаккиятли бошқарилини кўрсатилиш.** ... биринчи кундан бошлаб! Ақлли кўриниш ва интизом талабалар учун муҳим деб ҳисобланадилар.

– **Темп қўлланмаси.** Ўрганилган микдор ўқилиш имкониятлари билан боғлиқ.

– **Таърибадиги мутахаассислар малакаларини қўллаб-қувватлаш.** Ўқитувчилар бошқалар билан яхши нишашлари шарт. Агар одамларга сизнинг ўқитувчи сифтида ахлоқингиз ёкмаса, улар сизнинг атрофингизда бўлишни истамайди. Таълим – одамларнинг бизнеси.

– **Аниқ мулоқот қилиш.** Самарали ўқитувчилар маълумотни аниқ беришадиги. Янги маълумотларни тақдимотида ўқитувчилар аниқ кўрсатмалар бериши лозим. Бу жараян тушунтирилиши, тахлил қилиш ҳулоса чиқариш ва

⁴⁰ Lea Chapuis, Pedasocuy, Embedding Learning Technologies, Model 1, 1-10 p

⁴¹ Lea Chapuis, Pedasocuy, Embedding Learning Technologies, Model 1, 1-6 p.

муҳокама қилиш қабилларни ўз ичига олади.

– Самарали сўров ўтказиш. Сўраш – кучли ўргатувчи асбоб, у орқали продуктив ўйлаш бўлиши мумкин.

– Қўлланмаларни фарқлаш. Ўқитишни самарасини берадиган энг катта синовлардан бири – талабалар ўрганилаётган усуллари ўзгартиришдир. Ўқитувчилар эшитиш, визуал кўрсатиш ва амалий усуллари аралаштиришлари лозим. Айрим дарслар учун, талабаларнинг хусусий имкониятлари ҳамда қобилиятларини инобатга олиш зарур.


– Аудиториянинг муваффақияти. Муваффақиятни меъёри муҳим. Қайси талаба учун иш ҳажми ҳаддан ташқари мураккаб бўлса, унинг ахлоқ ва ҳаракатлар фаоллигини тартибсиз ҳолга келтириши мумкин,

– Юқори натижани кўтиш⁴³. Яхши иш учун юқори натижалар эълон қилиниши керак. Самарали ўқитувчилар нафақат буни қабул қиладилар – улар буни талаб қилиши шарт. Талабалар раёбатлантирадиган ўқитувчиларни ҳурмат қиладилар.

– Ёқимли атмосфера яратиш. Каронгу, кулранг ва ғамгин аудитория ўқинининг муваффақият фойзини камайтиради. Қувнок ва очик аудитория ўқини раёбатлантиради.

– Этиливчан бўлиш. Татлим этиливчанликни талаб қилади. Сиз аудиторияга мослаша оласизми. Натижани қафотлағлай оласизми? Бу борада натижани қафотлағлайдиган вақтни топинг!

Юқорида кўрсатилган умумий таълим жиҳатлари – ўқитувчиларни талабалар билан мар мунолик амалий муносабатларда ўқитиб турадиган нарсалардир. Ўнрок, яхши ўқитувчилар нақарийдилар, нима учун таълимчилардаги қиймат ва бонсарини таълимнинг ҳамма соҳаларида истиқболларни келайтирилади ва таълим амалиётини оширади.



Улар таълим ҳақидаги билим ва ғойларни талабаларнинг фойдасига наминштиришлари мумкин. Шундай қилиб, улар келгилуларнинг ишончили фойдаланувчилари бўлиб қолади ва бу педагогиканинг ҳамма жиҳатлари билан боғлиқтан. Айрим сезилган ва ҳосил бўлган жаргонга қарамасдан, кўпчилик ўқитувчилар “ўқитувчининг гапи” ёки “қасбий тил” тўғрисида гапиришади. Уш ҳақидаги муҳокамалар таълимга тегишли бўлган мавзуларни ва талабалар қаракатлар таҳили уларни пастта тушурмайди. Шундай тегиб турадиган нуқталар борки, таълим даражаларининг ҳамма соҳаларида ҳамқасблар билан таълимда, қолж, университет, ўрта мактаб ёки мактабгача таълимда муаммолар ўхшаш. Бу қасбга оид қонунлар мажмуини қабул қилиш шарт, модомки бошқа соҳа қонунчилиқ, медицина ва б. мутахассисларнинг ўринишларига қараб.

Бу фақат этиливчан ўқитувчиларнинг стратегияларига репертуарини келайтириш мумкин, чунки ҳар қандай ўқитувчи ўзининг педагогик инструментарийини бойитишга ҳаракат қилади. Ушда қилимизки, ушбу модулда умумий чизилган бу тузилмалар ва стратегиялар умумий репертуарини келайтирилади ва тушунтирилади – шундай қилиб модулга келтирилган ИСТ стратегиялар ҳам мавжуд. Ушбу стратегиялар кейинчалик ўқитувчилар репертуарини келайтириши керак. Шундай қилиб узун ҳаёт давомида ўқитувчилар ўз талабалари билан биргаликда билимларини оширадилар,

⁴³ Lea Chapuis, Pedagogical Embedding Learning Technologies, Model 1, 1-8 p. 102

бевосята ҳаётни лойихлаштирадидлар.

4.3. Замонавий педагог модели

Ҳозирги замон ўқитувчиси ўз мутахассислигига онд билимлар билан бирга, педагогик ва психологик билимларни ҳамда турли фан йўналишлари бўйича махсус билимларга эга бўлган, касбий тайёрларик, юксак ахлокий фазилатларни эгаллаган, таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахсдир. Ушбу нуктаи назардан ҳозирги кунда куйидаги бурч ва масъулиятлар ўқитувчилардан талаб килинади:

1. Ўқитувчи, энг аввало, масъулиятни хис этувчи тарбиячи, тажрибали нотик, маданият ва маърифат тартиботчисидир.
2. Ўқитувчи табиатан ўқувчиларни сева олиши, ўз меҳрини, хис-туйғуларини ҳар лаҳзада ўқувчилар ички дунёси билан боғлай олиши, уларнинг ҳам меҳрига, ҳурматига сазовор бўлиши керак.
3. Ўқитувчи жамият ижтимоий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ва уларга ҳолисона баҳо бериб, бу борада ўқувчиларга тўғри, асосли маълумотларни доимий бера олиши лозим.
4. Замонавий ўқитувчининг илм-фан, техника ва ахборот-коммуникатсион технологиялари янгиликларидан ва ютуқларидан хабардор бўлиб бориши талаб этилади.
5. Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур ва пухта билимга эга бўлиши, барча фанлар интегратсиясини ўзлаштириб бориши, бунда ўз устида тинимсиз илмий изланишлар олиб бориши.
6. Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларини пухта билиши, ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим-тарбия фаолиятини ташкил этиши керак.

7. Ўқитувчи касбий педагогик фаолиятида таълим ва тарбиянинг энг самарали замонавий шакл, метод ва воситаларидан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи лозим.

8. Ўқитувчи ижодкор, таълим-тарбиявий фаолият ташаббускори ва ёш авлод келажаги учун жавобгар шахсдир.

9. Ўқитувчи касбий фаолияти жараёнида юксак даражадаги педагогик маҳорат, коммуникатив лаёқати, педагогик техника (нутқ, оғ, кўл-оғ ва гавада ҳаракатлари, мимика, пантомимика, такт) қондаларини чуқур ўзлаштириб бориши шарт.


10. Ўқитувчи нутқ маданиятига эга бўлиши зарур, унинг нутқи куйидаги нуқсонларини ўзида акс эттириши керак: турли шева сўзлардан холи бўлиб, факат адабий тилда ифода этилиши; ўқитувчининг нутқи содда, равон ва тушунарли бўлиши; хикматли сўзлар, ибора ва мақоллар, матлаплар ҳамда кўчирма гаплардан ўринли фойдалана олиши лозим.

11. Ўқитувчининг кийиниш маданияти ўзига хос бўлиши, яъни содда, оғола, бежирим кийиниши, таълим-тарбия жараёнида ўқувчининг диққатини тез жалб этувчи турли хил безаклар (олтин, қумуш такинчоқлар)дан фойдаланмаслиги, фасл, ёш, гавада тузилиши, оғ кифаси, хатто, соч ранги ва турмушга мувофиқ равишда кийиниши талаб этилади.

12. Ўқитувчи таълим муассасасида синф жамоасининг асосий ташкилотчи-си ва таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг энг фаол иштирокчисидир.

13. Ўқитувчи педагогик мулоқот жараёнининг фаол иштирокчиси экан-лигини унутмаслиги шарт. Шунинг учун касбий фаолиятида педагогик маҳоратнинг бир қатор сифатларини улуғсиз таркиб топтириб бориши зарур.

14. Ўқитувчи, энг аввало, мулоҳазали, босиқ, ҳар қандай педагогик ишнинг тўғри баҳолай оладиган ҳамда мустақил равишда мавжуд индициларни бартараф этишининг уйдасидан чиқа олиши керак.



Ўқитувчилар унутмасликлари керакки, ўқувчи, ота-оналар ҳамда ҳамкасблари билан мулоқот жараёнида фикрини аниқ ва дунда баён этилишига аҳамият қаратишлари мақсадга мувофиқдир. Улар билан муносабат жараёнида сўзни салбий ҳолатлар ҳақидаги далиллари келтиришдан бошламаслиги, аксинча, ўқувчиларнинг (ёки ҳамкасби, ота-оналар) муваффақиятларини эътироф этишлари, уларни янада бойитишга ишонач билдириши билан мулоқотни ташкил қилиши лозим. Мулоқот жараёнида ўқитувчининг сўзларидан суҳбатдошга нисбатан хайрихоҳлик, самимийлик, дўстона муносабат, яхши кайфият сезилиб турсин.

Ўқитувчининг мазкур талабларга мувофиқ келувчи қиёфаси унинг ўқувчилар, ҳамкасблари ҳамда ота-оналар ўртасида обрў-эътибор қозонишини таъминлайди.

Ҳозирги шароитда жамиятнинг ўқитувчилик касбига нисбатан кўя-ётган талаблари кун сайин ортиб бормоқда ва бу талабларни амалда тўғри ташкил қилиш вазифаси ўқитувчига боғлиқ. Замонавий мактаб ўқитувчиси катор вазифаларни бажаради. Ўқитувчи аввало синфдаги тарбиявий жараёнинг ташкилотчиси. Ўқитувчи тарбиячи сифатида қўйидаги талабларни билиши лозим:

- шахсни маънавий ва маърифий жиҳатдан тарбиялашда миллий уйғониш мафкурасининг ҳамда умуминсоний бойликларнинг моҳиятини билиши, болаларни мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаши, ўз Ватанига, табиатга ва оиласига бўлган муҳаббати;
- касбий билимларни пухта билиш билан бирга, турли билимлардан хабардор бўлиши;

- ёш педагогик психология, педагогика ва психология, ёшлар физиологияси, тарбиявий иш методикаси, мактаб гигиенасидан ўз касбига оид билимларни мукаммал билиши;
 - ўз касби бўйича жаҳон фанида эришилаётган сўнгги ютуқлар, тарбия технологияси, компютер ва ахборот технологиялари, интеллигентлардан доимий хабардор бўлиб бориши;
 - таълим-тарбия методикасидан кўнма ва малакаларини ошириб бориши;
 - ўз касбига ижодий ёндашиши;
 - педагогик техника (мантик, нутқ таълимининг ифодали воситалари) ва педагогик такта эта бўлиши;
 - ўз билими ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориши.
- Муваффақиятга ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эта бўлиши зарур.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Педагогга қўйиладиган замонавий талаблар.
2. Роберт Гленнинг "Ўқитувчилар нима қилиши керак?" номли асари.
3. Замонавий педагог модели.
4. Ўқитувчининг педагогик маҳорати.
5. Нутқ маҳорати тушуначаси.

5-МАВЗУ. ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

5.1. “Технология”, “Инновацион технология”, “Педагогик технология” тушунчалари, уларнинг ўзаро фарқлари.

5.2. Таълим технологияси нима?, таълим технологиясининг хусусиятлари.

5.3. Ўқитиш услублари ва техникалари. Ўйин орқали ўрганиш, Ўйин орқали ўрганиш, ролли ўйин, актиний ҳужум, мавзувий ўқитиш, умумлаштирилган ўқитиш, хикоя сўзлаш, ёрдамчи кўникмалар, муҳокама усули, талаб услуби, муаммони ечиш (муаммони таълим), аъло даражада ўрганиш.

5.1. “Технология”, “Инновацион технология”, “Педагогик технология” тушунчалари, уларнинг ўзаро фарқлари

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида таълимни замонавий педагогик ҳамда ахборот технологиялари асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган. Педагогик технология марказида таълим жараёни, унинг ҳам субъекти, ҳам объекти ҳисобланган ўқитувчи ва ўқувчи турати. Бу икки шахннинг ҳамкорлиги, ўзаро мулоқоти, бир-бирига кўрсатилган таъсири замон ва миллий талаблар асосида ташкил топиши лозим.

Бунинг учун, биринчи навбатда, ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида қўйилган талаблар, таълимни ташкил этиш ва бошқариш тамойиллари, ўқувчини ақлий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш усуллари, унинг фаолиятини тўғри ташкил этиш, ўқув муассасасида ижодий муҳитни яратиш, талаба фаолиятини аниқ ва тўғри баҳолаш методлари билан таъминланган бўлиши керак.

“Технология”⁴⁴ атамаси юнонча “*techno*” ва “*logos*” сўзларидан таркиб топган бўлиб, “хунар ёки фанни ўрганиш” деган маънони англатади. Атама техник тараккиёт мазмунини ифодалашга хизмат қилувчи тушунча сифатида

иш бор 1872 йилда муомалага киритилган. Мазкур тушунча бугунги кунда мазмун ва моҳиятига кўра турли фан ва соҳаларда ҳам кенг қўлланилмоқда.

Немис психологи, Психология фанлари доктори, клиник психология ва психотерапевт профессори.

Станли Смит Стивенс⁹⁶
(1906-1973)

Америкалик психолог



Бошланғич олдини олиш – бу жамиятнинг барча аъзоларини даволаш учун қабул қилинган туридир. Асосий олдини олишга мисоллар – барча қомилдор аёлларни сигарет ва алкоголь ичиндан сақлашга қаратилган дастурлардан иборат бўлади, чунки ҳомилга учун хавфли бўлиб ва ушбу дастурлар уйлардаги хавфли муҳитни йўқотишга қаратилган бўлади.

Ўрта олдини олиш - кўпроқ чекланган бўлиб, маълум бир бузилиш хавфини бошидан кечирувчилар учун бузилиш омилиларини акс эттиради. Хавф

⁹² <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

⁹³ <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

⁹⁴ Charles Stangor. Introduction to Psychology. 2011. 408-p.

⁹⁵ <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

⁹⁶ <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

омиллари - берилган индивидуалда бузилишнинг ривожланиши бўйича ижтимоий, экологик ва иқтисодий riskларни англатади (Вернер & Смит)⁹⁷

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Ҳозирги замон психология фанининг предмети ва унинг ижтимоий табиати.
2. Психологияни ўрганишда талаблар.
3. Психологиянинг эволюцияси: тарихи ва унлати турли ёндашувлар.
4. Психологиянинг физиологик асослари.
5. Психологиянинг асосий методлари.
6. Психологиянинг асосий тармоқлари.
7. Психологиянинг тадбиқий ва амалий соҳалари
8. Психодиагностика ва психокоррекция ҳақида тушунча.
9. Шахс ҳулкини максалди тузатиш-психокоррекция эканлиги.

7-МАВЗУ. ШАХСНИНГ ИНДИВИДУАЛ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

- 7.1. Шахс ривожланишнинг ёш даврлари.
- 7.2. Когнитив ривожланиш бўйича Пиаже назарияси.
- 7.3. А.Маслоунинг эҳтиёжлар иерархияси.

7.1. Шахс ривожланишнинг ёш даврлари

Шахс индивидуал тараккиётининг муҳим омилларида бири унинг ёшда боғлиқ бўлган хусусиятларидир. Чунки тараккиётнинг ҳар бир ёш босқичи ўзининг ривожланиш омилларида, қонуниятларида, янгиликлари ва ўзгаришларида эга бўлиб, улар шахснинг характери, темпераменти, иқтидори,

⁹⁷ Charles Stangor. Introduction to Psychology. 2011. 408-p.


билиш жараёнларида бевоқиф таъсирини ўтказлади.

Ёш тараккиёти даврларининг ҳам сифат, ҳам миқдор ўзгаришларида эга бўлган кўрсаткичлари борки, амалий психология ҳар бир ёш хусусиятларини аниқ шу иккала кўрсаткич нуктаи назардан ўрганиши ва шахс ҳулкини бошқариш ва таъсир кўрсатишда уларга таъмоғи лозим. Умуман психологияда исбот қилинган фактлардан бири шуки, турли даврлардаги инсон тараккиёти ўта мураккаб жараён бўлиб, ҳар бир даврнинг ўз қонуниятлари мавжуд. Ҳар бир босқичда шахснинг бирор бир хусусиятлари ўзининг етуқлик фазасига эришади. Масалан, оламни сенсор жихатдан билишнинг етуқлик фазаси 18 - 25 ёшларда (Лазарев маълумотларига кўра), интеллектуал, ижодий етуқлик - 35 ёшларда (Леман маълумотлари), шахснинг етуқлиги 50 - 60 ёшларга келиб энг юқори нуктасига эришади. Шунга ўхшаш хусусиятлар инсоннинг бутун умри мобайнида муттасил камолга етиб, ривожланиб боришини таъминлайди. Шуниси характерлики, ҳар бир ёшда бирор функцияларнинг ривожланиши бошқа бир функцияларнинг сусайиши ҳисобига рўй беради. Масалан, болаликнинг илк боғча ёшда фазога мослашув жуда қулайса, кейинчалик унинг ўрнини вақтни адекват идрок қилиш қулайди. Қарияларнинг бирор нарсалар хусусида билимдонлиги, маълумотлар дунёсидаги яхши ориентацияси, психомоторик функциялар ва бевоқифа билиш жараёнларининг сусайиши ҳисобига рўй беради. Ҳудди шундай боланинг 3-5 ёш даври тили, унинг луғавий ва структуравий хусусиятларини ўзлаштиришда жуда мақбул бўлса, етуқлик даври бўлмиш 45-55 ёшларга келиб айни шу сифат даярли ўзини йўқотди («тил қотиб қолади»).

Психологиянинг махсус тармоғи ҳисобланмиш ёш даврлари психологиянинг энг асосий муаммоларидан бири шуки, инсон психик тараккиётида қандай омиللар - генетик, туғма ёки орттирилган, ижтимоий омиللар роли етакчи эканлиги масаласидир. Бир томондан, боланинг ўз ота - оналаридан мерос сифатида ўзлаштирган сифатлари, масалан, анатомо - физиологик хусусиятлар, мия фолликулларнинг ўзига хослиги, тана тузилиши (қўл, оёқ, юз тузилиши ва бошқ.) албатта психологик жаҳатдан одам боласининг

мухитга мослашуви, унга эркин ҳаракат қилиши, жараёнларни онгида акс эттиришга сабаб бўлади. Чунки оддийгина анатомик аномалия ҳолати (кўлнинг қалғалити, бўйнинг жуда қичқилги каби) психиката ва шахннинг жамиятда ўзини тутишга салбий таъсир кўрсатади. Лекин иккинчи томондан ташқи мухит таъсирини ҳам қамситиб бўлмайди. Масалан, атар бола махсус ўқув масканларида ўқимаса, унга тарбиявий таъсирлар кўрсатилмаса, унинг ривожланиши қандай бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бу муаммолар устида бош қотирган олимлар Л. Выготский, Ж. Пиаже, С. Рубинштейн, А. Леонтьев ва кўпша бошқа психологлар иккала омил ролини ҳам инкор қилмаган ҳолда ижтимоий мухитнинг етакчи таъсири тўғрисидаги фикрни барабар ёқлаганлар.



Л. Выготский⁹⁸

Ж. Пиаже⁹⁹

С. Рубинштейн¹⁰⁰

А. Леонтьев¹⁰¹

Чунки тўғри ташкил этилган таълим-тарбия, оила ва ундаги ўзаро муносабатларнинг характери, шахс мулоқотда бўладиган ижтимоий гуруҳлар, у танлаган касб ва касбдошлари мухити, никоҳ ва маълумот масалаларининг қандай ҳал қилинганлиги каби қатор ижтимоий омиллар шахннинг ривожланиши, унинг ўз-ўзини англаши ва ўзгаларга муносабати, билиш жараёнлари ҳамда интеллектуал тараккиётида қатта аҳамиятга эгалигига шубҳа

йўқ. Республикаимизнинг биринчи Президенти И. Каримов бошчилигида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ бошланган «Соғлом авлод учун» ишорини амалга ошириш сиёсати фарзандларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан, ҳам ақлан етук бўлишларига қаратилган. Жисмонан соғлом тананда соғлом рух бўлиши табиий.

Даврларга бўлишга қаратилган классификацияларнинг ўзи ҳам икки турли бўлади: жузъий (алоҳида даврларни яна кўшимча даврларга бўлиш - «даврлар ичидаги даврлар») ва умумий (инсон умрининг барча босқичларини ўз ичига олган). Масалан, жузъий классификацияга Ж. Пиаженинг интеллектуал ривожланишини босқичларга бўлишини киритиш мумкин. У бу тараккиётни 3 босқичда тасаввур қилган:

■ сенсомотор интеллект босқичи (0 - 2 ёш). Бунда асосан олти босқич фарсланади;

■ конкрет операцияларни бажаришга тайёрлаш ва уни ташкил этиш босқичи (3 - 11 ёшлар);

■ формал операциялар босқичи (12 - 15 ёшлар). Бу даврда бола нафакат бевосита кўриб турган нарсаси, балки маъхум тушунчалар ва сўзлар воситасида ҳам фикр юрита олади.

Д.Б. Элькониннинг ёш даврлари босқичлари ҳам шу гуруҳга қиради ва у ҳам болаликнинг уч даврини фарқлайди: илк болалик, болалик ва ўсмирлик. Ҳар бир босқичнинг ўзига хос етакчи фаолияти, ўзгаришлари ва ривожланиш шарт - шароитлари маъжуд бўлади ва уларни билиш тарбиячилар учун қатта аамий аҳамиятга эга бўлади. Ҳар бир босқичда фаолият мотивлари ҳам ўзгаради, уларнинг ўзгариши шахс эҳтиёжлари ва талаблари даражасининг ўзгаришга мос тарзда рўй беради.

⁹⁸ <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
⁹⁹ <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
¹⁰⁰ <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
¹⁰¹ <https://ru.wikipedia.org/wiki/>



**Борис Герасимович
Ананьев**¹⁰²
(1907-1972)



**Даниил
Борисович
Эльконин**¹⁰³
(1904—1984)



Жан Пиаже¹⁰⁴
(1896-1980)

Инсон ҳаётининг барча даврини яхлит тарзда камраб олган классификациялардан бири бутун жаҳон олимларининг қарорига кўра, 1965 йили Фанлар Академиясининг махсус симпозиумида қабул қилинган схема ҳисобланади. У қуйидаги 6 - жағвада келтирилган. У Б.Г. Ананьев, чет эллик олим Бирренлар таклиф этган классификацияга яқин бўлиб, умумлаштирилган тоифалашдир.

Ёш давлари	Эркасларда	Аёлларда
Чакалоқлик	1 – 10 кун	1 – 10 кун
Эмизиклик даври	10 кундан 1 ёшгача	10 кундан 1 ёшгача
Илк боғалик	1 – 2 ёш	1 – 2 ёш
Боғаликнинг 1 - даври	3 – 7 ёш	3 – 7 ёш
Боғаликнинг 2 - даври	8 - 12 ёш	8 – 11 ёш
Ўсмирлик даври	13 - 16 ёш	12 - 15 ёш
Ўспиринлик даври	17 - 21 ёш	16 - 20 ёш
Ўрта етуқлик даври:		
биринчи босқич	22 - 35 ёш	21 - 35 ёш
иккинчи босқич	36 - 60 ёш	36 - 55 ёш
Кексалик даври	61 - 75 ёш	56 - 75 ёш
Қариллик даври	76 - 90 ёш	76 - 90 ёш
Узоқ умр кўрувчилар	90 ёшдан ортиқ	90 ёшдан ортиқ

¹⁰² <https://ru.wikipedia.org/wiki/Ананьев>

¹⁰³ <https://ru.wikipedia.org/wiki/Эльконин>

¹⁰⁴ Charles Stangor. Introduction to Psychology. 2011. 233 p. 180

Тараққиётни ёш давларга бўлишда ўзига хос классификациялар ҳам бор. Масалан, Э. Эриксон шахс «Мен» нинг ривожланиш босқичларини ажратган ва ҳар бирида ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларни ажратган.

- 1 - босқич (ишонч - ишончасизлик) - бу ҳаётнинг 1 - йили.
- 2 - босқич (мустиқлик ва қатъитсизлик) - 2 - 3 ёшлар.
- 3 - босқич (тадбиркорлик ва гуноҳ ҳисси) - 4 - 5 ёшлар.
- 4 - босқич (чаққонлик ва етишмовчилик) - 6 - 11 ёшлар.
- 5 - босқич (шахс идентификацияси ва ролларнинг қаққаллиги) - 12 - 18 ёшлар.

- 6 - босқич (яқинлик ва ёлғизлик) - етуқликнинг бошланиши.
- 7 - босқич (умуминсонийлик ва ўзига берилиш) - етуқлик даври.
- 8 - босқич (яқинлик ва ишончасизлик) - кексалик.

Э.Эриксон классификациясининг ўзига хос қиммати шундаки, унда шахснинг ўзи тўғрисидаги тасавуруларининг жамият таъсирида ўзгариши назарда тутилган. Шунга ўхшаш босқичларга бўлишлар охирти пайтда яна кўплаб муаллифлар томонидан таклиф этилмоқда (Д.Гримм, Д.Бромлей ва бошқ.). Уларнинг барчасидати умумий мезон шуки, ҳар бир тараққиёт даври шахс ривожини учун нимани таклиф этади-ю, шахс унда қандай ривожланиш кўрсаткичларига эга бўлади. Уларни табиий ўзгаришларда билиш ва ўрганиш керак, чунки бусиз шахс тарбиясини тўғри йўлга қўйиб бўлмайди. Масалан, мактаб ёшидаги болаларга қўйилган талаблар қатта одамлар жамоасига тўғри келмайди, ёки боғча ёшидаги бола билан тил топилиш билан талаба билан тил топиш ўзига хос педагогик тактни ва ўша ёш соҳасида билимдонликни талаб қилади.



Даниел иванович Гримм¹⁰⁵
(1823-1898)



Эрик Эрикссон¹⁰⁶
(1902-1994)

7.2. КОГНИТИВ РИВОЖЛАНИШ БЎЙИЧА ПИАЖЕ НАЗАРИЯСИ.

Когнитив ривожланиш бўйича Пиаже назарияси¹⁰⁷ орқали табиатнинг таракқиётда муҳим рол ўйнашини кўрамиз (исботланишича, барча генетик кодларини баҳам кўрган эгизаклар одагга бир хил ўтиради, бир хил кунларда юради). Лекин озикланиш ҳам муҳим-биз хали она корнида бўлганимизда ривожланишни бошлаймиз ва бу тавсирлар бизнинг ривожланишимиз давомида биз билан қолади хатто бизнинг муҳитда тавсирни бошлайди. Бундан ташқари,

биз ўз ҳаётимизни шакллантиришда фаол рол ўйнаймиз. Бизнинг ўз ҳулкимиз, одамларнинг бизга қандай жавоб беришларини ўрганиш ва биз ҳар биримизнинг ривожланишимизга қандай ва нима тавсир кўрсатишини кўриб чиқамиз.

Ривожланиш ёши йиллари¹⁰⁸

Ҳаш даври	Тасниф
Чакалоклик	туғилишдан бошланиб бир ёшгача давом этади
Болалик	чакалокликдан бошланиб ва етуқликкача давом этади
Ўсмирликка ўтиш	етуқлик даври ўсмирликнинг бошланиши
Эрта ўсмирлик	25-45 ёш орасида
Ўртача ўсмирлик	45-65 ёш орасида
Кеч ўсмирлик	65 ёш ва ундан кейин

Жан Пиаже болалар ҳулкини кузатиб бола ривожланиши назарияларини ишлаб чиққан. Болалик даврида асаб ўзгаришлари болаларга маълум ёшдаги бир неча нарсата ва хали имконсиз уларни бошқа нарс қилиш қобилиятини бериди. Бу ҳақиқат Швейцария психологи Жан Пиаже нуқтаи назаридан ўрганилган. Пиаже болаларни 19-20 ёшида қодир бўлган мантйкий фикрлаш турларини аниқлаш учун бир уринишни олиб бориш учун болалар учун онт (инрок) тестини бошқарган¹⁰⁹. Пиаже болалар берган нотўри жавобни тулматдаги олдй тортишиш эмас, балки болалар ривожланиш босқичига хос фикрлаш йўллари деб ўйлаган. Ҳудди дээрли барча чакалоклар улар ўзлари томонидан ўтиришни ўрганишдан олдин ва улар юришни ўрганишдан олдин эмалқиб юришни ўрганишган.

¹⁰⁵ https://ru.wikipedia.org/wiki/Даниел_Иванович_Гримм
¹⁰⁶ Charles Stangor, Introduction to Psychology, 2011, 233 p.

¹⁰⁷ Charles Stangor, Introduction to Psychology, 2011, 233 p.
¹⁰⁸ Charles Stangor, Introduction to Psychology, 2011, 233 p.

Пиаже болаларни ривожланиш массадада уларнинг билим қобилиятига ишонарди. Бу тушунчаси турли ёшдаги болаларда тубдан фарқ қилди деб ўйларди. Бу Пиаженинг босқичли модели йўлларига олиб келди.




Figure 7.7 Assimilation and Accommodation¹¹⁰

Пиаже болалар нафакат пассив ўрганади деб таъкидлайди, балки фаол одамларнинг мантикий харакаатларини баъжаради. У уларнинг ўрганиш ва етук бўлишлари, болалар узок муддатли билим жадвалларини-нақш хотира-уларни эслаб қолиш, ташкиллаштириш ва ахборотга жавоб беришда ёрдам бериб ривожлантиради. Бундан ташқари, Пиаже болалар янги нарсаларни бошидан, мавжуд жадваллари билан янги билимларни яраштириш учун харакат қилдилар деб ўйлаган. У болаларни икки алоҳида усуллари фойдаланишларига ишонарди. ("Ассимиляция ва жойлашув"¹¹¹) ва бу усуллар ассимиляция ва жойлашув деб аталади.

7.3. А.МАСЛОУНИНГ ЭХТИЁЖЛАР ИЕРАРХИЯСИ

Шахсиятнинг психо тахлили моделлари инсоний психологлар назариялари томонидан 1950 ва 1960-йилларда ишланган. Психонализ химоячиларидан фарқли ўлароқ, гуманистлар хохиш тушунчасини қабул қилдилар. Одамлар ўз ҳаётини танлаш ва ўз қарорларини қабул қилиш бепул деб бахслашиб, инсоний психологлар ўз-ўзини тушунчасини табиат билан боғлаб тушутирадидлар.

Энг муҳим гуманистлардан бири, Абрахам Маслоу (1908-1970) бўлиб, у шахсиятти пирамида шаклидаги иерархик (эҳтиёжлар иерархияси) жиҳатидан умумлаштирган. Пирамиданинг базасида очлик, ташналик, ҳавфсизлик ва қармлик, шу жумладан энг паст даражадаги ниятлар бор. Маслоу илгари сўрган фикрга кўра, одамлар бизнинг туғма салоҳиятимизни ривожлантириш мотивациясига эга бўлган, ўз-ўзини ҳурмат қилиш олий даражадаги эҳтиёжларини ақс эттиради.

АБРАХАМ ХАРОЛДЪД МАСЛОУ
(1908-1970)


АМЕРИКИЛИК ТАНИКЛИ ПСИХОЛОГ¹¹²
ЭХТИЁЖЛАР ИЕРАРХИЯСИ
НАЗАРИЯСИ АСОСЧИСИ



¹¹⁰ Charles Stangor. Introduction to Psychology. 2011. 233 p.

¹¹¹ Charles Stangor. Introduction to Psychology. 2011. 233 p.
184

¹¹² <https://ru.wikipedia.org/wiki/>



Маслоунинг эхтиёжлар иерархияси¹¹³

Ўз ўрнини топиш

Ўз ўзини хурмат қилиш

Севги, қарамлик

Хавфсизлик

Физиологик эҳтиёж

Маслоу Алберт Эйнштейн, Абраам Линкольн, Мартин Лютер Кинг Сер, Хелен Келлер каби ҳаёти муваффақиятли одамларни ўртанган¹¹⁴. Маслоу ҳаётда ўз ўрнини топган одамлар, ижодий инсонлар бўлади ва улар бошқаларга меҳрибон бўлади деб ишонади. Уларда чуқур дўстликка эга бўлиш истаги одатда хусусий бўлади. Маслоунинг эҳтиёжлар иерархияси шахслар статик эмас, деб ҳисоблайди. Улар турли пайтда турли эҳтиёжлар орқали мақсадига эришилган. Мисол учун, баъзан рақобат сабаблари бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлиши мумкин. Унинг тан олинishi учун эҳтиёжлар, масалан, шахсий

кариёвизлиги учун эҳтиёжлари бирлаштириш мумкин. Ниҳоят, ўзаро бир-таниқд ишарияси Фарб эътибори томонидан ноҳолис деб тақлиф қилинди. Бошқа миллийиятлар ўзини-марҳаматли сифатида "ҳаётда ўз ўрнини тошган"¹¹⁵ муносабатда бўлиши мумкин. Улар ўз салохиятига тўла етиб гуруҳ эҳтиёжларини қўллаб-қувватлаш ва бошқалар манфаати учун ўз салохиятини қурбон эттишга ишонаман.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Шахс ривожланишининг ёш даврлари.
2. Ўсмирлик даври ва унинг ўзига ҳослиги.
3. Когнитив ривожланиш бўйича Пиаже назарияси.
4. Пиаже назариясининг ўзига ҳослиги.
5. А.Маслоунинг эҳтиёжлар иерархияси.

8-МАВЗУ. БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТДАГИ ЎРНИ

- 8.1. Шахс ва унинг ташқи оламни билиш имкониятлари.
- 8.2. Билиш жараёнлари классификацияси.
- 8.3. Онг ва тил. Онгни аннклаш ва ўлчаш. Роберт Стернбертнинг уч қисмли назарияси.
- 8.4. Ховард Гарднернинг кўп онглилик назарияси. Фикр ва фикрлаш операциялари.

8.1. Шахс ва унинг ташқи оламни билиш имкониятлари.

Профессинал фаолият шахслар жууда кўп билимларни ҳамда малакаларни

¹¹³ Charles Stangor. *Introduction to Psychology*. 2011. 273 p.

¹¹⁴ Charles Stangor. *Introduction to Psychology*. 2011. 273 p.

¹¹⁵ Charles Stangor. *Introduction to Psychology*. 2011. 273 p.

талаб килади. Нима учун у ёки бу касбни танлаганини англаб етган шахс (мотивлар муаммоси), энди ўз фаолияти ва қобилиятларини бошқара билиши ва ўз устида муттасил ишлаб, малакаларини орттириб бориши шарт. *Профессионал билимдонлик* шу нуктаи назардан шахс умумий маданиятининг шундай йўналишики, унга факат касбига тааллуқли бўлган билимлардан ташқари шу билимларнинг ҳосили бўлиш йўллари ва малакаларнинг тақомиллашувини таъминловчи психологик жараёнлар ва ҳолатларни билишини ҳам такозо этади. Бу психологияда билиш жараёнлари ва уларнинг моҳиятини ва кечилиши билиш демакдир.

Шахсиятни сезиш тенденцияси инсон табиатининг асосий қисми ва энг адаптив турларидан бири ҳисобланади. Биз бошқа одатда одамлар ҳақида нимани аниқ умумлашма чизиш мумкин бўлса, биз улар келажакда қандай муомала қилишларини олдидан кўришимиз мумкин, ва бу бизга улар турли вазиятларда жавоб бўлган ҳар қандай аниқлаш ёрдам бериши мумкин. Шахсиятни идрок этиш ҳам бизга яхшироқ психологик бўзилиш ва улар ишлаб чиқариш мумкин бўлган салбон хулқ-натижаларини тушунишга ёрдам бериши мумкин. Бу хатти-ҳаракат шахсият масаласи, қисқаси, чуқки у хулқни бошқаради ¹¹⁶.

Мазлумки, одамлар бир-бирларидан кўп жиҳатлари билан фарқ қиладилар. Масалан, айримлар кўрган-кечирганларини жуда яхши эсда олиб қолиб, керак вақтда аниқ эсга тушира оладилар. Базилар кўзи билан кўрган ҳар қандай объектни майда деталларигача баён этиш қобилиятига эга. Яна бирлари эшитган нарсалари ҳуусида аниқроқ фикрлайди, кимдир содда, равон тилга ўз хис-кечинмаларини айта оlsa, бошқалар - ҳар бир ҳикоятга албатта, фантазия элементларини қўшишга мойил бўладилар.

Билиш – объектив дунё тўғрисидаги маълумотлар, фан асослари бўйича ахборотлар, иқтимоий ва индивидуал тажрибалар, шахсларо муносабат ва муомала ўрнатиш, ижод ва интилиқ яратишга қаратилган фаоллиқнинг мажмуаси.

Инсон шахс бўлиб шаклланишида ва ривожланишида билиш жараёнлари асосий функцияни бажаради. Инсоннинг билиш жараёнини амалга оширувчи асосий манбалар қуйидагича:

Тўғма инстинклар	Тажриба, машқ
Шартли ва шартсиз рефлекслар	Кўникма, малака, одат
Таклид ёки имитация	Рефлексиз (хулқ ва онгли бошқариш)

Демак, одамларнинг ташки оламдан оладиган таасуротлари ва уларни онгда тартиблаштириш қобилиятлари ҳар хил бўларкан. Иккинчи томондан, шундай касб-корлар борки, у шахсдаги у ёки бу сифатларнинг мукаммаллашиб боришига имкон беради. Масалан, йирик автоматик бошқарув тизимларида ишлайдиган оператор ўз диққатини ҳар қандай майда ўзгаришларга ҳам қаратишга ўрганса, конструктор мавҳум математик ҳисоб - китобларга уста бўлиб боради. Иқтисодчи - молиячи пулнинг ҳар бир тийинидан фойда олишга ўрганса, шоир табиатан барча ҳодиса ва воқеаларни бадиий бўёқларда, ўзинга ҳос идрок қилишга мойиллиги ошади. Демак, одамнинг ташки олам ҳосса ва ҳуусиятларини онгида ақс эттириши унинг иқтидори ўсиши ва профессионал малакалари ривожланганлигига боғлиқ тарзда кечади. Шунинг учун ҳар онгнинг муҳим ақс эттириш шакллари бўлиш билиш жараёнлари - идрок, сезилар, хотира, диққат, тафаккур, ирода ва ҳиссиётларнинг инсон ҳаёти ва профессионал ўсишидаги ролига тўхтаб ўтамиз.

Бу жараёнлар инсонга жуда яқин ва таниш. Чунки ҳар биримиз онгимиз борлигини, атрофдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг айрим алоҳида ҳамда яхлит

¹¹⁶ Charles Stangor. Introduction to Psychology. 2011, 265-p.

хусусиятларини билимиз. Бу нарса ва ҳодисалар бизда ҳар бир алоҳида шароитда ўзига хос хиссий - кечинмаларни келтириб чиқаришини ҳам билимиз. Масалан, корнингиз оч қолганда, емишга бўлган талабнингизни ҳақиқатан бора ёки йўқлигини бировлардан сўрамайсиз-ку? Ёки китоб мутоала қилётган шахс шу китобни рост билан ҳам ўзи ўқитганини бошқалардан сўрамайди. Бундай ишлар ўз-ўзидан табиий жараёнлардай кечаяверади. Факат имтиҳон пайтида кеча кечаси билан мутоала қилиб, ўрганиб чиққан материални нега ҳозир домла олдида эслай олмаётганингизиз сизни кўпроқ қизиқтиради ва сиз «Ҳотирам устида ишлашим керак» деган ҳулосага келасиз.

Дарҳақиқат, билиш жараёнлари ҳам маълум маънода бошқариладиган жараёнлар бўлиб, агар сиз ўз имкониятларингизни кенгайтириш ёки иқтидор даражанингизни орттирмоқчи бўлсангиз, бу жараёнларга оид маълум қондалар ва ҳусусиятларни билиб олишингиз керак.

Билиш жараёнлари

Инсон онги бир қарашда яхлит нарса, аслида у айрим алоҳида жараёнлардан иборат. Онг муҳим чунки, у кўп инсон ҳулкига тавсир қилишда муҳим аҳамиятга эга. Онг муваффақиятчи, таълим, касб-ҳунар, иқтисодий ва ижтимоий натижалари билан боғлиқ бўлади. (Шмит & Хантер, 1998, Висвеваран, & Дилчерт, 2005)¹¹⁷.



**Вера Феродорова
Смилт¹¹⁸
(1889-1937)
Психолог**



¹¹⁷ Charles Stangor. Introduction to Psychology. 2011. 183-p.
¹¹⁸ <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

(Research scientist
at the U.W. Numan
Interface Technology
Laboratory Affiliate
Faculty at the
U.W. Dept
of Psychology, and
Dept of Radiology)¹¹⁹.



**Хантер Хоффман
Психология фанлари
доктори**

Шунинг учун ҳам атроф-муҳитни, ўзимизни билишимизга имкон берувчи онгни ўрганиш учун уни алоҳида психик жараёнларга бўлиб ўргана бошлагандлар. Бу жараёнлар - сезгилар, идрок, хотира, диққат, тафаккур, нутқ ва бошқалардир. Бу жараёнлар шу қадар бир-бирлари билан боғлиқки, бирини иккинчисиз тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Масалан, кўриб идрок қилиб турган нарсанингизни фикрламай кўрингчи, унинг моҳиятини биласизми? Диққат билан кўрган ёки ўқиган текстингизни эслаб қоласиз. Ёки бирор нарса тўғрисида фикрлаш учун бизга бир вақтда ҳам илгарити идрок образлари, ҳам эслаб қолиш маҳоратимиз, ҳам ички нутқимиз, иродаимиз ва диққат керак бўлади. Ҳаттоки, тасодифан кўлимизга кириб кетган зиратчага берган реакциямиз ҳам эмоциялардан ташқари, ўша нарсанинг бу ерда қандай пайдо бўлганлиги каби қатор тафаккур жараёнларини келтириб чиқаради.

Мурраккаб компьютер техникаси чиққандан кейин одамнинг ўз психик жараёнларига қизиқиши янада ортди. Энди маълумотларни қабул қилиш (анъанавий идрок деб аташувчи жараёнга ўхшаш), уларни қайта ишлаш (тафаккурга ўхшаш) ва уни сақлаш (хотира) ҳақида кўп таълимотлар бўлиб қолди. Лекин бу инсондаги табиий жонли жараёнлар аҳамияти ва тарбияси масаласини янада юқори қўтарди.

Психология соҳасида экспериментал



ишларнинг муваффақиятли амалга оширилиши аслида инсон психикаси компьютердан кўра мураккаблиги ва одам англаган маълумотларидан кўпроқ нарсаларни идрок қилиб, қабул қилишнинг исботлади. Масалан, махсус асбоблар ёрдамида аслида одам кўрмаётган, хис қилмаётган жуда кучсиз сигналлар ҳам физиологик реакцияларни келтириб чиқараётганлиги қайд этилди. Масалан, шу нарса аниқланганки, одам кино кўраётганда бир секундда 24 кадрни идрок қилади ва бирор тасвир кўз ўнгига тавалланиди. Психологлар шундай эксперимент қилишди: кунларнинг бирида ўзига хос тасвир намоён этилди. 24 та кадр ўрнига 25 кадр бериб, ўша 25-кадрда «Кока - кола ичининг» деган ёзув берилди. Табiiй, оддий идрок бу битта кадрни илгмайди. Лекин кинотеатр буфетида ушбу ичимликни ичиш кадрдан кейин 18 фоизга ошган. Демак, аслида онг бу маълумотни қабул қилган, лекин реал англаш, ойдинлашув рўй бермаган экан.

Аналогик ҳолат хотирамизда ҳам тез-тез рўй беради. Кимндир учратиб қоламизда, ўйланамиз: каярда кўрган эканман? Ҳеч эслолмайсиз, лекин юзи, кўзи ва бошқа сифатлари танишдай. Бунни ҳам шундай изоҳлаш лозимки, одам кўрган-кечирганлари аслида миёда сақланади, биз онг соҳасига айримларининггина чиқара оламиз. Фақат, касал бўлиб ёки бирор нарсадан каттик ташвишта тушганимизда қалпанимизга ҳар хил уй-фигурлар келаверади. Ўшалар аслида бор нарсаларнинг беихтиёр тикланиши.

Онглари маълумотларнинг аслида миамиздагилардан кампигининг асосий сабаби - одам ҳар қандай маълумотни *сарашиб, тиниб қабул қилади*, ўзи учун «ахамиятсиз» деб баҳолаган нарсалар диккат ҳам қилмайди, эслаб қолайди ҳам. У ўз онгида барча мавжуд маълумотни ўзига хос тарзда қайта ишлайди, ўзгартиради. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон ўзига хос ва қайтарилмасдир - индивидуалдир, дейилади. Билиш жараёндаги индивидуаллик сабабларини тушуниш учун энг муҳим билиш жараёнилари билан танишамиз.

8.2. Билиш жараёнилари классификацияси.

Сезгилар ва уларнинг хусусиятлари. Сезгилар тўғрисидаги илмий таълимотларга биноан нарсалар ва уларнинг хоссалари, уларнинг таркибий қисмлари, хусусиятлари, шакллари, ҳаракати бирламчи ҳисобланиб сезгиларнинг ўзи эса ташқи ва ички кўзгатувчиларнинг сезги аъзоларига тавсир этилишининг маҳсулидир.

Инглиз олими Ч.Шеррингтон сезгиларнинг ушбу таснифини беради:

- 1) экстерорецептив сезгилар, яъни ташқи муҳитдаги нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятларини акс эттиришга мослашган рецепторлар.
- 2) интериорецептив сезгилар, яъни инсон ички тана аъзолари ҳолатларини акс эттирувчи сезгилар.
- 3) проприорецептив сезгилар, яъни инсон тана си ва гавдасидаги турли ҳолатларни ва ҳаракатларни муқкуллар билан боғловчи сезгилар.



Чарльз Скотт Шеррингтон
(1857 - 1952)

(англ. *Charles Scott Sherrington*;
нейробиолог.

Нобель мукофоти совриндори¹²⁰

Биринчи туркум сезгиларни кўриш, эшитиш, ҳидлаш, тери-туюш, таъмаза қаби турлар ташкил қилади. Кўриш 380-770 гача миллимикрон диапазондаги электромагнит нурлардан иборат. Эшитиш частотаси 16 дан 20 000 гача бўлган товуш тўлқинларидан иборат. Тактил сезгилари механик кўзгатувчиларнинг тери юзасида тавсири натижасида ҳосил бўлади. Улар учун сезгининг яширин даври 130 миллисекунд, офрик сезгилари учун эса 370 миллисекунд тўғри келади, маза-таъм сезгиси эса тил юзасига тавсир

¹²⁰ <http://www.wikigand.com/tu/>


этилангдан сўнг 50 миллисекунд вақт оралиғида ҳосил бўлади. Кўриш сезгилари бош мианинг орқа бўлагига жойлашган, эшитиш сезгилари эса мианинг тепа бурмасида жойлашган. Тери-туюш, ҳаракат сезгилари мианинг марказий бурмаси орқа қисмида жойлашган.

Идрок ва унинг хусусиятлари. Психологларнинг фикрича, инсон ниманики идрок қилса, уни *фигура ва фонда* идрок қилади. Фигура - шундай нарсалар, уни аниқ англаш, ажратиш, кўриш, эшитиш ва туйиш мумкин. Фон эса аксинча, ноаниқроқ, умумийроқ нарса бўлиб, аниқ объектни ажратишга ёрдам беради. Масалан, гажум бозорда кетаётган таксирда ҳам ўз исми-изми биров айтиб чақирса, дарров ўша тарафга қараймиз. Исм - фигура бўлса, бозордаги шовкин - фон ролини ўйнайди. Бошқача қилиб айтганда, биз бирор нарсани идрок қилаётган пайтимизда уни албатта бирор фондан ажратиб оламиз. Масалан, гул бозорида айнан қил-қизил атиртул сизга ёқиб қолиб, ўшани харид қиласиз, қолган гуллар фондай онгнингиз активига ўтмайди.

Шундай қилиб, *идрок* - бу *биштимизнинг шундай шаклики, у борлиқдаги кўлиб, ҳилма-ҳил предмет ва ҳодисалар орасида бизга айни пайтда керак бўлган объектни ҳосса ва ҳусусиятлари билан яхлит тарзда акс эттишимизни татминлайди*. Яъни, идрокнинг асосида нарса ва ҳодисанинг яхлитлашган образи ётадики, бу образ бошқаларидан фарқ қилади. Идрок ўзига нисбатан соддарок бўлган сезги жараёнларидан ташкил топади. Масалан, олманинг шаклини, хилини, мазасини, рангини сезамиз, яъни алоҳида-алоҳида ҳоссалар онгимизда акс этади. Бу - сезгиларимиздир.

Сезгилар яхлит тарзда идрок жараёнини татминлайди. Лекин олимлар идрокни сезгиларнинг оддийгина, механик тарзидати биллашуви, деган фикрга мутлоқ қаршиллар. Чунки идрок онгли, мақсадга қаратилган мураккаб жараён бўлиб, унда шахонинг у ёки бу объектга шахсий муносабати ва идрокдати фаоллиги асосий роль ўйнайди. Масалан, буни исботи учун кўпинча **Рубин фигураси** тавсия этилади. Унда иккита қора профилъ ок фонда берилган. Бир қарашда айримлар бу расмларга қараб, «Бу - ваза» деб атаса, бошқалар уни бир-бирита қараб турган икки киши юзининг ён томондан кўриниши, деб

таърифлаши мумкин.






Шуниси характерлики, биринчи марта шу расмни кўрган одам уни яхлит идрок қилиб, нима эканлигини *мушушига* ҳаракат қилади, лекин бирор фигурани кўргач, маълум вақтгача бошқасини кўрмай туради. Агар шу идрок даражаси қолса, яъни яна ниманидир кўришни хоҳламаса, у иккинчи фигурани кўрмаслиги ҳам мумкин. Бу биздаги идрок жараёнларининг фаоллигимизга, объектга муносабатимизга бевосита боғлиқлигини кўрсатиб турибди. Иккинчидан, идрок бизнинг қайфиятимизга ҳам боғлиқ. Ташвиш билан йўлакчадан ўтиб кетаётиб, оёғингиз тағидати нарса туғул, рўпарадаги одамни ҳам кўрмай қолганингиз мумкин. Ёки санъат музейида томоша қилиб юрган икки киши бир расмда тамоман ҳар хил нарсаларни, элементларни кўриши мумкин. Яхши қайфиятда, яхши дўстлар компаниясида истермол қилган таом сизга жуда мазалидай туюлади. Агар таъабба бирор фан предметидан қарзор

бўлиб қолса, оч коринга етан ширин таоми ҳам «таътимайди», хатто нима етанини ҳам унутиб қўяди. Ёмон кайфият кўпроқ кора, нурсиз ранглари идрок қилишга мойил бўлса, яхши, кўтаринки кайфият, аксинча, ҳамма нарсани энг ёқимли рангларда «кўради». Бу ана бир бор идрокнинг олдиётигна акс эттириш ёки билгиш жараёни эмас, балки шахсдаги фаол ўстановкаларга боғлиқ бўлган, мантиқан асосланган онгли жараён эканлигини исботлайди.

Идрок қилиш қонунилари. Шахс идрок қилиши жараёнларида хос бўлган бир нечта қонуниятлар психолог олимларнинг ёзган илмий адабиётларда келтирилган, биз уларнинг айримларини белгилаймиз:

А. Фигура ва фоннинг илгариги ҳаракатга боғлиқлиги қонуни. Бу қонуннинг маъноси: одам илгариги тажрибасида бўлган, бевосита тўқнаш келган нарсаларини идрок қилишга мойил бўлади. Агар бирор предметни у илгари фигура сифатида идрок қилган бўлса, демек, кейинги сафар ҳам уни айнан фигуралдай идрок қилади, атар фон бўлган бўлса, табиий, фондай қабул қилади. Бу қонуннинг ҳаётдаги ўрни чет давлатларда борган туристлар тажрибасига таяниб тушунтирилиши мумкин. Ўзбекистонликлар Ер қуրрасининг қайси бурчагида бўлмасин, ўзбек дўпписи ёки атлас кўйлакни жуда тез илғаб оладилар ва суюниб кетадилар ҳам. Ёнидаги шериклари ўзбек бўлса ҳам, айнан дўппили ўзбекни кўриб, кўзлари яшнаб кетади. Бошқа миллат вакиллари, масалан, нигериялик ҳам миллий кўйлагига юрган бўлиши мумкин, лекин ўзбек турист учун бу кийим фон эди, фонлигича қолади ҳам.



Б. Идрокнинг константлиги қонуни. Бу қонун маълум маънода олдинтисига боғлиқ. Яъни бунда ҳам илгариги тажриба катта роль ўйнайди. Маъноси: одам ўзига таниш бўлган нарсаларни ўша хосса ва хусусиятлар билан ўғатарисиз идрок қилишга мойилдир. Масалан, самолёт ичида ўтириб ерга қараганмисиз? Автомобил йўллари, уларда ҳаракат қилаётган машиналар кичкина кўринади, лекин биз уларни ҳозир қичрайиб қолган, деб идрок қилмаймиз-ку? Аслида кўз қорачигимиздаги акс кичкина бўлса-да, уларни ўзимиз «тўғрилаб» алоҳида предметлар сифатида идрок қилаверамиз.


Бу ўринда бир этнографнинг Африкадаги кузатиши ҳақида мисол келтириш жоиздир. У қунарнинг бирида пигмейлар деб атагувчи қабила вакиллари билан бири билан қулоқ ўрмондан чиққан (бу қабиланинг умри қалин ўрмонда ўтади). Рўпарада ййовда сонсиз моллар подаси ўглаб юрган бўлган. Этнограф уларни оддий моллар подаси сифатида идрок қилган, пигмей эса уларни чумолларга ўхшатиб, уларнинг қўлиги ва қичкингидан хайратланган. Олимда идрокнинг константлиги намён бўлган бўлса, унинг шеригида унинг бузилганлиги кузатилган.

Ҳа, товуш эшитилади, лекин маълум вақт ўтгандан сўнг у йўқ бўлиб қолгандай - эшитилмайди. Ёки эксперимент шароитида ёнгиз битта нуктадаги ёруғлик манбаи кўзга таъсир этилиб, кўз ҳам шу нукта билан бир вақтда ҳаракатга келтириб турилганда, 1-3 секунддан сўнг одам ёруғлик манбаини кўрмай қўйгандек. Шунга ўхшаш экспериментлар барча идрок турларида ҳам синалган. Паст оҳангли куй ҳам маълум вақтдан кейин эшитмагандай хисни келтириб чиқаришини синаб кўришингиз мумкин.

Нутқ воситасида ҳадеб бир хил сўзларни қайтаравериш психотерапевтик практикада гипнотик ҳолатни келтириб чиқарувчи омил сифатида ишлатилади. Чунки бир хил сўзлар ҳадеб қайтарилаверса, улар ўзининг маъно - моҳиятини ҳам йўқотади. Масалан, кўчаларда юрадиган «фолбинилар»ни кўрганмисиз? Улар автоматик тарзда айтилган сўзлари аслида уларнинг ўзлари учун умуман маъносини йўқотган («Бахтиндан очайми, тахтиндан очайми?» ва ҳақозо шунга ўхшаш сўзлар). Ҳар қандай ҳаракат ҳадеб қайтарилаверса, «психологик тўйиниш» ҳодисаси рўй беради ва ҳаракатлар автоматлашиб, унинг айрим деталлари умуман онг назоратидан чиқади. Масалан, маҳоратли раққоса ҳар қандай рақста ҳам чиройли, жозибали ҳаракатлар билан ўйин тушиб кетаверади.

Д. Англанганлик қонун. Идрок қилаётган шахс учун фигуранинг анланганлиги, унинг зарурати ва маъноси катта аҳамиятга эга бўлади. Агар биз кузатаётган предмет, эшитаётган нутқ ёки хис қилаётган нарсамиз маъносиз, тушунарсиз, ноаниқ бўлса, биз жуда тез чарчаймиз ва толиқамиз. Масалан, хитой тилини билмайдиган одам шу тилда сўзлашувчилар орасига тушиб қолса, психологик жиҳатдан жуда қийналади. Яъни, *бизга барча нарсаларда бирор маъно ва мазмун керак*. Одам одатда тушунадиган нарсасининггина идрок қилади. Хаттоки, маърузачининг бўлун тушунтираётган маърузасидаги фактлар сезиннг тушунарларингиз ва билим доирангиздан узок бўлса, профессорга қараб ўтирган бўлсангиз ҳам унинг гаплари қулоғингизга қирмайди. Шундай пайтларда «Нима депти ўзи?» деб кўшимчидан сўраб қўямиз ҳам, зеро маърузаси ўша биз учун қадрдон бўлган ўзбек тилида гапираётган бўлса ҳам.

Синаб кўриш учун ўртоғингизга бир нечта сўзлардан иборат қаторни бериңг. Улар орасида мазмунан бир-бирига боғлиқ бўлмаган сўзлар, хаттоки маъносиз (тескарисига ёзилган сўзлар) бўлсин. Орага 2-4 та таниш ўзбек тилидаги сўзлардан аралаштиринг. Бир дақиқа мобайнида қараб, эслаб қолганини қайтаришни сўрасангиз, ўша 2-4 та сўзлардан бошқаларни деярли «кўрмаганингиз» туюхи бўласиз.



Е. Тахминларни текшириш жараёнида идрок қилиш. Биз идрок жараёнида илгарити тажрибоба таянганимиз билан кўпинча адашамиз, баъзан эса ўзимиз учун янгиликлар очиб, тажрибани янада бойитамиз. Илгарити тажриба ва келажақни башорат қилиш инсонга хос хусусият бўлиб, бизнинг сезги органларимиз орқали келадиган маълумотларнинг қўлами ва имкониятларини янада оширади. Шу нуктаи назардан олиб қаралганда, *идрок - инсоннинг муҳит тўғрисидаги тахминларининг асос қилишига қаратилган фалол жараёндир*.



Одам кўрган, хис қилган ва эшитган нарсаларининг жуда оз

миклорингитина эслаб қолади. Мавлӯм бўлишича, бир вақтнинг ўзида одам онгида 7 тадан ортиқ белгига эга бўлган мавлӯмотнинг қолиши кийин экан экан. Бў еттига сўз, сон, белги, нарсанинг шакли бўлиши мумкин. Агар телефон рақамлари 8 та белгилари бўлганда, уни ёдда сақлаш анча кийин бўларкан. Демак, онтнинг танловчанлиги ва мавлӯмотларни саралаб, териб ишлатиши яна бир психик жараёни - хотирани билишимиз лозимлигини билдиради.

Одатда биз бирор бир материални ўқийдиган бўлсак, уни ҳеч бир ўзгаришсиз эслаб қолишга ҳаракат қиламиз. Лекин ажабланирлиси шундаки, борган сари материал мавлӯм ўзгаришларга юз тутиб, хотирада дастлабки пайтдагисидан бошқачарок бўлиб сақланади. Бавзи бир материал ёки мавлӯмот хоҳласак ҳам хотирадан ўчмайди, бошқаси эса жуда каттик хоҳласак ҳам керак пайтда ёдимизга туширолмаймиз. Бў каби саволлар, инсон билиш жараёнларидаги энг муҳим саволлар бўлиб, барзан ўз тараққийтимиз ва камолатимизни ҳам ана шундай омишларга боғлатимиз келди.

Мавлӯм бўлишича, инсон мияси ҳар қандай мавлӯмотни сақлаб қолади. Агар шу мавлӯмот бирор сабаб билан одамга керак бўлмаса, ёки ўзгармаса, у ондан табиий тарзда йўқолади. Лекин ҳар доим ҳам бизнинг профессионал фаолиятимиз манфаатларига мос мавлӯмотларни эсда сақлаш жуда зарур ва шунинг учун ҳам кўпчилик атайлаб хотира тарбияси билан шуғулланади.

Х о т и р а - бу тажрибамизга алоқадор ҳар қандай мавлӯмотни эслаб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш ва унуттиш билан боғлиқ мураккаб жараёндир. Хотира ҳар қандай тажрибамизга алоқадор мавлӯмотларнинг онгимиздаги аксидир.



Хотира - таъбабаларнинг билишга оид билимининг асосий хусусияти ҳисобланади. Хотира – жиддий равишда юқори ишлов бериш ва шакллантириш интирати, дискрет сақлаш жойи эмас. Балки, хотиралар яшрин шаклда жойлашганлар, токи уларга кириш ҳуқуқини олмагунча¹²¹.

Инсон хотирасининг яхши бўлиши, яъни хис-кечинмаларимиз, кўрган - кечирганларимизнинг мазмуни тўларок миямизда сақланиши куйидаги омилларга боғлиқ:

■ эсда сақлаб қолиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг якунланганлик даражасига;

■ шахснинг ўзи шуғулланаётган ишга нечоғлиқ қизиқиш билдираётганлиги ва шу ишга мойиллигига;

■ шахснинг бевосята фаолият мазмуни ва аҳамиятига муносабатининг қондирилигига;

■ шахснинг айни пайтдаги қайфиятига;

■ иродавий қучи ва интилишларига.

Баъзи одамларнинг хотирасига хос жиҳатлари тўғма деб аташади. Тўғри, олий нерв тизими, унинг ўзига хос ишлаш хусусиятлари хотиранинг ўзига хос индивидуал услубини белгилаши мумкин. Лекин ҳаётда кўпинча шахсининг билиш жараёнлари ва сезги органларининг ишлаш қобилиятларига боғлиқ тарзда ажралиб турадиган типлари ҳақида гапиришади. Масалан, айрим одамлар кўрган нарсаларини жуда яхши эслаб қолади, демак, уларнинг *хотираси кўргазмали-оброзли* бўлиб, кўзи билан кўрмагунча, нарсанинг моҳиятини тушунайди ҳам. Бошқалар эса ўзгача фикрлаб, номини айтиб, мавҳум тарзда тасаввур қилмагунча, эслаб қолиши кийин бўлади. Бундайлар сўз - *мантикий хотира* типни вакилларида. Яна бир типли одамлар бевосита хис қилган, «юратигдан» ўтказган, унда бирор ёрқин эмоционал образ қолдира олган нарсаларни яхши эслаб қоладилар, бу - *эмоционал хотира*дир. Лекин яна бир хотира эгалари борки, уларни *феноменал хотира* соҳиблари деб аташади. Психологияга оид китобларда ана шундай хотирага эга бўлган кишилар тўғрисида кўп ёзилган. Бу шундай кишиларки, улар бир вақтнинг ўзига нисбатан жуда катта ҳажмдаги маълумотларни эсда сақлай олади ва эста туширади. Масалан, тарихий шахслар орасида Юлий Цезарь, Наполеон, Моцарт, Гаусс, шахмат устаси Алехин каби инсонлар хотираси ана шундай ноёб бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор.



Цезарь

Наполеон

Моцарт

Гаусс

Таниқли, рус психологи ва нейробиолог А.Р. Лурия ҳам ана шундай

хотира соҳибларидан бири - асли касби журналист бўлган Шерешевский деган шахс хотирасини атайлаб узоқ вақт мобайнида ўрганган. Унинг хотираси шундай эдики, Дантенинг «Илохийлик комедияси»дан олинган узундан-узоқ парчадан бир марта қараб олгандан сўнг, 15 дақиқадан сўнг сўзма-сўз айтиб бера олган. Шуниси характерли эдики, комедия унга нотаниш бўлган итальян тилида ёзилган эди. Кўпчиликни қандай қилиб яхши, муштахкам эсда сақлаб қолиш мумкинлиги кизиктира, Шерешевский учун қандай қилиб унуттиш масаласи мураккаб эди. Уни хотира образлари доимо қийнар, кўрган нарсалари кўз олдида гавдаганаверар эди. Қандай қилиб эслаб қоласиз? деган саволга у шундай жавоб берган: мен «материални» ўзимга таниш ва сезимли бўлган Москва кўчаларига жойлаштираман. Бир марта бир материалнинг бир бўлаги ўша «кўчанинг» салқин тушган ерига тушиб қолиб, эста тушириши анча қийин бўлган экан. Шунга ўхшаш ҳар бир феноменал хотира эгаларининг ўзига хос эслаб қолиш услублари бўлар экан.

Шотландиялик математик А. Эткин 1933 йили 25 та бир-бири билан боғланмаган сўзлардан иборат икки каторни эслаб қолиб, ҳеч бир ҳатосиз уни 27 йилдан кейин эста тушира олган. «Қилич ва қалқон» кинофильмидаги рус разведчиги И. Вайснинг нацистлар томонидан режалаштирилган биринчи набатда батмом йўқ қилиниши лозим бўлган объектлар - шифрлари билан кўрсатилган рўйхатини бир қарра кўриб чиқиб, бир неча дақиқадан сўнг эста туширганлини эсланг. У ҳам гуёки, кўриб тургандай ўша рўйхатларни қайтадан ўқигандай, тақрорлайди. Тарихда бундай кишилар бор ва улар бизнинг орамызда ҳам йўқ эмас. Мухими шундаки, ана шу феноменал хотирани шахс ва жамият манфаатига мос тарзда унумли ишлата билишдир.

Эсда сақланган маълумотни хотирадан чиқариб олиб, қайта тиклаш ҳам муҳим муаммо. Чунки кўпинча биз хотирамызда кечганина ўқиган ёки иккидагина ўқитувчимиз айтиб берган маълумотнинг борлигини биламиз-у, лекин керак вақтда уни эста тушира олмаймиз. Маълумотни хотирадан чиқариб олиш омилларига қуйидагилар қиради:

Математикнинг англисчилиги. Биз ўзимиз тўла англаган, тушулган

нарсаларни оsonрок эста туширамиз. Масалан, алфавитни жу да оson эста туширамиз, ёки 1, 2, 3, 4 ва хакозо тартибли сонларни бир кўргандан сўнг у миллионгача бўлса ҳам эста туширишимиз сирам кийин эмас. Лекин шу сонлардан бор йўғи 7 - 8 тасини тескари ёки аралаш тартибда ёзилган бўлса, уларни эста тушириш анча мушкул бўлади. «Психология» ёзувини эста тушириш жу да оson, лекин «и п н о х о я с л г» харфлари тўплами айнан ўша харфлардан иборат бўлса ҳам сира эста тушира олмаيمиз. Демак, материални яхшилаб эста саклаш ва эста тушириш учун уни тушуниш ва англаш керак. Мазмунини ва мохиятини тушунган холда иложи бўлса, ўзимиздаги кизикишларга боғлай олишимиз керак.

Кутимлаган маълумот. Кутимлаганда пайдо бўлган янги ва яхши маълумот ҳам яхши эста тушади. Масалан, сонлар каторида берилган битта харф, ёки аксинча, харфлар орасидаги битта сон, узун жумлалар орасида пайдо бўлган киска жумла эста тезроқ ва аниқроқ тушади. Бунинг олдий сабаби - биз кутимлаганда пайдо бўлган маълумот ёки нарсата хайратланамиз, жонли эмоциялар билан жавоб берамиз, бу эса яхши эслаб қолишта ва керак бўлганда, ёрқин тиклашта асосдир.

Маълумотнинг мазмун ёки шакл жиҳатидан бир-бирига яқинлиги. Масалан, атар кўплаб бир-бирига боғлиқ бўлмаган сўзлар орасида «эркак» ва «аёл» сўзлари пайдо бўлган бўлса, биттасининг эста туширилиши иккинчисининг ҳам эста тикланишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ўкув режасига киритилган барча фанлар шундай бирин-кетинликда берилдики, бирини ўзлаштириш иккинчисининг ҳам ўзлаштирилиши, бир - бирини тўлдирлишта хизмат қилсин.

Эста саклаш вақти билан эста тушириш вақти ўртасидаги фарқ. Одамда берилган маълумотни идрок қилиш ва шу орқали эста саклаш вақти канчалик кўп бўлса, эста тушириш ҳам оsonроқ бўлади. Шунинг учун ҳам узок муддатли хотирада сакланган инфорация узок вақт мобайнида, кўпинча бир неча марта қайтариб берилади, киска муддатлида эса бир марта, киска фурсатда берилади ва шу нарса эста тушириш керак бўлганда, тикланмайди. Масалан, бирор текстни компьютерга киритиш учун ўроғиниғизга бериб, кейин

нималарни киритганини сўранг. Жавоб аниқ: «Эсимда йўқ». Ўрни маълумотнинг умумий мазмунни ёлда қолса ҳам, асосий тушунчалар ва мохият эста қолмайди.

Шундай қилиб, хотира фаол жараён бўлиб, у шахсининг у ёки бу турли маълумотлар билан ишлаш малакасига, унга муносабатига, материалнинг кимматини тасаввур қилишга бевосита боғлиқ бўлади. Энг характерли нарса шуки, инсон фақат эшитган маълумотининг 10 фоизини, эшитган ва кўрган нарсасининг 50 фоизгачасини, ўзи фаол бажарган ишларининг деярли 90 фоизини ёлда саклайди. Бу кўплаб психологик экспериментларда исбот қилинган. Шахсининг ўзи уйлаб топиб, ўзи бевосита бажарган ишлари жу да оson эста тушади. Бу ҳодиса психологияда *генерация эффекти* деб аталади. Агар талаба ёки ўқувчи ҳам ўзи бирор теоремани мустақил равишда исбот қилган бўлса, ёки бирор ҳулосата мустақил равишда қелолган бўлса, ўқитувчи тушунтирган ҳодисата яқин нарса тўғрисида ўртоқларига сўзлаб берган бўлса, албатта уни хоҳлаган пайда оsonгина эста туширади. Шунинг учун ҳам охирги пайтларда ўйин методлари, мунозара методларидан ўкув жараёнида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Ҳаттоки, катталарни киска фурсатда ўқитиш ва малакаларини оширишда ҳам турли хил амалий ўйинлардан, ижтимоий психологик тренинглардан фойдаланишнинг маъноси ҳам шунда - яхши ва тез эслаб қолиш ҳамда самарали эста тушириш. Иктисодий ўқувларда турли хил «кейс-стади» ларни таҳлил қилиш ва ўз нуқтаи назарча мабул ҳаракат шакллари қарорлар қабул қилиш ҳам мутахассислар малакасини оширишга самарали таъсир кўрсатади.

ХОТИРАНИНГ КОНУНЛАРИ. Шахс ўз хотирасини яхшилаш истаги бўлса, у холда хотиранинг саккиз конунини эслаб қўйишни тақлиф этамиз:

1. **Англаганлик конуни.** Олдий, лекин мураккаб конун, яъни берилган материални канчалик чуқур англавасак, шунчалик уни мустаҳкам хотирада муҳрилаган бўламиз.

2. **Кизикиш конуни.** Анатолий Франс: «Билимларни яхши хазм қилиш учун уни иштаха билан ютиш керак» деганда, албатта, материалга жонли кизикиш

билан муносабатда бўлишимиз, ва уни яхши кўришимиз кераклигини назарда тутган.

3. Илгариги билимлар конуни. Мавзум мавзу юзасидан билимлар канчалик кўп бўлса, янгисини эсда сақлаб қолиш шунчалик осон бўлади. Масалан, илгари ўқитган бирор китобни қайтадан ўқиб, уни янгидан ўқитгандай хис қилсангиз, демек, сиз илгариги тажрибангиз етишмаганингиздан уни яхши ўзлаштира олмаганингизни хис қилишингиз мумкин. Демак, эски билимлар ҳам тажрибага айлангандагина, янгиларига замин бўла олади.

4. Эслаб қолишга тайёрлик конуни. Бирор материални эслаб қолишдан аввал, бўлгуси ақлий ишга қандай ҳозирлик кўрган бўлсангиз, шунга мос тарзда эслаб қолсангиз. Масалан, физика ўқитувчисининг барча дарслари сизга доимо маъқул бўлган бўлса, Сиз: «Бугун ҳам янги нарсга ўрганиб чиқаман», деб ўзингизни ишонтирасиз ва оқибатда натижа ҳам яхши бўлади. Ёки вақтга нисбатан тайёрлик ҳам шундай. «Бир амаллаб имтиҳон топишсам, кейин кутулман», деб дарсга тайёрланган бўлсангиз, имтиҳон тугатгач, тўғри миёнгиани биров «новий кўйгандай» тасаввур ҳосил бўлади. Агар материални мутахассис бўлишим учун жуда керак, деб умрингиз охиригача муҳимлигини ангадсангиз, у нарсга хотирада муҳим сақланган.

5. Ассоциациялар конуни. Бу конун ҳақида эрамиздан аввал Арасту ҳам ёзган эди. Конуннинг моҳияти шундаки, бир вақтда шаклланган тасаввурлар хотирада ҳам ёнма-ён бўлади. Масалан, айни конкрет хона ўша ерда рўй берган ҳодисаларни ҳам эслатади.

6. Бирин - кетинлик конуни. Ҳарфларни алфавитдаги тартибда ёлдан айтиш осон, уни тескарисига айтиш қийин бўлгандек, хотирада ҳам маълумотларни маълум тартибда жойлаштиришга ва керак бўлганда, тартиб билан бирин-кетин тиклаш мақсадга мувофиқдир.

7. Кучли таассуротлар конуни. Эслаб қолинадиган нарсга тўғрисидаги биринчи таассурот канчалик кучли бўлса, унга алоқадор образ ҳам шунчалик ёрқин бўлади. Бундан ташқари, сиз учун аҳамиятли ва жозибали маълумотлар


оқимида эсланаётган материал ҳам яхши эсга туширилади.

8. Тормозланган конуни. Ҳар қандай муайян маълумот ўзидан олдинги маълумотни тормозлайди. Шунинг учун унинг ўчиб кетмаслиги учун янгини эсда сақлашдан аввал мустаҳкамлаш чораларини кўришингиз керак.

Демак, яхши кучли билимларга эга бўлиш учун ҳар бир предмет ёки фаннинг мавзуларини ўзига хос тарзда ёқтира олиш ва хотирада сақлаш услубларини ишлаб чиқишингиз керак экан. Лекин албатта, математика фанидан кейин физикани, тарихдан кейин адабиёт фанини, шеър ёдлашни уйқу олдидан амалга оширмаслиқни маслаҳат берамиз.

Қолдир. Биз эслаймиз ва хотирамизни аҳамиятли нарсаларни қолдир учун мойил деб биламиз. АҚШ тангаларининг турли тасвирларига қаранг. Қайси бири эканлигини айтиб бера оласизми?

«Ҳақиқий» тангани аниқлаш мумкинми? Биз тез-тез уларни кўриб ҳам, муҳим бўлмаган нарсаларни ёмон хотирага мойил эканлигини билиб олдик. Бизнинг хотирани ривожлантириш учун бир йўл - яхшироқ қолдир стратегияларидан фойдаланиш ҳисобланади (Краик & Локхарт, 1972; Харрис & Куалс, 2000)¹²³.



Ҳар хил услубдаги тангалар¹²⁴


Самарасиз қолдир ёки қолдир етишмовчиллиги хотира етишмовчиллиги ва одамларда унутилишнинг муҳим сабабидир. Агар хотиралар ўртасида тўғри бирлашма тузсангиз, масалан, сиз қачон бир хотирани олиш мумкин бўлмайди деб олинг. Агар туркумдаги кимнингдир номи қолданган бўлса, "меннинг синфимдаги одамлар," сиз озик-овқат дўконидан уларни кўрганингизда уларнинг

¹²³ Charles Stangor. Introduction to Psychology. 2011. 144-145-p.

¹²⁴ Charles Stangor. Introduction to Psychology. 2011. 144-p.

шаҳсини аниқлашга эга бўлмаслигини тез мушкил. Агар психология учун номиларни ёки таърифлар ўрганишга ҳаракат йўлларини муҳим деб олсак, бу бизга қолганини қачон фойдали бўлаётганларга қўйиш ёки маълумотни ёд олиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Хиссий хотира¹²⁵ - хотира соҳасида фундаментал маълумотларни қисқача сақлашни аниқлатади. Хиссий хотира фақат жуда қисқа давом этаётган хотиранинг бир тури ҳисобланади. Визуал хиссий хотира хиссий хотира бир тури ҳисобланади. Хиссий хотира биринчи бор психолог Сперлинг (1960) томонидан ўрганилди.



Унинг тадқиқотида асосан иштирокчиларга ўхшаш каторда ҳарфлар бор экран кўрсатди. У фақат 50 миллисекундларда (иккинчи 1/20) 12 ҳарфдан иборат тасвирни кўрсатди. Сўнгра, Сперлинг унинг иштирокчиларини эслади барча ҳарфларга исм берилган тест-синовини берди. Ўртача, иштирокчилар кўрган ҳарфларнинг фақат бир-чорак қисmini эслади.

Сперлинг иштирокчилари ҳамма ҳарфлари кўрган билар эди. Лекин у фақат тўрт хотирата тушиши мумкин, чунки улар барча ўн икки хотира учун етарли вақт берди, деб айтиш мумкин. Ўн икки ҳарфдан кейинги сурат тез сўнди ва Сперлинг баъзи иштирокчилари, барча ҳарфлар бирдангина ғойиб бўлган визуал тасвирни маълум қилди. Сперлинг бу тасвирни уни ҳабар қилиш

билан ҳар бир иштирокчининг ёдида мавжуд, деб далил излаб қарор қилди. Ҳар бир иштирокчи учун (тўрт уч сатр) ўзининг кейинги тажрибасида у биринчи ўн икки хатни кўрсатди. Бунинг учун экран олиб ташланди ва сўнг, у тез фақат биринчи, иккинчи, ёки учинчи сафда хат ҳақида ҳабар бериш учун иштирокчиларига ишора қилди. У экраннинг (юқори, ўрта ёки қуйи) ҳар бир сатр учун, бир оҳанг (юқори, ўрта ёки паст) тақдим этди. Бу ҳолатда, иштирокчилари, муайян кетма-кетликда деярли барча ҳарфларни маълум қилди.

Ушбу топилма Сперлингнинг сертаклигини тасдиқлади: қатнашчиларнинг ўзларининг (визуал) хотирасидаги барча ҳарфларини ишлатишга руҳсат бор эди. Экраннинг сурати ва оҳанги тақдим этилгач, улар ўртасидаги вақт узлиши етарлича қисқа бўлса, улар уни хотира кўринишида сўнганлигини кўришди. Сперлинг экраннинг сурати ва оҳанги тақдим ўртасидаги кечиктишни Х секундида тахминан қаттарок деб ўйлаган бўлса, бутун тасвир кўринишида аста сўнган деб топишган, иштирокчи ҳар қандай ҳарфларни бир неча марта эслади. Шундай қилиб, биз хос хиссий хотира давомийлигини Х секунда деб тахмин қилишимиз мумкин. (1960) Сперлинг бундай сония фақат 1/20 учун унинг иштирокчиларига экранларни кўрсатди. У ҳарфлар уч қатор бирини ҳисобот учун иштирокчиларини синати, улар олдида дисплейни олиб ташлади ва қўл ўтмай берилган бўлса ҳам, буни мумкин деб топди. Тадқиқот хиссий хотира борлигини кўрсатди.¹²⁶

Шундай қилиб, шахс турли ижтимоий муносабатлар тизими таъсирида бўлади ва кўплаб ижтимоий институтлар (оила, маҳалла, ўқув масканлари, меҳнат коллективлари, норасмий ташкилотлар, дин, санъат, маданият ва бошқ.) билан боғлиқ бўлади. Масалан, шахслар турли ғойлар, фикрлар ва маффура маффуравий муносабатлар тизими таъсирида шаклланиб, улар бевосита оила, боғча, мактаб, бошқа ўқув ва тарбия муассасалари орқали онга сингдирилади. Агар бу таъсир унинг эътиқоди даражасида кўтарилса, ва унда яна янгидан - янги фикрлар ва ғойларнинг пайдо бўлиши, ўсишига олиб келса, шахс

таракқиёти жараёнида шундай фаолит соҳасини танлайдики, ўз қобилиятлари, малака ва кўникмаларини ривожлантира бориб, зиёли сифатида ё ўқитувчи, ёки ирарч, ёки олим, кашфиётчи, муҳандис бўлиб, элу - юртига хизмат қилад.

Иқтисодий муносабатлар ҳам шахс онги ва унинг инсоний ҳуқуқиятлари шаклланишида катта роль ўйнайди. Масалан, бошқача - бошқача бозор муносабатларига ўтаётган Ўзбекистон шароитини оладиган бўлсак, янгича иқтисодий ўзгаришлар, бозор, рақобат, легализация ва шунга ўхшаш ангилликлар ҳар бир шахснинг моддий бойликлар ва уларга бўлган шахсий муносабатларида акс этиб, унинг иқтисодий онги, тафаккури ва иқтисодий ҳуқуқи нормаларини белгилайди.

Шахсни тушуниш энг муҳим психологик ёндашувлардан бири бўлиб, Австрия психолог ва руҳшуноси Сигмунд Фрод (1856-1939) нинг кўрсатмаларига асосланган, у бутун шахсиятни тушуниш учун қандай психодинамик ёндашувдан фойдаланиш ҳақидаги назарияга асос солган¹⁵³.

Психодинамик ёндашув инсоннинг хатти-ҳаракати беҳуш фикрлари, хис-туйғулар ва хотиралар ролга қаратилган. Унинг иши, психологтаси ҳақида, бизнинг қундалиқ фикрлашимизга улкан таъсир кўрсатади, чунки жуда кўп одамлар Фрод ҳақида билдилар ва психодинамик ёндашув энг муҳим ёндашувларни психологик даволаш учун биридир (Родуинеско, 2003; Тейлор, 2009). Фрод, Эхтимол, энг яхши, чунки унинг таъсирчан кузатиш доирасида, барча психологларга маълум шахсиятни тахлил қилган. Унинг 24 томлик асарлари бор. Барча назариялар ҳақиқий бўлгани каби, Фроднинг бунёдкорлик ғойлари қисман нотўғри бўлиб чиқди ва ҳали унинг назарияси ва бошқа жиҳатлари психологига таъсир этмаган¹⁵⁴.

Фрод француз невропатологи, биринчи навбатда, аёл беморларни интервью қилган Жин-Мартин Чаркотнинг (1825-1893) ишидан таъсирланган эди.¹⁵⁵ Деярли бу беморларнинг ҳаммаси кейин жазаво деб аталган нарсани бошдан кечирган эди. У энди шахси ва сурункали оғрик, беҳушлик, жохилик

¹⁵² Charles Stangor. Introduction to Psychology. 2011. 284 p.

¹⁵³ Charles Stangor. Introduction to Psychology. 2011. 266 p.

¹⁵⁴ Charles Stangor. Introduction to Psychology. 2011. 266 p.

¹⁵⁵ Charles Stangor. Introduction to Psychology. 2011. 266 p.

ва фалаж киритилган жисмоний аломатлар мажмуи сифатида юритилган пайтда психологик бузуқлик, жазавата тушпни тасвирлаш учун ишлатилади.

Чаркот белгилари учун ҳеч қандай биологик сабабни топиш мумкин эмас. Чаркот гипноздан фойдаланиш билан тажриба ўтказди, (Долницк, 1998). Фрод ва Чаркот ҳам гипноз давомида травмати эслаб қолиш кўпинча катарсис сифатида танилган хиссиётларга қўйилиши билан бирта деб толиди ва, катарсис қўйидаги беморнинг аломатлари тез-тез жиддийлигининг кискартилишига олиб келди. Ушбу кузатув давом этди ва бу касалликлар, психологик ўрнига физиологик омиллар сабаб бўлди, деб хулоса қилишларига олиб келди.

Фрод Чаркот шахсият ва ҳулқ манбалари ҳақида ўз назариясини ривожлантириш учун қилган кузатувларидан ишлатди, ва унинг тушунчаси психодинамик ёндашув асосий мавзулар маркази бўлди. Ҳоҳиши жиҳатидан, Фрод, биз ўз хатти-ҳаракатларимизни назорат қилиш имконига эга бўламиз дейди. Аксинча, у барча беҳуш хатти-ҳаракат бизнинг тушунчамиз ташқарисиди ётади ва ниятларимиз томонидан олдидан белгиланган, деб ишонган. Бу қучлар бизни гипноз остида эса, бундай обессия қаби невротик белгилар сифатида, бизнинг тушлар ўзларини кўрсатиши ва Фродча назарияда одамлар тилида ўз беҳуш истакларини ошкор бўлган "тидан сингб қиради"¹⁵⁶. Фроднинг бахслашишича, албатта, нима учун биз тушунтиришлар ташқил қилиш мумкин бўлса-да, биз камдан-кам ҳолларда, тушунш деб таққилаймиз. Аслида кейинги юриш-туриш, Фрод учун онг қўлаб ниятларимиз билан, айбери қаби беҳуш бўлиб биз ҳабардор бўлган анилашга нисбатан, балки, кўз олдидан жуда катта бўлган бўларди¹⁵⁷.

¹⁵⁶ Charles Stangor. Introduction to Psychology. 2011. 267 p.
¹⁵⁷ Charles Stangor. Introduction to Psychology. 2011. 267 p.
246

Онгни мия ўз ичига сиз бутунла ҳабардор бўлган ва бутунли қунда қайта ишлаш мумкин бўлган фикр ва хотираларни ўз ичига олади. Ҳушдан олдиди онгли фикрлар ва факт онгли идрок юзаси остида ва осонлик билан ўтиш мумкин бўлган хотиралардан иборат. Фроднинг фикрча, беҳуш онгдан ташқариди ҳабардорлик тез ўтиши мумкин эмас.




Figure 8.2 The Unconscious Source

Расм. Беҳушлик¹⁵⁸

Фрод онг уч қисмга бўлинган деб тақриф қилган: шахсият, ҳудбинлик ва суперэго¹⁵⁹ (Фрод, 1923/1943). Фродча назариясига кўра, шахсият бизнинг энг ибтидий импулсларимиз асосини ташқил этиб тарқибий қисм ҳисобланади. У бутунлай беҳуш ва жинсий йўлка (либидо) ва тажовузор ёки ҳалоқатли йўлкани (Тханатос), шу жумладан, бизнинг энг муҳим фикрларимизни ҳайдайди. Фрод фикрча, шахсият, бизнинг жинсий ва агресив жадаллаштиришни дарҳол қондириш учун завқ тамойили-истати билан боғлиқ. Биз кўпинча янада самарали фаолиятни юритиш ҳисобига, бизнинг нега спирити иччимлик ичинимиз, ситарет чекишимиз ва порнография кўришимиз, одамлар ҳақида ўртача ҳазиллашимиз ва бошқа қизикарли ёки зарарли ҳулқ билан шуғулланишимизни асослайди.

Шахсият учун аксинча, суперэго ахлоқ ва фикрлар ҳиссини ифодалайди. Суперэго бизга барча биз керак эмас деб билган нарсаларни ёки бурчларини ва жамият мажбуриятларини айтиб беради. Суперэго тақомиллаштириш учун интилади ва биз унинг талабларини имкон қадар яшаш учун муваффақиятсиз бўлса, биз ўзимизни айбдор ҳис қиламиз.

¹⁵⁸ Charles Stangor. Introduction to Psychology. 2011. 267 p.
¹⁵⁹ Charles Stangor. Introduction to Psychology. 2011. 267 p.
247

Завқ тамойили ҳақида шахсиятдан фарқи ўларок, худбинлигининг вазифаси электр манбаига тегишли вақтгача бизнинг асосий ниятларимизни қондиришни кейинга қолдириб туришимиз керак деган ҳақиқат тамойили-ғоясига асосланган. Худбинлик асосан онгли текширув ёки шахсият тўғрисида қарор қабул қилади. Худбинлик шахс истаклари ва суперэго мавжуд жамият чекиловлари ўртасидати воситачи бўлиб хизмат қилади. Биз, бакириб қичқиришимиз ёки уришимиз мумкин ва ҳали бизнинг худбинлик одадига, кутуш, акс эттириш ва янада тегишли жавоб танлашни айтади¹⁶⁰.


9.2. Индивидуал типология хусусиятлар классификацияси

Юкорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир шахс ўзига хос қайтарилмас дунё. Дунёда бир-бирига айнан ўхшаш бўлган икки кишини топиш жуда мушкул. Одам ташки қиёфаси, бўйи-баста билан бошқа бирор кимсга ўхшаш мумкин, лекин феъли, мижози ва шахс сифатидаги хусусиятлари нуктаи назардан айнан бир хил инсонлар бўлмайди. Ҳаттоки, олимлар битта туҳумда ривожланган этизақларда ҳам жуда кўп жиҳатдан айнан ўхшашлиқни қайд қилишан, шахсий сифатларидани корреляцияда эса баъзи тафовутлар аниқланган.

Шахс - қайтарилмас, у ўз сифатлари ва борлиги билан ноёбдир. Ана шу қайтарилмаслик ва ноёблигининг асосида унинг индивидуал-психологик хусусиятлари мажмуи ётади. Шу ўринда биз юкорида таъриф берган шахс тушунчаси билан ёнма-ён ишлатиладиган ана икки тушунчага изох бериш ўринли деб ҳисоблаймиз¹⁶¹. Бу - «индивид» ва «индивидуаллик» тушунчаларидир. «*Individuo*» тушунчаси умуман «одам» деган тушунчани тўлдириб, унинг ижтимоий ва биологик мавжудот сифатида мавжудлигини тасдиқлайди ва уни бир томондан, бошқа одамлардан фарқловчи белги ва

хусусиятларини ўз ичига олади, иккинчи томондан, ўзига ва ўзига ўхшашларга хос бўлган умумий ва характерли хусусиятларни қамраб олади. Демак, индивид - инсонга алоқадорлик фактини тасдиқловчи илмий категориядир.

«*Индивидуаллик*» - юкоридаги иккала тушунчага нисбатан торроқ тушунча бўлиб, у конкрет одамни бошқа бир конкрет одамдан фарқловчи барча ўзига хос хусусиятлар мажмуини ўз ичига олади. Шу нуктаи назардан шахс тизимини таҳлил қиладиган бўлсак, шахснинг индивидуаллигига унинг қобилиятлари, темпераменти, характери, иродавий сифатлари, эмоциялари, ҳулқига хос мотивация ва ижтимоий ўстановқалари қиради. Айнан шу қайд этиб ўтилган категориялар шахсдаги индивидуаллиқни таъминловчи категориялардир. Унинг маъноси шундаки, бўйи, эни, ёши, сочининг ранги, кўз қарашлари, бармоқ ҳаракатлари ва шунга ўхшаш сифатлари бир хил бўлган инсонларни топиш мумкин, лекин характери, қобилиятлари, темпераменти, феолият мотивацияси ва бошқаларга алоқадор сифатлари мажмуи бир хил бўлган одамни топиб бўлмайди. Улар - индивидуалдир.



Қобилиятлар - шахсдаги шундай индивидуал, турғун сифатлари, улар одамнинг турли хил феолиятдаги кўрсаткичлари, ютуқлари ва қийинчиликлари сибабларини тушунтириб беради.

Темперамент - инсоннинг турли вазиятларда нарс, ҳодиса, ҳолатлар ва инсонларнинг ҳатти-ҳаракатларига нисбатан реакциясини тушунтириб беришчи хусусиятлари мажмуидир.

¹⁶⁰ Charles Stangor. Introduction to Psychology. 2011. 267 p.

¹⁶¹ Magnusson, D. Individual development: holistic, integrated model. In: Examining in context. Perspectives on the ecology of human development. Washington, D.C.: APA, 2009. pp. 19-60.

Характер - шахсинг алохида инсонлар ва инсонлар гуруҳи, ўз-ўзига, вазиятлар, нарсалар ва ҳодисаларга нисбатан муносабатларидан ортирадиган сифатларини ўз ичига олади.

Иродивий сифатлар - ҳар биримизнинг ўз олдимизга мақсад қўйиб, унга эришиш йўлидаги қийинчиликларни енгишимизни таъминловчи маълум сифатларимиз мажмуини ўз ичига олади.

Эмоциялар ва мотивация эса атрофимизда содир бўлаётган ҳодисалар, бизни ўраб турган одамлар ва уларнинг ҳатти-ҳаракатларини руҳан қандай қабул қилиб, уларга билдирадиган хиссий муносабатларимизни билдирувчи сифатларимиз бўлиб, улар айни вазиятлардаги реал ҳолатларимиздан ва уларнинг онгимизда акс этишидан келиб чиқади.

Икстишмоий установка - юкоридати барча хусусиятлар комплексига эга инсоннинг турли иктимой вазиятлардаги фаолият ва ҳаракатларга руҳан ҳозирлиги ва муносабат билдириш услубидан келиб чиқаётган чуқур ички ҳолатидир.

Биз юкориди санаб ўтган индивидуал-психологик хусусиятларнинг аҳамияти катта. Улар бизнинг жамиятдаги ўрнимиз, обрў-эътиборимиз, ишдаги ва ўқишдаги ютуқларимиз, инсон сифатидати кифомизни, ким эканлигимизни, керак бўлса, ўзлтимизни белгилайди. Ким билан каерда учрашмайлик, ўша инсоннинг бутунлиги ҳолати, қайфияти, бизга ва биз билдираётган фикрларга муносабати, ҳамкорликда ишлаш тилак-истакларига доимо эътибор берамиз ва бу масала биз учун муҳим бўлади. Худди шундай суҳбатдош ҳам суҳбатнинг бошиданок, бизни ўргана бошлайди. Чунки агар суҳбатдошлар бир - бирларини билсалар биргаликдаги фаолиятни самарали ташкил этиш ва ундан фойда олиш имконияти кўпроқ бўлади. Шунинг учун ҳам ишда ҳам, дам олишга отланган чоғда ҳам, каерда бўлса ҳам ўзимизга «қўшни» танлаганда унинг инсон сифатида қандай эканлигига қизиқамиз. Агар суҳбатдош ёки шерик бизга таниш бўлмаса, уни таниганлардан олдидан сўраб ҳам оламиз ва бунда айнан унинг нимага қобилияти, феъли, ишга, одамларга муносабатини сўраймиз ва хоҳаймизки, у тўғрисида «Жуда хушфелл, одамтир...» каби таснифларни

эшиттимиз келади. Бирор ерга ишга қираётган пайтда ҳам раҳбар албатта ўзига яқин одамлардан янги ҳодимнинг характерини, қобилиятини ва муҳим нарсаларга муносабатини албатта сўрайди ва шу асосда суҳбатга тайёрланади.

Демак, индивидуал сифатлар бизнинг онгли ҳаётимизнинг ажралмас қисми, гидрокимиз, хотирамиз ва фикрларимиз йўналтирилган *муҳим предмет* экан. Чунки айнан улар бизнинг турли фаолиятларни амалга ошириш ва ишларни бажаришдаги индивидуал услубимизга беэосита алоқадор. Кимдир жуда чаккон, тез иш қилади, лекин сифатсиз. Кимдир жуда яхши қойилмаком иш қилади, лекин жуда секин, кимдир ишга юзаки қараб, номита уни бажарса, бошқа бир одам унга бутун вужуди ва эътиқоди билан муносабатда бўлиб, тинимсиз изланади ва жамият учун манфаат қидиради. Шунинг учун ҳам индивидуалликнинг фаолият ва мулоқотдаги самарасини инобатга олиб, энг муҳим индивидуал-психологик хусусиятларни алохида ўрганамиз.

9.3. ШАХС ИҚТИДОРИ ВА ҚОБИЛИЯТЛАР ДИАГНОСТИКАСИ

Одамларнинг ўқув, меҳнат ва ижодий фаолиятидаги ўзига хосликни тушунтириш учун психология фани биринчи навбатда қобилиятлар ва иқтидор масаласига мурожаат қилади. Чунки, қобилиятли одамдан аввало жамият манфаатдор, қолаверса, ўша инсоннинг ўзи ҳам қилган ҳар бир ҳаракатидан ўзи учун наф қўради.

Қобилиятлардаги туғма ва орттирилган сифатлар

Борзан ўта иқтидорли ва қобилиятли бола ҳақида гап кетса, ундаги бу сифат туғма эканлигига ишора қилишдади. Талантли, гениал олим, санъаткор ёки мутахассис ҳақида гап кетса ҳам худди шундай. Умуман қобилиятларнинг туғма ёки орттирилган эканлиги масаласи ҳам олимлар диккат марказида бўлган муаммолардан.




Қобилиятлар муаммоси энг аввало инсон ақлу-заковатининг сифати, ундаги малака, кўникама ва билимларнинг борлиги масаласи билан боғлиқ. Айниқса, бирор касбнинг этгаси бўлиш истигадиги ҳар бир ёшнинг ақли ва интеллектуал салохияти унинг малакали мутахассис бўлиб етишинини қафолаттагани учун ҳам психологияда кўпроқ қобилият тушунчаси ақл заковат тушунчаси билан боғлаб ўрғанилади. Ҳар бир нормал одам ўзининг ақлли бўлишини хоҳайди, «Мен ақлиман» демаса-да, қилган барча ишлари, гапирган гапи, юритган мулохазаси билан айнан шу сифат билан одамлар уни макташларини хоҳайди. «**Ақлисиз, нодон**» деган сифат эса ҳар қандай одамни, ҳаттоки, ёш болани ҳам хафа қилади. Яна шу нарсга характерлики, айниқса, бизнинг шарқ халқларида бирор кимсга нисбатан «ўта ақлли» ёки «ўта нодон» иборалари ҳам ишлатилмайди, биз бу хусусиятларни ўртача таснифлар доирасида ишлатамиз: «Фаолончининг ўтгли анчагина ақлли бўлибди, наригининг фарзанди эса бироз нодон бўлиб, ота-онасини кўйдираётган эмиш» деган иборалар аслида «ақллилик» категорияси инсоннинг юратига яқин энг нозик сифатларига алоқадорлигини билдиради.

Илим-фандаги анъаналар шундайки, ақл ва идрок масаласи, одамнинг

интеллектига боғлиқ сифатлар жуда кўшлаб тадқиқотлар объекти бўлган. Олимлар қобилиятларнинг ривожланиш механизмлари, уларнинг психологик тарқоби ва тизимини аниқлашга, ишончли методикалар яратиб, ҳар бир кишининг ақли сифатига алоқадор бўлган кўрсаткиччи ўлчашга уринганлар.

Қобилиятларнинг психологик структураси

Қобилиятлар аввало бор умумий ва махсус турларга бўлинади ва ҳар бирининг ўз психологик тизими ва тузилиши бўлади.



Кўпчилик олимлар одам интеллектида унинг вербал (яъни сўзларда ифодаланадиган), микродрий (сонларда ифодаланадиган), фазовий кўрсаткичларни аниқлаб, уларга яна мантик, хотира ва ҳаёл жараёнлари билан боғлиқ жиҳатларни ҳам қўшганлар.

Ч. Спирмен факториял анализ методи ёрдамида юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар ўртасида боғлиқлик борлигини исбот қилиб, ақлнинг ҳақиқатан ҳам мураккаб тузилмага эга бўлган психик хусусият эканлигини кўрсатди.

ҚОБИЛИЯТЛАРДАГИ ТУҒМА ВА ОРТТИРИЛГАН СИФАТЛАР

Баззан ўта иқтидорли ва қобилиятли бола ҳақида гап кетса, ундаги бу сифат туғма эканлигига ишора қилишдади. Талантли, гениал олим, санъаткор ёки мутахассис ҳақида гап кетса ҳам худди шундай. Умуман қобилиятларнинг туғма ёки орттирилган эканлиги масаласи ҳам олимлар диккат марказида бўлган муаммолардан.

Талант (юнонча кимматбаҳо, ноёб нарсга, ирсий, табиий ҳислат деган маънони англатади) муайян фаолиятнинг муваффақиятли бажарилишини

таъминлайдиган қобилият ҳамда истеъдодлар йиғиндисидан иборат индивидуал хусусиятдир. Талантнинг асосий белгилари:

- Муваффақиятнинг таъминлаши;
- Фаолиятнинг мустақил бажарилиши;
- Оригиналликнинг мавжудлиги;
- Қобилият ва истеъдодлар йиғиндисидан иборат эканлиги;
- Индивидуал-психологик хислат эканлиги;
- Ижтимоий турмушнинг ўзгартирувчи яратувчи имкониятлиги.

Талант қобилиятлар йиғиндисига ёки уларнинг йиғиндисидан иборат бўлишига қарамай, алоҳида олинган ҳолда қобилиятни, ҳатто у таракқиётнинг юқсак босқичига эришган, ёрқин ифодаланган ҳам у билан тенглаштириш мумкин эмас.

Психологияда туғмалик аломатлари бор индивидуал сифатлар *лаёқатлар* деб юритилди ва унинг икки хили фарқланади: табиий лаёқат ва ижтимоий лаёқат. Биринчиси одамдаги туғма хусусиятлардан - олий нерв тизими фаолиятининг хусусиятлари, мианинг ярим шарларининг қандай ишлаши, қўл-оёқларнинг биологик ва физиологик сифатлари, билиш жараёнларини таъминловчи сезги органлари - кўз, қулоқ, бурун, тери қабықларининг хусусиятларидан келиб чиқса (бўлар наслий ота-онадан генетик тарзда ўтади), ижтимоий лаёқат - бола туғилиши билан унга ўратган муҳит, мулоқот услублари, суълаштириш маданияти, қобилиятнинг ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар (улар ота-она томонидан яратилади)дир. Лаёқатлилик белгиси - бу ўша индивидга алоқадор бўлиб, у бу ҳолда лаёқат муҳитини тайёрлашга қабул қилади.

Қобилиятсизлик ва интеллектнинг пастлиги сабабларидан ҳам бири шунки, ана шу икки хил лаёқат ўртасида тафовут бўлиши мумкин. Масалан, гениал расом оиласида бола туғилиш дейлик. Унда расомчилик учун туғма, генетик белгилар отаси томонидан берилган дейлик. Лекин боланинг онаси фарзандининг ҳам расом бўлишини хошлаганлиги, ўзини ўхшаш кўшиқчи бўлишини хошлаганлиги мумкин. Аёл болани ёшлиқдан факат мусика муҳитида

тарбияланади. Табиий лаёқатнинг ривожига учун ижтимоий лаёқат муҳити йўқ, ижтимоий лаёқат ўсиши учун эса табиий, туғма лаёқат йўқ бўлгани сабабли, болада ҳеч қандай талант намоён бўлмаслиги, у олдинги наса мусикачи ёки кўшиқчи бўлиши билан чекланиши мумкин. Интеллект тестлари ва қобилиятдаги туғма ва орттирилган белгиларни ўрганишнинг психологик аҳамияти айнан шунда. Илк ёшлиқдан боланинг ўзидаги мавжуд имкониятларни ривожлантириш шарт-шароитини яратиш ишини тўғри йўлга қўйиш керак.

Орттирилган сифати шунки, бола токи билим, малака ва кўникмаларни ўстириш борасида ҳаракат қилмаса, энг кучли туғма лаёқат ҳам лаёқатлигича қолиб, у иқтидорга айланмайди. Энг талантли, машҳур шахсларнинг энг буёқ ишлари, эришилган улкан муваффақиятларининг тагида ҳам қисман лаёқат ва асосан тинимсиз меҳнат, интилиш, ижодкорлик ва билимга чанқоқлик ётган. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, қобилиятсиз одам бўлмайди. Агар шахс адашиб, ўзидаги ҳақиқий иқтидор ёки лаёқатни билмай, қасб танлаган бўлса, табиий, у атрофдагиларга лаёқатсиз, қобилиятсиз кўринади. Лекин аслида нимага унинг қобилияти борлигини ўз вақтида тўғри аниқлай олишматгани сабаб у бир умр шу тоифага кириб қолади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир онгли инсон ўзидаги қобилият ва эҳсонни илк ёшлиқдан билиб, ўша ўзини яхши кўрган, «юртаги чопган» иш билан шуғулланса, ва ундан қониқиш олиб, қобилиятини ўстиришга имконият топиб, ютуқларга эришса, биз уни *иқтидорли* деймиз. Иқтидор - инсоннинг ўз хатти - ҳаракатлари, билимлари, имкониятлари, малакаларига нисбатан субъектив муносабатидир. Иқтидорли одам гениал ёки талантли бўлмаслиги мумкин, лекин у ҳар қандай ишда мардлик, чидамлилик, ўзини-ўзи бошқара олиш, ташаббускорлик каби фазилатларга эга бўлиб, ўзлари шуғулланаётган ишнинг бажонидил, ситқидилдан бажаради. Улар ана шундай ҳаракатлари билан баъзи ўта истеъдодли, лекин камҳаракат кишилардан кўра жамиятга кўпроқ фойда келтиради. Иқтидорли инсонда истеъдод соҳиб бўлиш имконияти бор, зеро *истеъдод* - ҳар томонлама ривожланган, ниҳоятда кучли ва тақдорланмас

қобилиятлар. У тинимсиз меҳнат, ўз қобилиятини тақомиллаштириб бориш йўлида бarchа қийинчиликларни енгиш ва иродаси, бутун имкониётларини сафарбар қилиш натижасида кўлга киритилади.

Қобилиятларнинг психологик структураси

Қобилиятлар аввало бор умумий ва махсус турларга бўлинади ва ҳар бирининг ўз психологик тизими ва тузилиши бўлади. Шахснинг умумий қобилиятлари ундаги шундай индивидуал сифатлар мажмуи, улар одамига бир қанча фаолият соҳасида ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатиш ва натижаларга эришишга имкон беради. Масалан, техника олий ўқув юртининг талабаси ҳам ижтимоий-гуманитар, ҳам аниқ фанлар, ҳам техника фанлари соҳасидаги билимларни ўзлаштира олади. Бунда унга умумий билимдонлик, нуқт қобилиятлари, тиришқоклик, чидам, қизиқувчанлик каби қатор сифатлар ёрдам беради.

Махсус қобилиятлар эса маълум бир соҳада ютуқларга эришиш, юқори кўрсаткичлар беришга имкон берувчи сифатларни ўз ичига олади. Масалан, спорт соҳаси билан бугалтерлик ҳисоб-китоби бўйича ишлаётган икки кишида ўзига хос махсус қобилиятлар бўлмаса бўлмайди.

Умумий қобилиятларни махсус қобилиятларга эид таразда талқин қилиш мумкин эмас. Шахснинг умумий қобилиятлари уларни ҳосил қилувчи омиллар яккол психологик ҳодиса ёки воқеалиқлар. Махсус қобилиятлар кўлам жиҳатдан торроқ бўлишга қарамай, чуқурроқ моҳиятни ўзларида мужассамлаштирилади. И.П.Павлов ўз таълимотида “бадий”, “фикрловчи”, “ўрта” типларга ажратилган шахсларнинг таъсифини беради.

- “Бадий тип” учун бевосита таъсиротлар, жонли тасаввур, ёрқин идрок ва эмоциялар натижасида вужудга келадиган образларнинг ёрқинлиги хос.
- “Фикрловчилар” учун эса маълум мантиқий, назарий, методологик мулоҳазаларнинг устуңлиги хос.
- “Ўрта” типдагиларда эса ҳар иккала тоифа хусусиятларининг

хос эканлиги кўринади.

Ҳар бир қобилият ўзининг тизимига эга. Масалан, математик қобилиятни оладиган бўлсак, унинг таркибига умумлаштириш малакалари, ақлий жараёнларнинг эгилувчанлиги, маълум тафаккур қила олиш каби қатор хусусиятлар қиради. Адабий қобилиятларга улардан фарқи, ижодий ҳаёл ва тафаккур, хотирадаги ёрқин ва кўрғазмалли образлар, эстетик ҳислар, типни мукамал билишга лаёқат, педагогик қобилиятларга эса - педагогик одоб, кузатувчанлик, болаларни севиш, билимларни ўзгаларга беришга эҳтиёж каби қатор индивидуал хоссалар қиради. Ҳудди шунга ўхшаш қолган бarchа қобилиятларни ҳам зарур сифатлар тизимида таҳлил қилиш мумкин ва бу қатта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Қобилиятлар ва қизиқкишлар диагностикаси

Амалий психологиянинг бутунги қундати энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири лаёқат кўртақларини илқ ёшлиқдан аниқлаш, интеллект даражасига кўра шахс қобилиятлари йўналишини очиб беришидир. Шунинг учун ҳам ҳозирда кўплаб интеллект тестлари ва қобилиятларни диагностика қилиш усуллари ишлаб чиқилган ва улар муваффақиятли таразда амалиётда қўлланоқда.

Қобилиятларни ўлчаш муаммоси XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларига келиб изчил ҳал қилина бошланди. Хорижда бундай ишлар Спирмен, Бине, Айзенк ва бошқалар томонидан ўрганилди. Улар қобилиятлар ва иқтидорни ўрганиш учун махсус тестлардан фойдаландилар. Бу тестларнинг умумий моҳияти шундаки, уларда топшириқлар тизими тобора қийинлашиб борувчи тестлар-топшириқлар батареясидан иборат бўлади. Масалан, Айзенкнинг машхур интеллект тести 40 та топшириқдан иборат бўлиб, у интеллектгад жараёнларнинг кечили тизлигини ўлчайди. Бу ерда вақт мезони муҳим ҳисобланади. Бошқа муаллифлар секин ишлаш - қобилиятсизлик белгиси эмас деб, бошқачароқ усулларни ўйлаб топгандар. Кўпчилик олимлар учун, масалан, рус олимлари учун қобилиятни ўлчашнинг ишончли мезони - бу шахс ютуқларини ва унинг қобилиятидаги ўзгаришларни бевосита фаолият

жараёнида қайд этилди. Рус олими Е.А. Климов ёшлар иктидорининг йўналишини аниқлаш максалида феолият ва касб - ҳунар соҳаларини асос қилиб олиб, методика яратди ва унинг «Профессионал - диагностика сўронома» деб атади. Шундай қилиб, у барча касбларни уларнинг йўналтирилган соҳасига кўра 5 тоифага бўлди:

П(Т) - табиат (усимлик, хайвонлар, микроорганизмлар);

Т - техника (машина, материаллар, энергиянинг турлари);

Ч(О) - одам (одамлар турмуши, жамоалар);


З(Б) - белгилар (турли маълумотлар, белгилар символлар);

Х(И) - бадий, ижодий образлар (тасвирий санъат, мусика).

9.4. ШАХС ХАРАКТЕРИ ВА ТЕМПЕРАМЕНТ ХУСУСИЯТЛАРИ.


Шахснинг индивидуал хусусиятлари ҳақида гап кетганда, уларнинг туғма, биологик хусусиятларига алоҳида эътибор берилади. Чунки аслида бир томондан шахс ижтимоий мавжудот бўлса, иккинчи томондан - биологик яхлитлик, туғма сифатларни ўзичига олган субстрат - индивид ҳамдир. Темперамент ва лаёқатлар индивидуалнинг динамик - ўзгарувчан психик феолияти жараёнини таъминловчи сифатларини ўзичига олади. Бу сифатларнинг аҳамияти шундаки, улар шахсда кейин онтогенетик тараққиёт жараёнида шаклландиган бошқа хусусиятларга асос бўлади. Одам температуритга алоқадор сифатларнинг ўзига хослиги шундаки, улар одам бир феолият туридан иккинчисига, бир эмоционал ҳолатдан бошқасига, бир маъкаларни бошқаси билан алмаштирган пайтларда реакцияларнинг эгилувчан ва динамиклигини таъминлайди ва шу нуктаи назрдан қаратганда

Темперамент - шахс феолияти ва ҳулиқининг динамика (ўзгарувчан) ва эмоционал - ҳиссий томонларини харақтерловчи индивидуал хусусиятлар масъулидир¹⁶².




Темперамент хусусиятлари шахснинг ички тузилмаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг намоён бўлиши унинг конкрет вазиятларга муносабатини, экстремал вазиятларда ўзини қандай тутишини белгилаб беради. Масалан, инсон турли вазиятларда ўзини турлича тутди: олий ўқув юртида талабага сафига қабул қилганиги тўғрисидаги ахборотни эшитган боланинг ўзини туттиши, ёки ҳаётнинг отир синовлари (яқин кишининг улими, ишдан ҳайдалиш, дўстининг хонлиги каби) пайтида одам беихтиёр намоён қиладиган реакциялари унинг темпераментидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам иккала вазиятни ҳам қимдир отир-босиқлик билан, бошқаси эса ўзини йўқоттудек даражада хис-ҳаяжон билан бошидан кечиради. Шунинг учун ҳам температуритнинг шахс шаклланиши ва ижтимоий муҳитда ўзига хос маъкени эгаллашидаги аҳамияти жуда катта. Ўзини босиб олган, ҳаёт қийинчилиқларини сабр-бардош билан кўтаралган инсоннинг одамлар орасидаги обрўси ҳам баланд бўлади. Бу унинг ўз-ўзига нисбатан хурматини ҳам оширади, ишга, одамларга ва нарсаларга муносабатини такомиллаштириб боришга имкон беради. Температуритнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, у ҳаётинг воқеалар ва вазиятларни, жамиятдаги ижтимоий турмушларни «яқини - ёмон», «аҳамиятли - аҳамиятсиз» мезонлари асосида ажраттишга имкон беради. Яъни, температурит одамнинг ижтимоий объектларга нисбатан «сезгирлигини»

¹⁶² Юнг К. Психологические типы. — М: 1999. 354 с.





Характер ва шах


Қунадалик ҳаётимизда тилимизда «характер» сўзи энг кўп ишлатилидиган сўзлардан. Уни биз донмо бировларга баҳо бермоқчи бўлсак, ишлатамиз. Бу сўзнинг маъносини олимлар «босилган тамға» деб ҳам изоҳлашади. Тамғалик аломатлари нимада ифодаланади ўзи?



Одам ташки киффаси, бўйи-баста билан бошқа бирор кимсга ўхшаши мумкин, лекин феъл, мижози ва шахс сифатлари хусусиятлари нуктаи назардан айнан бир хил инсонлар бўлмайди. Ҳаттоки, олимлар битта туҳумда ривожланган эгизакларда ҳам жуда кўп жихатдан айнан ўхшашиқни қайд қилишган, шахсий сифатлариди қорелляцияда эса баъзи тафовутлар аниқланган.

Характер - шахсдаги шундай психологик, субъектив муносабатлар мажмуи, улар унинг борлиққа, одамларга, предметни фаолиятида ўз-ўзига муносабатини ифодалайди. Демак, «муносабат» категорияси характерни тушутиришда асосий ҳисобланади. Б.Ф. Ломовнинг таъбирича, характер шахс ички дунёсининг асосини ташкил этади ва уни ўрганиш катта аҳамиятта эга.





Муносабатларнинг характердати ўрни хусусида фикрлар экан, В.С.Мерлин уларнинг мазмунинида икки компонентни ажаратади:

а) **эмоционал - когнитив** - борлик муҳитнинг турли томонларини шахс қандай эмоционал хис қилиши ва ўзида шу оламнинг эмоционал манзарасини яратиши;

б) **мотивацион - иродавий** - маълум ҳаракатлар ва ҳулкини амалга оширишга ундовчи қучлар. Демак, бизнинг муносабатларимиз маълум маъно ва мазмун касб этган муносабатлар бўлиб, уларнинг ҳар бирида бизнинг ҳиссий кечинмаларимиз акс этади ва характеримиз намоён бўлади.

Машҳур рус олими, психология фанининг методологиясини яратган С.Л. Рубинштейн¹⁶³ шахснинг ўзига ҳослиги ва характерологик тизимда учта асосий тузилмаларни ажратган эди;

Муносабатлар ва йўналиш шахлати асосий кўринишлар сифатида - бу шахснинг ҳаётдан нимани кутиши ва нимани хоҳлаши.

Қобилиятлар ана шу тилак-истакларни амалга ошириш имконияти сифатида - бу одамнинг нималарга қодир эканлиги.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

¹⁶³ Шевальерин Н.И. Основы психологической диагностики: В 3 ч. М., 2003.

1. Шахс тузилиши ва унинг шаклланишидаги Сигмунд Фройд, Жин-Марк Чаркодларнинг психодинамик назарияси.
2. Индивидуал типологик хусусиятлар классификацияси.
3. Шахснинг иктилори ва қобилиятлари диагностикаси.
4. Шахс характери ва темперамент хусусиятлари.
5. Сангвиник ва Холерик тоифасига мансуб инсонлар ва уларга характеристика.
6. Меланхолик ва Холерик тоифасига мансуб инсонлар ва уларга характеристика.

10-МАВЗУ. МУЛОҚОТ ВА БОШҚАРУВ ПСИХОЛОГИЯСИ

- 10.1. Инсоний муносабатлар психологияси.
- 10.2. Шахслараро муомаланинг шахс таракқиётидаги ўрни.
- 10.3. Инсоний муомала ва мулоқотнинг психологик воситалари.
- 10.4. Мулоқот ва уни ўрганиш муаммолари.
- 10.5. Бошқарув психологияси ва уни функциялари
- 10.6. Менежер ва раҳбар типлари тўғрисида тушунча.

10.1. Инсоний муносабатлар психологияси.

Шахс - ижтимоий муносабатлар маҳсули дейилишининг энг асосий сабаби - унинг доимо инсонлар даврасида, улар билан ўзаро таъсир доирасида бўлишини аниқлашти. Бу шахснинг энг етақчи ва нуфузли фаолиятларидан бири мулоқот эканлигига ишора қилади.

Мулоқотнинг тури ва шакллари турличадир. Масалан, бу фаолият бевосита «юзма-юз» бўлиши ёки у ёки бу техник воситалар (телефон, телеграф ва шунга ўхшаш) орқали амалга ошириладиган; бирор профессионал фаолият жараёнидаги амалий ёки дўстона бўлиши; субъект-субъект типини (диалогик,

шериклик) ёки субъект-объектлик (монологик) бўлиши мумкин.

*«Одамлар билан мулоқотга киришти
қобилиятини ҳудди шакар ёки қуха
олгандай қўлга киритиш мумкин.
Ва мен бу қобилият учун дунёдаги бошқа
нарсаларга нисбатан анчагина қиммат
ҳақ тўлашга тайёрман»*



Жон Д. Рокфеллер

Инсоний муносабатлар шундай ўзаро таъсир жараёнарики, унда шахсларо муносабатлар шаклланади ва намоён бўлади. Бундай жараён дастлаб одамлар ўртасида рўй берадиган фикрлар, хис-кечинмалар, таъвишу - қувончлар алмашинувини назарда тутди. Одамлар мулоқотда бўлишгани сари, улар ўртасидаги муносабатлар таърибаси ортган сари улар ўртасида умумийлик, ўхшашлик ва уйғунлик каби сифатлар пайдо бўладики, улар бир - бирларини бир қараида тушунадиган ёки «яримта жумладан» ҳам фикр аён бўладиган бўлиб қолади, айрим ҳолларда эса ана шундай мулоқотнинг титизлиги тесқари реакцияларни - бир-биридан чарчаш, таърибдиган таъининг қолмаслиги каби вазиятни келтириб чиқаради. Масалан, оила муҳити ва ундаги муносабатлар ана шундай титиз муносабатларга қиради. Фақат бундай титизлик ониланинг барча аъзолари ўртасида эмас, унинг айрим аъзолари ўртасида бўлиши мумкин.


Ўзаро муносабатларга киришадиган томонлар муносабатдан кўзлайдиган асосий максадлари - ўзаро тил топишиш, бир-бирини тушунишдир. Бу жараёнинг мураккаблиги, керак бўлса, «жозибаси», бетақрорлиги шундаки, ўзаро бир хил тил топишиш ёки томонларнинг айнан бир хил ўйлашлари ва таъриблари мумкин эмас. Агар ана шундай вазиятни тасаввур қиладиган бўлсак, бундай мулоқот энг самарасиз, энг бетаъсир бўлган бўлар эди. Масалан, тасаввур қилинг, узок вақт кўришмай қолган дўстнингизни кўриб қолдингиз. Сиз ундан хол-аҳвол сўрадингиз, лекин, у ташаббусни сизга бериб, нимаики деманг, сизни маъқуллаб, таъинингизни қайтариб турибди. Бундай мулоқот жуда бемаза

бўлган ва сиз иккинчи марта ўша одам билан иложи борица расман салом - аликни бажо келтириб ўтиб кетаверган бўлардингиз. Яъни, мулоқот фаолияти шундай шарт-шароитки, унда ҳар бир шахснинг индивидуаллиги, бетақрорлиги, билимлар ва тасаввурларнинг хилма-хиллиги намоён бўлади ва шуниси билан у инсониятни асрлар давомида ўзига жалб этади.

Ҳар қандай фаолиятдан зерикиб, чарчаш мумкин, фақат одам мулоқотдан, айниқса, унинг норасмий самимий, бевосита шаклидан чарчамайди, яхши суҳбатлошлар доимо маънавий жихатдан рағбатлантирилади.

XXI асрда яшар эканмиз, одамнинг энг табиий бўлган мулоқотга эҳтиёжи, унинг сирларидан хабардор бўлиш ва ўзгаларга самарали таъсир эта олишга бўлган интилиши янада ошди ва бунинг катор сабаблари бор.

Биринчидан, индустриал жамиятдан



ахборотлар жамиятига ўтиб бормоқдамиз. Ахборотларнинг кўпчилиги айнан инсон манфаатига алоқадор маълумотларни саралаш, у билан тўғри муносабатда бўлишни такозо этди. Ахборот XXI асрда энг нодир капиталга айланди ва бу ўз навбатида инсонларга зарур ахборотлар ўзатилиши тезлиги ва темпини ўзгартирди.

Иккинчидан, турли касб-фаолият соҳасида ишлаётган одамлар туруҳининг кўпайиши, улар ўртасида муносабатлар ва алоқанинг долзарблиги ахборотлар титиз шароитда оддийгина мулоқотни эмас, балки профессионал, билимдонлик асосидаги мулоқотни талаб қилади. Умуман, XXI асрнинг корпорациялар асри деб, башорат қилётган иқтисодчилар ҳам бу корпорация инсонларнинг ўзаро тил топишларига қаратилган малакаларнинг ривожланган, мукаммал бўлиши ҳақида таърибқўйди. Ундан ташқари, бу каби корпоратив алоқа кўп ҳолларда бевосита юзма-юз эмас, балки замонавий техник воситалар - уяли алоқа, факслар, электрон почта, Интернет кабилар ёрдамида аниқ ва

лунда фикрларни ўзатишни назарда тутди. Бу ҳам ўзига хос мулоқот малакаларининг атайлаб шакллантирилишини таъқозо этади.

Учинчидан, охири пайтларда шундай касб-хунарлар сони ортдики, улар сопиономик турух касблар деб атайиб, уларда «одам-одам» диалогги фаоллигининг самарасини белгилайди. Масалан, педагогик фаоллият, бошқарув тизими, турли хил хизматлар (сервис), маркетинг ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундай шароитларда одамларнинг атайлаб мулоқот билимдонлигининг оширилиши меҳнат маҳсулини белгилайди.

Шунинг учун ҳам мулоқот, унинг табиати, техникаси ва стратегияси, мулоқотга ўргатиш (социал психологик тренинг) масалалари билан шуғулланувчи фанларнинг ҳам жамиятдаги ўрни ва салохияти кескин ошди.

Шахслараро муносабатларни ўрганиш психологияси фанида энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Чунки инсон шахсининг энг нуфўзли ва етакчи фаоллигидан бири бўлган мулоқот ва у орқали ўзаро муносабатлар одамлар орасида умумийлик, ўхшашлик, уйғунлик каби сифатлар пайдо бўлишга олиб келади. Айниқса, оила муҳитида шахслараро муносабатларнинг, чунончи, ота-она ва фарзанд орасидаги муносабатларнинг ўзига хос томонлари шахсининг ҳаёти, фаоллигининг самараси ва мазмунига бевосита таъсир этади. Шундай экан, инсонлар орасида амалга ошадиган шахслараро муносабатлар, уларнинг турли психологик хусусиятларини ўрганиш масаласи ижтимоий психология фанида муҳим ва долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Муомала шахслараро муносабатларнинг шундай кўринишидирки, унинг ёрдамида одамлар ўзаро психик жихатдан алоқага киришадилар, ўзаро аҳборот алмашинадилар, таъсир ўтказадилар, таъсирланадилар, идрок этадилар, тушуниш ва баҳолаш жараёнларини кечирадилар. Шунинг учун муомала ижтимоий психологик ҳодиса, ижтимоий категория сифатида ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида бевосита иштирок этиб, ҳамкорлик фаоллигининг моддий, маънавий, эмоционал, когнитив, мотивацион, ретулятив кирраларини акс эттирувчи объектив ва субъектив эҳтиёж сифатида вужудга келади, ижтимоийлашувнинг асосий омилли, нетизи вазифасини бажаради.

Шахслараро муносабатларда муомаланинг инсон психик дунёсига таъсири масалаларини психолог олимлардан Л.С.Выготский, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, Б.Г.Ананьев, А.В.Запорожец, А.А.Бодалев, Б.Ф.Ломов, А.А.Леонтьев, М.И.Лисина тадқиқот кишиларини олиб боргандлар.

Л.С.Выготский бола шахси руҳий дунёси ривожига ва тараккиётлигида муомалани тушултириб дейди: “Бола шахсий фаоллигини намойён бўлишининг асосий йўли катталар билан муомаласи ҳисобланади...Унинг ташки оламга муносабати ҳамиша бошқа одам орқали муносабат билдиришидир”.

Л.С.Выготский фикрича, онтогенезда генетик жихатдан бирламчи ўзаро таъсир баҳс, диалогдир; иккиламчи эса индивиднинг онги, руҳий жараёнларининг индивидуаллигидир: “Биз маданий ривожланишининг умумий генетик қонунини мана шундай шаклда ифдаллашимиз мумкин: боланинг маданий ўсишида ҳар қандай функция баҳолалиниши учун икки марта, икки хил режада пайдо бўлади, аввал ижтимоий, кейин психологик, шунингдек, шахслараро интерпсихологик категория сифатида сўнг бола ички дунёсида интропсихологик категория тарикасида”.

Л.С.Выготский шунингдек шахслараро муносабатларда асосий қурол ва восита муомала жараёни эканлигини уқтиради. Унинг фикрича, шахслараро муносабатларда даставвал муомала асосий восита, сўнгра эса ҳулқ атвор воситаси туради. Чунки, инсон яққа қолган пайтда ҳам муомала функциясини ўзида саклайди.

Л.С.Выготский қарашларидан яна шу жихат кўринадики, муомала интереоризация, яъни ички нутқ ва эктереоризация, яъни ташқи нутқ, муомала шаклларида намойён бўлади. Бундан кўринадики, муомала туфайли шахс ижтимоийлашуви юзата келади.

Шахслараро муносабатларда юзата келадиган уч хил вазифалар ва мураккаб жараён тузилмасини Г.М.Андреева “Ижтимоий психология” китобида ушбу тузилшини тақлиф этади:

1. Мулоқотнинг коммуникатив томони, яъни ўзаро муносабат ёки


мулоқотта киришувчиларнинг ўртасида маълумотлар алмашинуви жараёни сифатида;

2. Мулоқотнинг интерактив томони, яъни мулоқотта киришувчиларнинг ҳуқ аъворларига таъсир жараёни сифатида;

3. Мулоқотнинг перцептив томони, яъни мулоқотта киришувчиларнинг бир бирларини идрок этишлари ва тушунчалари билан боғлиқ жараён сифатида.

Ўзаро муносабатларда мулоқотнинг психологик жиҳатдан мурраккаб эканлигини Б.Ф.Паригин шундай ёзди: “Мулоқот шунчалик кўп қиррали жараёнки, унга бир вақтнинг ўзида қўйилганлар қиради:

- А) индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни;
- Б) индивидлар ўртасида аҳборот алмашинуви жараёни;
- В) бир шахснинг бошқа шахсга муносабати жараёни;
- Г) бир кишининг бошқаларга таъсир қўралиш жараёни;
- Д) бир бирига ҳамдардлик билдириш имконияти;
- Е) шахсларнинг бир бирини тушуниши жараёни”.



Демак, шахслараро муносабатлар, яъни мулоқот жараёни одамлар амалга оширадиган фаолиятлар орасида энг мурраккаблиги ва кўп қирраллиги билан

характерларан экан, ижтимоий психология фанида олиб қорилган жаҳон психологларининг жулда кўп тадқиқотлари шу феноменин шахс учун ҳам зарур, ҳам олдий, ҳам таъсирчан деб қарайди.

10.2. Шахслараро муомаланинг шахс таракқиётлидаги ўрни

Аслида ҳар бир инсоннинг ижтимоий тажрибаси, унинг инсоний қиёфаси, фазилятлари, ҳаттоки, нуқсонлари ҳам мулоқот жараёнларининг маҳсулидир. Жамиятдан ажралган, мулоқотда бўлиш имкониятидан маҳрум бўлган одам ўзида индивид сифатларини сақлаб қолиши мумкин, лекин у шахс бўлолмайди. Шунинг учун мулоқотнинг шахс таракқиётлидаги аҳамиятини тасаввур қилиш учун унинг функцияларини таҳлил қиламиз.

Ҳар қандай мулоқотнинг энг элементар функцияси - суҳбатдошларнинг ўзаро бир-бирини тушунишларини таъминлашдир. Бу ўзбекларда самимий селом-алик, очик юз билан қўтиб олишдан бошланади. Ўзбек халқининг энг нодир ва бўюқ ҳислатларидан бири ҳам шуки, уйига биров қириб қелса, албатта очик юз билан қўтиб олади, қўришади, сўрашади, хол-аҳвол сўрайди. Шуниси характерлики, таъзияга борган чоғда ҳам ана шундай самимиятли қабулни ҳис қиламиз. Бу қаби бирламчи контакт усуллари бошқа миллат ва халқларда ҳам бор, яъни бу жиҳат миллий ўзига ҳосликка эга.

Унинг иккинчи муҳим функцияси ижтимоий тажрибага асос солишдир. Одам боласи фақат одамлар даврасида ижтимоийлашади, ўзига зарур инсоний ҳусусиятларни шакллантиради. Одам боласининг йирткич хайвонлар томонидан ўқрилиниб қетилиши, сўнг маълум муддатдан кейин яна одамлар орасида пайдо бўлиши фактлари шунни қўрсатганки, «мауғлилар» биологик маъжудот сифатида ривожланаверди, лекин ижтимоийлашувада ортда қолиб қетди. Бундан ташқари, бундай ҳолат боладани билиш қобилиятларини ҳам чеклаши қўллаб психологик экспериментларда ўз исботини топди.

Мулоқотнинг яна бир муҳим вазифаси - у одамни у ёки бу фаолиятга

хозирлайди, рухлантиради. Одамлар турухдан узоклашган, улар назаридан колган одамнинг кўли ишта ҳам бормайди, борса ҳам жамиятта эмас, балки факат ўзигагина манфаат келтирадиган ишларни қилиши мумкин. Масалан, кўпша таджикотларда изоляция, яъни одамни ёлғизлаштириб қўйишнинг унинг рухиятига таъсири ўрганилган. Масалан, узок вақт термокамерада бўлган одамда идрок, тафаккур, хотира, хиссий ҳолатларнинг бўзилиши қайд этилган. Лекин атайлаб эмас, такдир тақозоси билан ёлғизликка маҳкум этилган одамларнинг мақсадли фаолиятлар билан ўзларини банд этишлари у қадар катта салбий ўзгаришларга олиб келмаслигини ҳам олимлар ўрганишган. Лекин барибир ҳар қандай ёлғизлик ва мулоқотнинг етишмаслиги одамда мувоzanатсизлик, хиссийетта берилувчанлик, ҳаликсираш, ҳавотирланиш, ўзига ишончсизлик, қайғу, ташвиш хиссларини келтириб чиқаради. Шуниси қизиқки, ёлғизликка маҳкум бўлганлар маълум вақт ўтгач овоз чиқариб, гапира бошлашаркан. Бу аввал бирор кўрган ёки хис қилаётган нарсаси ҳусусидати гаплар бўлса, кейинчалик нимагадир қараб гапиравериб эҳтиёжи пайдо бўлар экан. Масалан, бир М.Сифр деган олим илмий мақсадларини амалга ошириш учун 63 кун гор ичида яшатган экан. Унинг кейинчалик ёзишча, бир неча кун ўтгач, у турган ерда бир ўртимчакни ушлаб олади ва у билан диалог бошланади. «Биз, деб ёздаи у, шу ҳаётсиз гор ичидаги танҳо тирик мавжудотлар эдик. Мен ўртимчак билан гаплаша бошладим, унинг такдирини учун қайғура бошладим...»

Шахснинг мулоқотта бўлган эҳтиёжининг тўла қондирилиши унинг иш фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади. Одамлар, уларнинг борлиги, шу муҳитда ўзаро гаплашиш имкониятининг мавжудлиги факти кўпинча одамни ишлаш қобилиятини ҳам ошираркан, айниқса, гаплашиб ўтириб қилинадиган ишлар, биргаликда ёнма-ён туриб бажариладиган операцияларда одамлар ўз оқлида турган ҳамқарбига қараб кўпроқ, тезроқ ишлашга куч ва кўшимча ирода топади. Ўғри, бу ҳамқорликда ўша ёнидаги одам унга ёкса, улар ўртасида ўзаро симпатия хисси бўлса, унда одам ишта «байрамга келгандай» келадиган бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам америкалик социолог ҳамда психолог Жон

Морено асримиз бошидаёқ ана шу омилнинг унумдорликка бевосята таъсирини ўрганиб, социометрик технологияни, яъни сўровнома асосида бир-бирини ёқтирган ва бир-бирини инкор қилувчиларни аниқлаган ва социометрия методикасига асос солган эди.

Инсониятнинг муомала қуроли тил бўлиб, одамлар бир-бирлари билан бўладиган барча муносабат ва мулоқотларини сўзлашиш ёрдамида амалга оширадиган. Доно халқимизда сўзлашиш қоидаси, тилга эҳтиёткор бўлиш, ҳар бир сўз, ҳар бир жумлани ўйлаб гапириш, қисқаси - сўзлаш одобини ва мулоқот маданиятини ҳақида жуда кўп иборатли ҳикматлар бор. Улардан бирини келтирилишича, одамнинг шарафини ва ифтихорини унинг маданий сўзлашишида кўринади. Қимда-ки сўзлашиш одобига риоя қилмаса, унда инсонийлик ҳам кўринмайди. Гап ўринли ва маъноли айтилган бўлса, уни жим туриб тингламак фойдалидир.

Бу борада сўзлашишнинг саккизта қоидасини келтиришни лозим деб топдик:

- бемаварид гапирмаслик;
- лутф ила қомшоқлик билан сўзлашиш;
- очик чеҳра билан гапириб, нозда самимийликни сактай олиш;
- эшитувчига маълум келмайдиган тарзда гапириш;
- факат фойдали гапларни гапириш.

• ўйлаб, андиша билан сўзлаш, ўйламай айтилган гап пушаймонлик келтиришини ёлда тутиш;

- кишилар гапирётганда орага гап қўшмаслик, сўзини бўлмаслик;
- кўп гапирмаслик, зеро, бу яхшилик аломатини эмас.

Ҳар бир одам кишиларга зарар келтирадиган сўзлардан ўзини саклаши лозим. Зеро, муқаддас Ҳадиси шарифда айтилганидек, “Ўзингга раво кўрмаган ёмон нарсани бировга ҳам раво кўрма”. Бунинг учун тилга эҳтиёт бўлиш, киши дилини огриқадиган, кўнгилни қолдирадиган, иззат нафсига тегадиган, орномуси, шаънини оёқ-ости қиладиган сўзни ҳеч сўзламаслик даркор. Ҳамма

вакт ширин сўз бўлиш, доимо яхши, маънили сўзлаш керак, chunkи, тилдан етган озор найза озоридан ёмон...

Шундай қилиб, мулоқот одамларнинг жамиятда ўзаро ҳамкорлиқдаги фаолиятларининг ички психологик механизмини ташкил этади. Қолаверса, ҳозирги янги демократик муносабатлар шароитида турли ишлаб чиқариш қарорларини яқка тартибда эмас, балки коллегиял - биргаликда чиқариш эҳтиёжи пайдо бўлганлигини ҳисобга олсак, одамларнинг муомала маданияти ва мулоқот техникаси меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигининг муҳим омилларидандир.

10.3. Инсоний муомала ва мулоқотнинг психологик воситалари

Одамлар бир - бирлари билан муомалага киришар экан, уларнинг асосий кўзланган максалларидан бири - ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатиш, яъни фикр-ғояларига кўндиритиш, ҳаракатга чорлаш, установақаларни ўзгартириш ва яхши таассурот қолдиришидир. *Психологик таъсир* - бу турли воситалар ёрдамида инсонларнинг фикрлари, ҳиссийётлари ва ҳатти-ҳаракатларига таъсир кўрсата олишидир.

Ижтимоий психологияда психологик таъсирнинг асосан уч воситаси фарқланади.

1. *Вербал таъсир* - бу сўз ва нутқимиз орқали кўрсатадиган таъсиримиздир. Бундаги асосий воситалар *сўзлардир*. Маълумки, нутқ - бу сўзлашув, ўзаро муомала жараёни бўлиб, унинг воситаси - сўзлар ҳисобланади. Монологик нутқда ҳам, диалогик нутқда ҳам одам ўзидати барча сўзлар захирасидан фойдаланиб, энг таъсирчан сўзларни топиб, шеритига таъсир кўрсатишни хоҳлайди.


2. *Паралингвистик таъсир* - бу нутқнинг атрофидаги нутқни безовчи, уни қучайтирувчи ёки



сусайтирувчи омиллар. Бунга нутқнинг баъанд ёки наст товушда ифодаланаётганлиги, артикуляция, товушлар, тўхташлар, дулукланиш, йўтал, тил билан амалга ошириладиган ҳаракатлар, нидолар қиради. Шунга қараб, масалан, дўстимиз бизга бирор нарсани ваъда бераётган бўлса, биз унинг қай даражада самимийлигини билиб оламиз. Куйиб - пишиб, очик юз ва дадил овоз билан «Албатта бажараман!», деса ишонамиз, албатта.

3. *Новербал таъсирининг* маъноси «нутқсиз» дир. Бунга суҳбатдошларнинг фазода бир-бирларига нисбатан тутган ўринлари, ҳолатлари (яқин, узоқ, интим), қилиқлари, мимика, пантомимика, қарашлар, бир-бирини бевосита ҳис қилишлар, ташки қиёфа, ундан чиқётган турли ситналлар (шовкин, хиллар) қиради. Уларнинг барчаси мулоқот жараёнини янада қучайтириб, суҳбатдошларнинг бир-бирларини яхшироқ билиб олишларига ёрдам беради. Масалан, атар учрашувнинг дастлабки дақиқаларида ўртоғиниғиз сизга қарамай, атрофга аяланглаб, «Кўранимдан бирам хурсандман», деса, ишонасизми?

Проксесмика (новербал ахборот канали)



Мулоқотнинг новрӯбат воситалари

Мулоқотнинг новербал каналлари:

- [illegible]

ЭНЛА ТҮП Хар гяндай маданият үз вербал-новербал воогталаарига эгэвэ сүхбат жараенидда утарниг хүрмэт килюг билюшинг шарт.

Мулоқот жараёнидаги характерли нарса шундаки, суҳбатдошлар бир - бирларига таъсир кўрсатмоқчи бўлишганда, даставвал нима дейиш, қандай сўзлар воситасида таъсир этишни ўйлар экан. Аслида эса, ўша сўзлар ва улар атрофидаги ҳаракатлар муҳим рол ўйнарган. Масалан, машҳур америкалик олим Метрабян формуласига кўра, биринчи марта кўришиб турган суҳбатдошлардаги таасурутларнинг ижобий бўлишига гапирган гаплари 7%, паралингвистик омиллар 38%, ва новербал ҳаракатлар 58% гача таъсир қиларкан. Кейинчалик бу муносабат ўзгариши мумкин албатта, лекин ҳақ ичида юрган бир мақол тўғри: «Уст-бошта қараб кутиб олишадди, ақлга қараб қўзатишадди».

Мулоқотнинг кандай кечиши ва кимнинг кўпроқ таъсирга эга бўлиши шерикларнинг ролларига ҳам боғлиқ. *Таъсирнинг ташаббуслари* - бу шундай шерикки, унда атайлаб таъсир кўрсатиш максали бўлади ва у бу максални амалга ошириш учун барча юқорида тавкилланган воситалардан фойдалади. Агар бошлик иши тушиб, бирор ходимни хонасига таклиф этса, у ўрнидан туриб кутиб олади, илтифот кўрсатади, хол-аҳволни ҳам куюкрок сўрайди ва сўнгра гапнинг асосий қисмига ўтади.

Тавсирнинг адресати - тавсир йўналтирилган шахс. Лекин ташаббускорнинг сухбатга тайёрларлиги яхши бўлмаса, ёки адресат таърибгаарок шерик бўлса, у ташаббусни ўз кўлига олиши ва тавсир кучини кайта эгасига кайтариши мумкин бўлади.


10.4. Мулоқот ва ўрганиш муаммолари

Охирги йилларда «профессионализм» тушунчаси тез-тез иштиратилган бўлиб келди. Чунки жамиятда туб ислохотларни амалга ошириш, меҳнат унумдорлигини «инсон омили» ни такомиллаштириш хисобига ошириш давр талаби бўлиб келди. Айниқса, одамларни бошқариш соҳасидати профессионализмга катта эътибор қаратилмоқда. Жуда кўпчилик мутахассислар бarchа бажарилган функциялари орасида одамлар билан тил топишиш, уларга таъсир кўрсатиш, улар фаолиятини тўғри таъкил қилиш ва бошқариш энг мураккабларидан эканлигини эътироф этмоқдалар. Одамлар билан нормал муносабатларни ўрната оласлик, айниқса, бизнес соҳасида амалий шерикларнинг ҳолатлари, кутишларини аниқлай оласлик, ўз нуқтани назарига ўзгаларни профессионал тарзда кўндира оласлик, «бирров» ни, унинг ички кечинмалари ва ўзинга бўлган муносабатини аниқ тасаввур қила оласлик амалий психологияда *коммуникативе укувсизлик*, ёки *дискоммуникативе* ҳолатини келтириб чиқаради. Бунда одамлар олдий тил билан айтганда, бир - бирларини тушунолмай қолдилар, шунинг оқибатида пишиб турган лойиҳа, ёки яхши режа амалга ошмаслиги, бир неча ойларга чўзилб кетиши мумкин.

Шунинг учун ҳам хозирги замон ижтимоий психологиясининг таъбикий йўналишида, бошқарув психологиясида катта ёшли одамларни коммуникатив билимдонликка ўргатиш, уларда зарур коммуникатив малакаларни ҳосил қилишга катта аҳамият берилмоқда. Ҳар бир корхона, хусусий фирма ёки давлат муассасасини бошқарувчи менежер, раҳбар тайёрлаш муаммоси ана шу раҳбарларни, бошқарувчиларни психологик жиҳатдан одамлар билан ишлашга ўргатиш муаммосини четлаб ўтولмайди. Умуман, хозирги даврда ҳар қандай

мутахассис - врач, мухандис, ўқитувчи, иктисодчи, агроном, курувчи, журналист, маданиятшунос ёки бошқалар ҳам коммуникатив малакаларга эга бўлмагунча, бозор муносабатлари шароитида тезда жамоага киришиб, кўпчилик билан тили топишиб, ўз профессионал маҳоратини кўрсата олмайдди. Ҳар бир зийли инсон бошқалар билан ҳамкорлик қилиш маҳорати ва санъатига эга бўлиши керак.

Бу вазифа одамларни муомала ва мулоқот этикасига ўргатишни ҳар қачонгидан ҳам долзарб қилиб қўймоқда. Тўғри, мулоқотга киришиш - иктимонийлашув жараёнида барча сифатлардан олдинроқ шаклландиған қобилиятлардан, у табиий ва ҳаётий нарсалар. Бола тили жулда яхши чиқиб улгурмай, атрофидоғилар билан актив мулоқотга кириша бошлайди. Лекин масаланинг парадоксал томони ҳам шундаки, йиллар ўтган сари онгли, ақлли одам ҳар бир гапини ўйлаб гапирадиган, ҳар бир қадамини ўйлаб босадиган бўлиб қолади, бу унинг жамиятдаги мавқесини белгиловчи воситадир. Бу мулоқотга киришишга руҳан тайёрланишининг аҳамиятини ҳам одам англашини такозо этади. Шундай қилиб, ана шу энг табиий ва бир қарашда оддий инсон фаолияти шу қадар мураккаб ва серқирраки, унинг механизмларини ўрганиш, гуруҳларда тўғри муносабатларни ташкил этиш ва одамларни самарали мулоқотга ўргатиш муаммоси бутунги иктимоний психологиянинг муҳим масалаларидандир.



Майлумки, гаплашадиган одамлар бири гапирди, иккинчиси тинглайди, эшитади. Мулоқотнинг самарадорлиги ана шу икки қирранинг қанчалик ўзаро мослиги, бир-бирини тўлдиретишга боғлиқ экан. Нотўғри тасаввуслардан бири шуки, одами муомала ёки мулоқотга ўргатганда, уни фақат гапиретиш,

мантқан асосланган сўзлардан фойдаланиб, таъсирчан гапиретишга ўргатилади. Унинг иккинчи томони - тинглаш қобилиятига деярли эътибор берилмайдди. Машҳур америкалик нотик, психолог Дейл Карнеги «Яхши суҳбатдош - яхши

гапиретишни билдиган эмас, балки яхши тинглашни билдиган суҳбатдошдир» деганда айнан шу қобилиятларнинг инсонларда ривожланган бўлишини назарда тутган эди.

Мутахассисларнинг аниқлашларича, ишладиган одамлар вақтининг 45%и тинглаш жараёнига кетар экан, одамлар билан доимий мулоқотда бўладиганлар 35 - 40 % ойлик маошларини одамларни «тинглаганлар» учун оларқандар. Бундан шундай хулоса қилиб чиқадикки, коммуникативнинг энг қийин соҳаларидан ҳисобланган тинглаш қобилияти одамга кўпроқ фойда қелтираркан.

Шунинг учун бўлса керак, немис файласуфи А. Шопенгауэр «Одамларни ўзини тўғривчида яхши фикрга эга бўлишларини хоҳласангиз, уларни тингланг» деб ёзган экан. Дарҳақиқат, атар сиз қулоғиб гапирсангиз, суҳбатдошнингиз сизни тингласа, бошқа нарсалар билан овора бўлаверса, ундан ранжийсиз, нафақат ранжийсиз, балки у билан алоқани ҳам ўзасиз. Ўқитувчи гапирадиган пайтда уни тингласанглик одобсизлиқнинг энг кенг тарқалган қўриниши деб баҳолалишини биласизми?


Нима учун биз қўпичча яхши гапирувчи, сўзловчи бўла оламиз-у, яхши тингловчи бўла оламимиз? Психологларнинг фикрича, асосий ҳалакат борувчи нарсалар - бу бизнинг ўз фикр-ўйларимиз ва хоҳишларимиз оғушида бўлиб қолишимиздир. Шунинг учун ҳам баъзан расман шеритимизни тинглаётгандай бўламиз, лекин аслида ҳаёлимиз бошқа ерда бўлади. Тинглашнинг ҳам худди гапиретишга ўхшаш техникаси, усуллари мавжуд. Уларнинг тури ҳам кўп, лекин асосан биз қундалик ҳаётда унинг икки усулини қўлайимиз: *сўзла - сўз қайтариш* ва *бошқача талқин этиш*. Биринчиси, суҳбатдош сўзларининг бир қисmini ёки яхлитича қайтариш орқали, шерикни қўллаб-қувватлашни билдиради. Иккинчи усул эса - шеритимиз сўзларини тинглаб, ундаги асосий ғояни мухтасар, ўзимизнинг талқинимизда ифода этиш. Иккалалар усул ҳам шерик учун муҳим, чунки у сизнинг тинглаётганингизни, ҳаттоки, ундаги ғояларга қарши эмаслигингизни билдиради. Бундай ташқари, биз яхши тинглаётган бўлиб, «Йў-э?», «Наҳотки?», «Қара-я?», «Яна!» думқалари билан ҳам

суҳбатдошимизни гапиришга, янаам ўз фикрларини ойдинлаштиришга чакириб турамиз.

Демак, аслида биздаги гапирётган шахс етакчи, у суҳбатнинг мутлоқ хокими, деган тасаввур унчанлик тўғри эмас. Яхши тингашда ҳам шундай куч борки, у суҳбатдошни Сизга жуда яқинлаштиради, ишончини тўғдиради.

10.5. Бошқарув психологияси ва уни функциялари

Менежмент психологияси умумий психология фанининг бошқа соҳалари билан узвий боғлиқликда ўзи тўплаган маълумотларини чуқур ва атрофлича илмий жикатдан оқилонд, омилкорлик билан таҳлил қилиш имкониятига эга бўлди. Умумий психология, социал психология, меҳнат психологияси, муҳандислик психологияси, ёш психологияси, кичик гуруҳ психологияси, муомала психологияси сингари соҳалар билан жипс алоқа қилган ҳолда психологик ҳолатлар, муносабатлар, оммавий ҳаракатлар, шахста таъсир ўтказиш бўйича ўзини-ўзи, гуруҳни ва жамоани бошқариш, унда психологик илик муҳитни таъминлаш, ҳамкорлик феолиятининг самарадорлигини ошириш, шахслараро муносабатларнинг юксак даражасини вужудга келтириш, низоли, эидияттин, можароли ижтимоий вазиятларнинг олдини олиш имконияти тўғрилади.




Ана шу сабабдан менежмент психологияси учун умумий психология соҳасида эришилган нотуқлар, тўплаган назарий ва амалий маълумотлар, физиологик ва психофизиологик механизмлар, қонуниятлар ҳамда ўзгаришни вужудга келтирувчи, ҳаракатлантирувчи қучлар, ижтимоий-тарихий омиллар, мураккаб ички ва ташқи боғланишлар, тақомиллаштириш босқичлари (йўллари, воситалари, шакллари, бетақоролити, ўзига ҳослиги), шахснинг онтогенетик хусусиятлари ва уларни келтириб чиқарувчи манбалар, сабаблар, ҳамкорликнинг таркибий қисмлари тўғрисидаги илмий, амалий ахборотлар мажмуаси муҳим аҳамият касб этади. Шунинг билан бирга инсоннинг ички регулятив функциялари (мотив, мотивация, ҳис-туйғу, мураккаб кечинмалар, англашилган ҳолатлар), билиш жараёнлари (сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, ҳаёл, ижодиёт, интеллект), онтнинг тақомиллашуви, шахслараро муносабатнинг манбалари (диққат, нутқ), шахснинг индивидуал-топологик, яъни биологик шартлаган хусусиятлари, қамолот босқичлари ва уларга таъсир этувчи ирсий белгилар, ижтимоий муҳит, ички рухий захира ва имкониятти рўёбга чиқариш, ижтимоий феолиқ ҳамда мустикаллик муаммоларига, асосларига, маълумотларга суяниш ўз навбатида бошқарувни максалга мувофик амалга оширишни таъминлайди.

МЕНЕЖМЕНТНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ ФАНИ.

Биринчидан, бошқарувчилик маҳорати ва етакчилик юксак касбий камолот, мураббийлик ва педагогик талант, инноваторлик, нотикилик кобилияти, санъати ва муомала кўникмалари ҳамда маромини ўзлаштириш орқали ўзлуksиз жараёндаги муносабатлар мажмуасини эгалайди.

Иккинчидан, ҳозирги замон менежмент асосини ташкил этувчи “инсон муносабатларининг доктринаси” иқтисодий ривожланиш жараёндаги кийинчилликларни, ижтимоий психологик муаммоларни ечиш, бартараф этишни ишбилармонлик руҳидати ёндашув ёрдамида амалга оширади ёки уларнинг олдини олади.


Менежмент психологияси фанининг предмети ва таркибий қисмлари схемаси:



Учинчидан, у субъектнинг фаолияти, жамовий муносабатидан келиб чиққан ҳолда менежментнинг асосий жараёнларининг табақаларини тадқиқ этиш усуллари, қонуниятлари ва механизмларини тадқиқ этади, ўрганади.

Тўртинчидан, у ҳар қандай, яъни ижтимоий, иқтисодий, снёсий, маънавий муносабатлар шартлида оқилона, одилона, омиқкорлик билан мақбул қарорни қабул қилиш ва уни муваффақиятли амалга ошириш ҳақидаги назарий ва амалий билимлар мажмуасидан иборатдир.

Бошқача сўз билан қисқа ва содда қилиб айтганда,



Менежментнинг психологик асослари фани - объект-субъект муносабатларининг бўйча жаҳатларини бошқаришни эъланати, шунингдек, снмларни фаолият негизидаси назарий ва амалий билимлар мажмуасини ўрганишдан иборатдир.

Юқорида таъкиллаб ўтилган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда бу фаннинг тарққбий қисмлари қуйидагилардан ташкил толган¹⁶⁴:

- 1) менежмент назарияси ва амалиёти иерархияси;
- 2) бошқариш объектлари ва субъектлари орасидати муносабатлар ҳусусийатлари ва уларни бошқариш услублари тавсифи;
- 3) менежмент тамойиллари ва усулларининг ижтимоий психологик асослари;
- 4) ташкилий фаолиятларининг жиҳатлари ва тузилиши;
- 5) менежмент тизимида менежрининг, яъни раҳбарнинг ўрни, роли ва функцияси;
- 6) менежмент объекти ва субъекти тизимининг тобе кишилар, ходимлари ва уларни бошқаришнинг ўзига хослиги;
- 7) ташкилот, муассаса бошқаруви бўйича қарор қабул қилишнинг моделлари ва унинг усуллари тавсифи;
- 8) топириқлар ижросини (бажарилишини) назорат қилишнинг психологик усуллари;
- 9) менежментни самарали ташкил этишнинг ижтимоий психологик асослари;
- 10) менежментнинг ўзини-ўзи ташкиллаштиришнинг қарор топтириш механизмлари талқини.

Менежментнинг психологик асослари фаннинг функциялари.

Ушбу муаммони ёритишни ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг хизмат кўрсатиш негизини объект-субъект муносабатлари тизимини ташкил этишга, улар эса узлуқсиз равишда ўзаро таъсирга эга бўлиши кўлами муҳитини қарор топтиришга, ишлаб чиқиш (хизмат кўрсатиш) даражасида вужудга келувчи

менежер ва менежментта онд тизимлар ўртасидати алоқа доимий равишда мувофиқлаштириб туришни талаб қилишга тўхталмиш мақсадга мувофиқ.

Менежмент объекти билан субъектнинг муносабатлари.

Менежмент объекти		Менежмент субъекти	
Менежментта онд тизим		Менежер тизими	
Мехнат воситаси тобе кишилар, ижроқиллар		Менежментни амалга оширувчиларнинг махсус турухи	

Айнан мана шу мувофиқлаштириб туриш менежмент функциясининг асосини ташкил этади ва унда у ёки бу объектни идора қилишга онд аниқ вазифалар, менежментлик бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Менежмент - бу жараён сифатида ўзининг функцияларида намён бўлади. Шу ўринда “функция” - лотинча (ижро қилмок, бажармок) сўздан олинган бўлиб, бирон қимсага ёки нарсанинг иш фаолият доираси ва вазифаси деган маъноларни билдиради.

Менежмент фаолияти доирасида менежмент субъектнинг вазифаси психологик, ижтимоий психологик нуқтан назаридан муайян объектта нисбатан аниқ таъсир этиш йўналишларини акс эттиришдан иборатдир.

Менежмент функциялари - қўп қиррали ва мураккаб тушунча бўлиб, уларни муҳим белгиларга кўра туркумларга ажратиб ўрганиш мазкур фаннинг вазифаси эканлигини алоҳида таъкиллаб ўтилади.

Бутун бир менежмент жараёнининг самардорлигини ошириш учун унинг психологик функцияларининг моҳияти, туркумлианиши ва тизимини изчил равишда талқик этиш мақсадга мувофиқдир.

¹⁶⁴ Neil Thomas. (2010). «The John ADALR Handbook of Management and Leadership».

Менежмент вазифасининг тузиллиши

Ас	Мазмунини ва моҳиятини кўра	Менежмент функцияларининг
I.	Кўлашнинг куламини бинван	тузиллиши
II.	Феолият турини оисотан	тузиллиши
III.	Объектнинг кайрошни кўра	тузиллиши
IV.	Механизм таъсироти бештисига оид	тузиллиши

Менежмент функцияларининг ҳамма туркумларида ва ҳар қандай бошқаришда уларнинг ўзига хос томонларини кўзга ташлашдан келиб чиққан ҳолда унинг назариясини мазкур феолиятдаги ўрнини ўрганиш уни муваффақиятли амалга ошириш имкониятини янада кенгайтиради. Турли жинсдош фанларнинг ўзаро интеграцияси ҳолатининг вуҳудга келиши туфайли юқоридати мақсаднинг рўёбга чиқиши янада тезлашади.

Ҳозирги замон менежментнинг психологик асослари фанининг вазифаси - бу янги техника ва технологияларни кенг қўллаган ҳолда мазкур жарайнинг энг мақбул самарали илмий-назарий, методологик негизларини яратиш, механизмларини кашф қилиш ва уларни инсон омилига мувофиқлаштиришдан иборатдир.

XX асрнинг 60-80 йилларида АҚШ ва Европанинг бир қатор мамлакатларида замонавий менежмент назарияси ривожлана бошлади. Илгор давлатларнинг назарийчилари тизимли менежментни ташкил қилиш мақсадида XXI асрнинг бўсағасида психология фанида бир қанча концепцияларни ишлаб чиқилар¹⁶⁵, чунончи:

- тизимли ёндашу

- тармоқлараро уйғунлик
- ички ва ташқи омишларга асосланувчи менежментликка
- боғлиқ идора этиш мажмуасини яратиш
- гетероген ва гетероген хусусиятларини хисобга олувчи омишга
- асосланиш ва хоказо.

1. Тизим - бу бир-бири билан изчил ўзаро боғлиқликка, уйғунликка эга бўлган қисмларнинг мажмуасидир. Ҳар бир алоҳида қисм яқлит тизимнинг сифат ва шакл жиҳатидан ўзгаришга ўз хисасини қўшади, шунингдек, унинг ўзи ҳам муайян даражада тақомиллашади ва феолашади. Психологик нуқтан назардан ташкилот ёки муассаса - бу яқлит очик тоифадати тизимнинг айнан ўзидир. Унинг тузиллишида ҳам объектлар, ҳам субъектлар аниқ тартибда ўзаро уйғунлашган ҳолда муассасамлашгандир. Худди шу боисдан унинг ҳукм суриши (умбоқийлиги) ташқи ва ички муҳит мутаносиблигига бевосята боғлиқдир. Тизимли ёндашува ташкилий менежментга бинван унинг таркибидати психологик ва ижтимоий психологик ҳодисалардан ташқари (иктисодий, илмий-техник, ижтимоий-сиёсий, маданний-матрифий) муҳитга эътибор берилати.

2. Гарчи тизимли ёндашувада яқлит ташкилот ёки муассаса қандай таркибий қисмлардан ташқил топганилиги аниқ бўлса-да, бироқ бу қисмларнинг қайси бириси бирламчи, қайсииси иккиламчи ёки учламчи даражали эканлигига қатъий эътибор қаратилмайди.

Модомики шундай экан, ташкилотнинг ёки муассасанинг қайси бир қисми ўта муҳим, деган муаммога вазиятли таҳлил (ёндашу) рўй-роғ жавоб бера олади. Мазкур ҳолатда ташкилот (муассаса) дати ички таркибий ўзгаришлар ташқи муҳитнинг таъсири билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганилади. Ички таркиб механизми ташқи муҳит омили билан уйғунлашади, натижада муаммони ҳал қилиш вазият ҳукми, моҳиятига синтиб кетати. Шунга алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, турли даражадати, хусусиятдати вазият ҳар хил билимини такозо этади,

¹⁶⁵ Susan Quinn, (2010), Management Principles. 13-14 p 286


окибатда кўрсаткичлар ушбу психологик ҳодисанинг ҳаракатлантирувчиси ёки таъминловчиси функциясини бажаради.

3. Менежментда ташкилий механизмларнинг энг оқилона йўлларини ишлаб чиқиш имконини беради. Мазкур нуқтаи назардан менежмент куйидаги функцияларни бажаради:

- - фаолият ёки ишлаб чиқаришнинг асосий ёки бош мақсадини аниқлаш;
 - - муаммо ечими бўйича қарор қабул қилиш;
 - - муаммо ечимини топишнинг йўл ва воситаларини режалаштириш;
 - - ушбу жараёنни амалга оширишни ташкиллаштириш;
 - - нозага келган объект, субъектив шароитларга ва фавқулоддаги вазиятга мослаштириш;
 - - муаммо ечилишини назорат қилиш ва ҳоказо.
4. Унга асосан бошқаришнинг:
- операцион тамойилга;
 - қарор қабул қилиш назарияларининг ўзига хос тамойилларига;
 - илмий менежмент моҳияти, тузилмаси қабиларга асосий эътибор қаратилади.

Инсон хатти-ҳаракатининг замирида доимий унинг учун дастурий мақсад, майл мужассам бўлади, натижада унга кўра шаклнинг у ёки бу муносабатлари жараёнидан (масалан: ишлаб чиқаришдаги ижтимоий рухий муҳит) таъсирланиши юз беради, бунда унинг ҳарактерига хос белгиларини аниқ билиб олиш мумкин. Шунинг учун ҳам мазкур жараён, хусусият ва ҳолатлар менежментнинг психологик асослари фанининг илмий тадқиқот предметига айланиши заруратдир. Психологик билимларнинг бундай тарзда тизимлашуви теранлик, объективлик ва ишонч негизда жиддий ташкилий - менежментлик ишларини олиб бориш учун мустаҳкам асос бўла олади.

Шу ўринда “муносабат” категориясини мисол тариқасида ўрганиш фойдалидир. Муносабат - фаолият ривожланишининг кўп қиррали жараёни ҳисобланиб, у одамлар ўртасидаги ҳамкорликдаги фаолиятнинг эҳтиёжларидан



келиб чиқадиган ўзаро боғланишларнинг мураккаб маъмуасини ўзида бевосита акс эттиради.

Менежментнинг марказида яққол шахс турганлиги муносабати билан социал психология қонуниятларига

асосланиш, ижтимоий муносабатларнинг махсули эканлигига суянмиш, ижтимоий рухий муҳитнинг роли, имокниятлари, оммавий ҳолатлар, яққол ҳодисалар, англашилмаган (таксид, юкиш, саросималик, тахлика, овоза ва бошқалар) савн-ҳаракатларга тортилганлик ва уларнинг ижтимоий оқибатлари юзасидан билимларни умумлаштирган ҳолда амалиётга таъбиқ этиш, вужудга келиши мумкин бўлган нуқсонларнинг олдини олишга имкон яратлади.

Менежментнинг психологик тизими “инсон-техника” муносабатининг камраб олганлиги сабабли техникага инсон имокниятларидан келиб чиққан ҳолда муносабатда бўлиш ёки муассаса учун яратилган замонавий асбоблар, қурол-аслаҳалар, компьютер, дисплей, мониторинг, робот қабиларни ишлаш маромига мослашиш масалаларига тааллуқли ахборотлар, хоссалар, тизимлар, тузилмалар, қурилмалар тўғрисидаги билимлар бўйича катъий талаблар туркуминини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, муҳандислик профессинограммасининг хусусиятларини ҳисобга олиш, раҳбар-тобе кишиларнинг техника муносабатларини оқилона ташкил этиш жараёнига тўғри, унумли, қулай шарт-шароитлар яратлади. Фан ва техника янгиликлари билан инсон имокниятини мувофиқлаштириш идентификация онгли равншда ўхшашликка интилиш, рефлексия, ўз-ўзини ва бошқаларни оқилона баҳолаш, антигипотеза (фаолият махсули моделини олдиндан яратиш) ва коррекцияни (ижодий маромларни) шакллантиришни тезлаштиради, касбий мослашиш (адаптация) психологик тайёрларлик мулдатини камайтиради, ўзаро тушунувни таъминлашга хизмат қилади. Шунинг учун “инсон-техника” муносабати

“инсон-жамоа”, “жамоа-инсон” туркумлари даражасига ўсиб ўтишининг таъминланиши ва бу борада шахснинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш диагностика маълумотлардан келиб чиққан ҳолда унга ва унинг фаолиятига ёндашиш лозим.

Менежмент психологияси муомала психологияси соҳасида тўлланган материалларга асосланган ҳолда шахсларро муносабатларни ташкил қилиш, уюштириш ва такомиллаштириш имкониятига эга бўлди. Муомаланинг тузилиши, унинг таркибий қисмлари, ҳар бир таркибининг муайян тузмдан иборат эканлиги, иерархияга бевосита асосланиши, уларнинг ўй-тушулуви, мулоқот турлари ва улардан амалиётда фойдаланиш йўлларининг таъбиқий хусусиятчилиги билан мазкур фаолиятига ижобий таъсир ўтказди. Муомаланинг коммуникатив таркиби, яъни коммуникация: коммуникатив ҳаракатлар, ақллардан: регулятив, информатив, эмотив, фатик функциялардан; кўзгатувчи (этикад, таъсир қилиш, бўйруқ илтимос) дан иборат.

10.6. МЕНЕЖЕР ВА РАХБАР ТИПЛАРИ ТЎҒРИСИДА ТУШУНЧА.

Жаҳон ижтимоий психологияси фанининг турлича йўналишлари, ҳар хил хусусиятли намоёндалари томонидан тўпланган беҳисоб ҳам назарий, ҳам амалий материалларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш уларни муайян моҳиятига (мазмунига) кўра менежер (рахбар)ларни қуйилати типларга (тоифаларга) ажратиш имконини юзага келтиради¹⁶⁶.

1. Фаолиятнинг мазмунига кўра:

Илҳомлантирувчи.

Ижро этувчи (ижрочи).

Ҳам илҳомлантирувчи, ҳам ижро этувчи (ижрочи).

II. Фаолиятнинг услубига биноан:

1. Авторитар.

2. Демократив.

3. Либерал.


4. Педаантизм.

5. Арағаш (диффуз).

III. Фаолиятнинг хусусиятига қараб:

1. Универсал (кўпқиррали, кўпёклама кенг ихтисосли, яъни кенг профили).

2. Бирёклама, яъни тор ихтисосли, чекланган хусусиятли.



Энди ушбу психологик таснифга, туркумлашга асосланган ҳолда уларнинг ҳар қайсисига тааллуқли бўлган тавсифларга тўхталиб ўтамиз. Шунингдек, яққол ҳаётий тажрибаларга асосланиб уларнинг моҳиятини очишга, психологик ҳодисаларини эса рўй-рост тушунтириб беришга ҳаракат қиламиз.

Ижтимоий ҳаётнинг турли бўғинларида (инфраструктурасида) фаолият кўрсатаётган менежер (рахбар) ларнинг айримлари ўзларининг шахсий фаолликлари, белгиланган максалларга нисбатан собитқадамликлари, ижодий режалари, барқарор иродавий сифатлари, ўзини ўзи бошқариш (регулятив) имкониятлари билан ўз кўл остидаги ҳодимларида, ўрта бўғиндаги (лавозимдаги) хизматчиларида (ўринбосарларида) ҳулқ-атворида, муомалада ва фаолиятда ундовчи мотивациялари таъсирида шижоат, ишонч, ижтимоий бўрч ҳис-туйғуларини уйғотди. Фаоллаштиришнинг объектив (табiiий) омиллари

¹⁶⁶ Vanyu Vanyucse and Stefano Cerri (2016). «Creating Innovation Leaders». Springer International Publishing Switzerland.

(яъни шарт-шароитлар, ишчанлик муҳити, техника воситалари, меҳнат ўрнининг сангигиеник талабларига жавоб беришлтиги, ишхакини тўлашининг тўғри йўлга қўйилганлиги ва ҳокзо) ва субъектив (ички рухий) жабаҳалари англашилган мотивлар, кизикиш, шахсий ва ижтимоий установакалар, яъни психологик илик муҳит, ғовий эътиқод, юксак хислар (ахлокий, аклий, эстетик, праксик, яъни меҳнатдан лаззатланиш хисси кабилар) дан унумли, омилкорлик билан, одилона ва оқилона фойдаланиш. Баъзи бир рухий ҳолатларда, вазиятларда меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, оптимистик, миллий гурур намуналарини намойиш қилиш орқали ўз кўли остидатиларининг руҳиятида илҳом, интилиш хоҳиш, истак, эъгу ният туйғуларини вужудга келтириш мақсадга мувофиқ.

Миллатпарварлик юксак хиссини амалиётда қарор топтириш, рўёба чиқариш ёрдамида ўзга қилиларда, бетона одамларда тақдидчанлик (имитация), ўхшашта интилувчанлик (идентификация), қутлиётган натижани олдиндан пайқаш, моделини кўз ўнгига келтириш (антиципация) сезиригини, яъни сенсорикани намён этиш айна мулдаводир. Ўз кўли остидати одамларни шахсий хатти-ҳаракатлари билан ром қилиш, махлиё этиш (лотинча-аттракция), тана аззоларининг тонусини кўтаришни эришил, биологик шарланган ички имкониятлар ва захираларни ишта туширишга табиний жихатдан нетиз хозирлаш ижобий махсулларни келтириб чиқаради.

Хулқ-оодоб, муомала ва фаолиятни амалга ошириш жараёнида ҳодимларга тезкорликда ёрдам кўрсатиш, фидойилик хусусиятини амалий жихатдан



намоийш қилиш туйфайли
илҳомлантирувчанлик хислатини
бошқаларга муваффақ бўлади.

Менежернинг илҳомлантирувчи
типи умумий ижтимоий психологик
ҳолатни ёки аниқ ишни ташқил
қилишни бошқаришда, спорт мусобақаларида, шахсларо муносабатда
жонқуярлик намунасини акс эттиришда кўзга ташланади, тақлид, юктириш,

таъсир ўтказиш (интеракция) орқали ўзининг кўли остидати одамларининг рухий ҳолатида ички туртки (мотив) уйғотади, фаоллиқни оширишга (мотивация), ўзини ўзи қашф қилишга, очинишга пухта замин хозирлайди.


Ижро этувчи (ижрочин) менежер (раҳбар, бошқарувчи) юкоридан (юкори ташқилотлардан, раҳбариятдан) келиб тушаётган жамини йўл-йўриқларга, топшириқка, мажбуриятга ситқидилан, ҳақчил равишда ёндашади, масъулият хиссига асосланиб муассаса, ташқилот, бошқарма, вазирлик, ҳокимият томонидан бажарилиш режалаштирилган ишларни (топшириқларни) ўз вақтида ва сифатли адо этилишини таъминлашга раҳнамолик ёнқи бошчилиқ қилади. Унинг кўл остидати жамовлар аззоларининг барча бўғинларида ижро интизомининг юксак савияда бўлишини яқка тартибда назорат қилади, ҳар қайси алоҳида шахс олдиға ижтимоий психологик талаб даражасида фаолият кўрсатиш зарурият эканлигини уқтиради. Ҳар қандай ҳолат ёки вазиятда менежер талабчанлик, ташқилотчилик қобилиятини намойиш қилади, лекин ижодий изланиш, умумий низо, меъёрий ҳужжатлар мазмунидан, талабидан ташқари чикиш имкониятига эга бўлмайди.

Менежер ўзининг хулқ-оодобида, муомала маромида, фаолиятни амалга ошириш ва улоштиришда ўзгаларнинг руҳиятида тақдидийлиқни вужудга келтиради ва ижтимоий психологик муҳитда тобе қилилар шахсининг қамолотида таъсирчан роль ўйнаши мумкин. Худди шу бонисдан ижронинг воситалари, психологик механизмлари (таъминлаш асослари), ҳодимлар ва хизматчиларга таъсир ўтказишининг йўл-йўриқлари билан қуролланганлиқни англатади, шунингдек, интизом муваффақият (ютук) гарови, қафолати эканлигини тушуниш тараққиётга (прогрессга) нетиз бўлиши мумкинлигини билдиради. Жорий, тақвим, ҳафталик, қундалиқ режа бўйича иш қуритишни таъминлаш, ўз муҳлатида амалий ифодасини қарор топтиришга интилиш, изчиллик, узвийлик, мантисқийлик, умумлашганлик аклий фаолият тарққилари мажмуд бўлишга нисбатан ижобий муносабат туйғусини юзага келтириш учун ҳамакорлик фаолиятини (менежер билан ҳодимларнинг биргаллиқдаги хатти-ҳаракатлари мажмуасини) тақомиллаштириш, ўзгаларга таъсир ўтказишининг



(интеракция), ўзгаларни ишонтирининг (судестия) янги, инновацион технологияси билан яқиндан танишиш ҳамда иштирокчиларда тортиланлик хиссини шакллантириш лозим.


Ҳам илҳомлантирувчи, ҳам ижро этувчи менежер типини (тоифаси) бозор иктисодиёти даврида муҳим аҳамият касб этиб, бир томондан ижтимоий фаолликни вужудга келтирса, ходимларда фидойийлик туйғуларини уйғотса, иккинчи томондан уларда ижрочилик интизомини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ишга ва фаолиятга нисбатан бундай ёндашув боқимандалик кайфиятини, юқоридан бўйруқ кутиб туришга кўникиш хиссини аста-секин йўқотиб юборишга пухта замин яратди. Ўзининг намунавий характерологик хусусиятлари, иродавий сифатлари (мустақиллик, катъиятлик, сабр-тоқатлик, жасорат ва ҳокazo), ижодий ғояларни муҳокама учун кўйиш, умумий сафарбарликка жамoa аъзоларини тортиш орқали чин маънода обрў-эътибор қозонишга мушарраф бўлади. Юқоридан кузатувчи, назоратчи, иш юритувчи сифатидати ишлаш услубидан жамoa билан аралашиб, ҳамкорлик тарзидати фаолиятда тез-тез катнашиш хурмат ва эҳтиромни келтириб чиқаради. Ушбу иш услубида оралик (дистанция) камазди, яқинлик эса тобора кучаяди. Менежер билан ходимлар ўртасидати руҳий яқинлашув психологик илик муҳитни юзата келтиради. Лекин маълум маънода раҳбар билан тобе



кишиллар ўртасида субординатия сақланиши максалга мувофиқ, чунки хатта-ҳаракатларнинг маълум метёрда бўлмаслиги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Ижтимоий психология фанида


кўлланилиб келаётган энг қадими менежер (раҳбар) иш услуби авторитар тушунчасида ўз ифодасини топади. Ижтимоий ҳаётда ҳақ-ҳуққ, демократия элементлари муайян таъсир кучига эга эмас экан, демак авторитар ҳолат ҳукмронлик қилаверди. Инсониятнинг ижтимоий-тарихий тараққиётида формациялар ва уларнинг ҳар хил шакллари ҳукм сўрган даврларда эътиборни авторитар иш услуби етакчилик қилиб келди. Авторитар ишлаш услубини эгаллаган менежерлар ўзларини яқка бошлик сифатида тан оладилар, танҳо ҳукм ва ҳулоса чиқаришга одатланганлар. Фан ва техниканинг тараққиёти, жамиятда шахслараро муносабатларни бошқа асосга, яъни тенглик, эркинлик, ўзаро хурмат, масъулият, жавобгарлик принциплари негизига қурилишини такозо этади. Лекин бир томонлама хурматга таянган ҳолда муносабат ўрнатилиши ички қарама-қаршиликларни юзата келтириши мумкин. Жамoa, жамoатчилик фикр ва мулоҳазаларини инобатга олмаслик ёки унга интизмаслик авторитар ишлаш услуби устувор эканлигини англатади. Бавъан вақт тингизлиги ва тақчиллиги даврида авторитар услубдан фойдаланиш ҳолатлари учраса – бунинг ҳеч қандай нуқсонли томони йўқдир. Авторитар типга тааллуқли менежер ўзини яқка ҳоким сифатида ҳис этса-да, бироқ унинг жамoa аъзолари билан умумий томонлари жуда кам эканлиги омилли армон туйғусини уйғотди.

Жаҳонда кенг оммалашиб бораётган менежментлик тоифасидан бири – бу демократив ишлаш услубига эгалиқдир. Демократив ҳуқуқий, фуқаровий жамият бунёд этилар экан, ўзидан ўзи тенглик тўғрисидаги мулоҳазалар ижтимоий ҳаётнинг асосий муаммосига айланади. Шунни алоҳида таъкиллаб ўтиш керакки, ҳукмдорликнинг турли кўринишларида ҳам адолат мезон сифатида кўлланилган бўлса, демократив ишлаш услуби етакчилик қилганига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Демократиянинг учта умумий принципига риоя қилган ҳолда шахслараро муносабатни амалга ошириш, кейинчалик эса муомала маромини эгаллаш, жамият тараққиётига тўсқинлик қилган барча субъектив тўсиқларни енгиллаш интилиш ушбу услубда фаолият кўрсатадиган менежерларнинг хусусияти бўлиб ҳисобланади.



Демократив услубдаги менежер жамоа фикри, ғояси, муайян даражада қарорга келиши, ҳуқуқий тенгликка риоя қилиниши, эркинликни рўйбга чиқиши тўғрисидаги масалаларга оқилона муносабатда бўлади, имконият борича барча ҳолатни ҳамкорликда ҳал қилиниш тарафдори саналади. Ҳар бир аъзоннинг фикрига қўлоқ солиш, уни тўғри идрок қилишга ва тушунишга мойиллик, рағбатлаш ёки жазолаш методидан фойдаланишда ҳамкорлик принциплари содқиклик мазкур услубнинг асосий қўриниши ифодасидир.

Лекин демократив услуб шахсий ташаббус, яққаҳол қарор, индивидуал муносабат ва позиция ҳуқм сурпишини инкор этмайди, чунки мулоҳаза, мушоҳада, муҳокама жараёнларида фаволлик унинг муҳим жабҳаларидан биттаси бўлиб ҳисобланади. Демократив услубнинг энг муҳим ижтимоий психологик томони шундан иборатки, унда жамоа аъзолари ўртасида яқинлик, ўзаро ишонч, ўзаро ҳурмат, жавобгарлик, масъулият, иқтимоий бурча содқиклик ҳис-туйғулари шаклланади. Фикр юритиш, қарор қабул қилиш, муаммони ечиш жараёнларида ёндашишда умумийлик вуждуга келади, ҳамоханглик, эмпатия (ҳамдардлик), ўзаро қўллаб қувватлаш кечинималари мавжудлиги улар орасида руҳий илик муҳит ҳуқм сурпишдан, ўзаро мослик (мутаносиблик) шакллантилигидан далолат беради.



тақдирини ҳал қилиш механизми эканлигини юқсак даражада ҳис қилган тарзда ҳамкорлик фаолиятини ташкил қилдилар ва бошқардилар.


Жамоа ва жамоатчилик билан ишлаш жараёни ҳар хил тарздаги

ёндашувни амалга оширишни такозо этади. Иқтимоий психологик вазиятнинг ўзи либерал услубдан фойдаланиш заруриятини вуждуга келтиради. Ташкилот ҳамиша ҳам муттақ бирлик, ўзаро тушунов узлуқсиз равишда ҳокимлик қилади, деган қатъий қарордан йироқдир. Чунки муассасанинг ички тузилиши ҳилма-хил бўлса, бўғинларнинг ўзига ҳослигидан келиб чиққан ҳолда турлича маромда муносабатга киришишни талаб қилади. Умумият фикри, яққаҳол қатъият ўрнини ён бериш, вазият билан ҳисоблашиш, яъни либерал муносабат эғаллаши мумкин. Шунинг учун реал психологик ҳолат, ҳолдса муҳитидан келиб чиққан ҳолда либерал ёндашишни қўллаш низоли, можароли вазиятнинг олдинни олишга хизмат қилади.

Лекин ҳамиша муросачилик билан иш юритиш менежер обрўсига путур етказади. Либерал тоифага кириб қолишлик қатъиятсизлик, принципал бош йўналиш заифлиги олатий воқелик эканлигини англатади. Либерал услуб вазиятдан енгил чиқиб кетишнинг воситаси сифатида таъбик этилиши мумкин, ҳолос. Акс ҳолда менежмент фаолияти шунчаки ташки қўринишга эғалити тўғрисида сохта таассуротни вуждуга келтиради. Қатъиятсиз, муросадор менежер ҳозирги давр учун аҳамиятли сиймо эмас, буни ҳеч унитмаслик зарур.

Ташкилотта раҳбарлик қилишда турлича услублардан фойдаланиб келинади. Улардан яна биттаси — бу педантизм тоифадир. Ҳамкорлик фаолиятининг барча жабҳаларида расмийчилик нуқтани назрдан ёндашиш устуворлик қилади. Педантизм ишнинг бирламчи ва иккиламчи даражаси

бўлмаслиги тўғрисидаги гоёни ўзида муҳассамаштирган бўлишига қарамай, ички норозиликларни келтириб чиқариши эҳтимол. Ҳар бир ҳаракат, ҳар қайси хужжат саволдон, намунавий, рисоладагидек расмийлашувига асосланган менежер услубидир. Шунга хотирадан чиқармаслик жонзёки, ҳар бир жамоа аъзосига ишониш лозим, лекин ҳаракатнинг сифатини назорат қилиш нуқсонларнинг олдини олиши




таровидир.

Педантизм умумий фаолият якунига фойда келтириши билан бир даврда кўп остидагилар учун хавф-хатар, кўрқинч ҳисларини уйғотади. Кўп ҳолларда ҳодимларда синчовлик, эҳтиёткорлик туйғуларини шакллантиради, масъулиятни орттиради. Ҳудди шу боисдан бу услуб ижтимоий психологияда туринча баҳоланишга эга, уларнинг баъзилари ижобий воқеалик сифатида талқин қилса, бошқа бир тўрух назарётчилар эрк нуқтан назаридан унга салбий муносабат билдиради.

Менежмент фаолиятини уюштириш давомида диффуз (аралаш ёки ноаниқ, шаклланмаган услубдан фойдаланиш ҳоллари учрайди) тоифасига алоқадор менежерлар учраб туриши ижтимоий психологияда қайд қилинган. Ҳар қандай касбда ҳам маҳорат чўққисини эгаллаш кийин кечгани каби раҳбарлик лавозимида ҳам ўз иш услубига эга бўлишлик муайян тажрибани талаб этади. Менежер шахсий услубга эга бўлганига қадар ҳар хил йўллари кўллайди, лекин ҳаминша ҳам муваффақиятга эришавермайди. Шунга унутмаслик керакки, ҳар қандай раҳбар шахсий услубга эга бўлади, деган

мулоҳазата эҳтиёткорона ёндашиш маъқул. Менежментлик бу санъат, унинг мураккаб, нозик жиҳатларини эгаллаш барча раҳбар кадрга бир текис насиб этавермайди. Шунинг учун унда ҳам биологик, ҳам ижтимоий шартланган ҳусусиятлар яққол кўзга ташланган тақдирдагина камолат сари интилиш табиий равишда амалга ошади.

Ижтимоий тажрибаларнинг кўрсатишича, универсал менежер (кўпқиррали, кўпёклама салоҳиятли, кенг ихтисосли, кенг профилли) ташкилотларда фаолият кўрсатади. Бу иш услубига ундан қомиллик ҳислатларини талаб қилади, факат ўз соҳасининг эъза, баъки борлик тўғрисида билимларни, тушунчаларни эгаллаш тақозо этилади. Ишлаб чиқаришга оид билимлардан ташқари, сиёсат, маънавий, иқтисод, диний таълимот, янги технология юзасидан муайин фикрга эгаллик унинг универсаллигидан далолат беради.



Ҳуққ фаолияти ва муомаланинг мотивацион, эмоционал, иррадиан, когнитив, регулятив жаъҳаларини эгаллаш тўғрйли юксак даражага эришиши мумкин, бирок мазкур кўрсаткич эксперт баҳога эга бўлиши керак. Факат мана шундагина идеал тимсол, нодир сиймо сифатида кўп остидаги кишилар томонидан идрок қилинади. Ҳажон, фаҳр, гурур туйғулари шаклланганлиги объектив баҳоланишнинг рамзидир.

Менежер бирёклама, тор ихтисосли тоифага эга бўлиши, унинг ўз соҳаси, ихтисоси билимдони эканлигини тавдалантиради. Ўз мутахассислиги бўйича чуқур билим, кўникама, маъкаларга эга бўлишлик раҳбарлик услубини эгаллашга пухта нетиз хозирлайди. Ташкилот фаолиятини тақомиллаштириш, жипсликни юксалтириш, самарадорликни ошириш имконияти етарли даражада бўлиши менежер нуфўзи учун етарли эмас. Ҳар соҳада фикр алмашиниш ва кўл

остидагиларга тавсия бериш салоҳияти унга кўшимча обрў – эътибор келтиради.

Хўлоса, менежернинг турли – турман тоифалари, ишлаш услублари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар қайсисидан унумли ва мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш жамoa аъзолари ўртасида шахсларaro муносабатни юксакликка кўтарadi ва илик руҳий муҳитни шакллантиради.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар

1. Инсоний муносабатлар психологияси.
2. Шахсларaro муомаланинг шахс тараккиётидаги ўрни.
3. Инсоний муомала ва мулоқотнинг психологик воситалари.
4. Мулоқот ва уни ўрганиш муаммолари.
5. Бошқарув психологияси ва уни функциялари
6. Менежер ва раҳбар типлари тўғрисида тушунча.
7. Ҳозирги замон раҳбари қандай бўлиши керак?
8. Раҳбар психологияси.

7

ГЛОССАРИЙ

ГЛОССАРИЙЛАР

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Темпус	etapsus	tempus	(Европейан Community Action Scheme for mobility of University students) TEMPUS ва бошқа дастурлари асосида чет элларда тахсил олиш имкониятига эга бўладилар.
Билим	knowledge	образование	ҳақиқий борлик умумий ақсини топади. Таалаблар ҳолида, воқеа, қонуниятлар тўғрисидаги маълумотларни ўрганадилар ва у уларнинг қутути бўлади.
Болонья декларацияси-	Волонья Декларация	декларация Болонья	2001 йилда 29 та Европа давлатлари таълим вазирлари томонидан Болонья декларациясининг имзоланиши. Европа таълим ҳудудини яратилиши. Болонья декларациясига кўра дипломларнинг ўзаро тан оlinиши, яъни ўқитиш натижаларини яқиний кўрсаткичларнинг ўзаро тан оlinиши мумдлати – 2010 йил деб белгиланган эди.
Вазият	situation	ситуация	(ситуация) (кейсинги лотинчадаги situation - ахвол) – муайян вазият, ахволни ҳосил қиладиган шарт-шароитлар ва ҳолатлар ўлошмаси.
Вазиятчи таҳлили	Situational analysis	Ситуационный анализ	мувоффақиятлар ва муваффақиятсизликларни ҳисобга олган ҳолдаги олдинги фаолиятини о'тгалиш: ишлаб чиқариш ва бозордаги вазият о'згариш сабабларини аниқлаш; ҳодимлар иш самардорлигини баҳолаш, иш қўрсаткичларига ташқи таъсир та'сирини ҳисобга олиш; ҳозирги кундаги вазият та'сирини аниқлаш ва келажак прогнози (bашорати).

Вебинар усули	Webinars method	Вебинарний метод	дарс семинар ёки конференция Интернет орқали бир вақтда ҳозир бўлган талабалар билан аудио видео (ва аввалги постларда санаб ўтилган кўплаб интерактив имкониятлар) билан жонли оlib бoрилиши.
Дастурлаштирилган таълим бeриш	Programmed learning	Программное обучение	Дастурлаштирилган таълим бeриш асосини, тартибга келтирилган топшириқларни намoён қилувчи, ўргатуви дастур ташкил этили. У бутун ўқитиш жараёнини бошқаради.
Касб	profession	профессия	бу меҳнат фаолиятининг барқарор тури бўлиб, у нафакат аниқ билим ва кўникмаларни бўлишини талаб қилмай, балки бир хил бўлган умум касбий билимларни ҳам бўлишини талаб қилади
Кейс-стади	Case study	Кейс-стади	(инглизча сазе - тўплам, аниқ вазият, stadi -таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирилган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммони-вазиятчи таҳлил этилишинга асосланадиган таълим усулидир.
Концепция	concept	Концепция	умумий ғоя ёки бирор-нарсга тўғрисида тасаввур, тушунича, фикрлар тизими.
Кредит	Credits	Кредит	Нoст университетда (қабул қиладиган университет) муваффақиятчи ўтилган барча фанлар Рoст – университетда (таалабни бошқа OTMга жўнатган университет) ҳисoбга oлинини зарур.

Модератор	moderator	Модератор	Қабул қилинган қондаларга амал қилиш текширади, талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларини ривожлантириш, билиш фаоллигини фаоллаштиришга ёрдам беради. Матлумотни, семинарни, тренинглар ва даяра суҳбатларини бошқаради, фикрларни умумлаштиради.
Модулли ўқитиш	modular training	Модульное обучение	Ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у таълим олувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир.
Муаммоларни вазият	problematic situation	Проблемные ситуации	Мазкур ҳолда вазият субъектининг ҳозирги вазиятга ёки келгусидаги мақсадларга эришишга хавф солаётган вазият тушунилади.
Таълим олиш	education	образование	бу билим, кўникма ва малакалар тизимини эгаллаш жараёнидир, яъни бунда шахснинг фаоллигининг жиҳатлари, дунёқараши ва ўзини тутиш сифатлари ташкил топади, ҳамда билиш қобилиятлари ривожланади.
Таълим бериш	-learning education	обучения	бу ҳамкорий фаоллигини намоён қилиб бунда касб таълим ўқитувчиси талабалар фаоллигини ташкиллаштиради, рағбатлантиради, ўзгартиради ва назорат қилади.
Тьютор	Tutor	Тьютор	(Tutorship-лотинча) устоз, мураббий вазифасини бажаради. Бъззи ҳолларда маъруза ўқитувчиси билан талаба орасидаги боғловчи ролини ҳам бажаради. Бунда

			маърузачи томонидан берилган билимларни кенг эгаллашда масъулачи ва устоз ролини бажаради.
Ўқитиш	training	обучение	бу таълим олувчиларга янги ўқув аҳборотини тақсим этиш, уни ўзлаштиришнинг ташкиллаштирашга, кўникма ва малакаларни шакллантиришга, билиш қобилиятларини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилган, мунтазамли ташкилий жараёндир.
Фасилитатор	facilitators	Фасилитатор	(инглиз тилида facilitator, латинча faciliis-енгил, қулай)-гуруҳлардаги фаоллиг натижасини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий ечимини йўналтириш, гуруҳдаги коммуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради.
Эвристик ўқитиш	heuristic teaching	Эвристические обучения	Ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган масалани аниқлаб олиши. Ўқувчилар эса мустақил равишда тақлиф этилган масалани тадқиқ этиш жараёнида зарурий билимларни ўзлаштириб оладилар ва унинг ечими бўйича бошқа вазиятлар билан таққослайди.
Эдавайзер	advisor	Эдавайзер	французча "aviser" ("ўйламоқ") талабаларнинг индивидуал ҳолда битирув малакавий иши, курс лойиҳаларини бажаришда масъулачи ролини бажаради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонуни. //Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. — Т.: Шарқ, 2001. -ББ. 3-18
2. Ўзбекистон Республикасининг "Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури". //Олий таълим меъёрий ҳужжатлари. — Т.: Шарқ, 2001. -ББ. 18-52.
3. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони. <https://lex.uz/>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли Фармони. <https://lex.uz/>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори. <https://lex.uz/>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли Қарори. <https://lex.uz/>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли Қарори. <https://lex.uz/>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПҚ-3704-сонли қарори. <https://lex.uz/>
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июлдаги "2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4749-сонли қарори. <https://lex.uz/>
10. Ш.Мирзиёев. Ўзбекистон президентининг Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисида сўзлаган нутқи. 2016 йил, 15 декабрь.
11. И.Каримов. Юксак маънавият мутахассислар тараккиёт омили. Т.: Ўзбекистон, 1995 й.
12. Перелудов Л., Саидов М. Менеджмент и экономика высшего образования. — Т.: Молия, 2001. — 251 с.
13. Lea Charis, Pedagog. Embedding Learning Technologies. Modul 1.
14. Educational Technology Use and Design for Improved Learning Opportunities, Mehdi Khosrow-Pour, USA, 2014.
15. Kieth S. Taber. Modelling Learners and Learning in Science Education, 2014.
16. Charles Stangor. Introduction to Psychology. 2011.
17. D.K. Schneider. Introduction to Educational technology.
18. Karla A. Lassonde. Introduction to Psychology. University of Minnesota Libraries Publishing edition.
19. Educational Psychology, Kelvin Seifert and Rosemary Sutton, Switzerland, 2010, the Jacobs Foundation.
20. Каримова В.М., ва бошқалар "Педагогика. Психология". Ўқув қўлланма. -Т.: 2012. -380 бет.
21. Очилова Г.О., "Педагогика. Психология" фанидан ўқув услубий мажмуа -Т.: 2016. -420 - бет
22. Очилова Г.О., Мухаммадова Г.М. "Педагогик маҳорат", 2014. -420 бет.
23. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Т.: Чўлпан. 2013. -200 бет.
24. Иномов И. Иқтисодий тарбия назарияси. Т.: ТДИУ. 2011. -248 бет.
25. Ҳасимова М.Ф. Педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. Т.ТДИУ, 2013.
26. Тожибоева Д. ва бошқ. Иқтисодий педагогика. - Т.: Фан ва технология. -2012. -256 бет.
27. Хайитов О. "Психодиагностика" Тошкент. Ўқув қўлланма. Т.ТДИУ. 2012 йил.
28. Василькова Ю.В. Лекции по социальной педагогике.: Теория и история. М.: Перспектива, 2010. -736 стр.

Интернет сайтлари

1. www.krotov.info
2. www.gumer.info
3. www.gumanitaja-pedagogika.ru
4. www.koob.ru/pedagogics/
5. old.ziyouet.uz
6. redagogika-gao.ru
7. redagogu.ru
8. raidaogov.com
9. www.redagogika-cultura.piarod.ru

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
CHIRCHIO DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI

-13793/26-

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY TALIM,
FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
CHIRCHIO DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FLIRI

МАМАДАЛИЕВ КАМОЛИДИН РАХМАТУЛЛОЕВИЧ

ПЕДАГОГИКА.

Ўқув кўлланма

Тошкент – “Book trade 2022” – 2022

Муҳаррир:	<i>Х.Тоҳиров</i>
Мусаххих:	<i>М.Юсупова</i>
Компьютерда	
сахифаловчи:	<i>Д.Усмонова</i>

Наشريёт лицензия № 2044, 25.08.2020 й.

Босишга рухсат этилди 19.07.2022 у.
Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$, “Times new roman” гарнитураси. Офсет
босма усулида босилди. Шартли босма тобоғи 19,25.
Адади 100 донa.
Буюртма № 3.

Book trade 2022 МЧЖда чоп этилди.
Манзил: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар,
А.Темир кўчаси